

Каримова В.М., Суннатов Р.И.,
Тожибоева Р.Н.

МУСТАҚИЛ ФИКРЛАШ

2000A-1939

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИИ МАРКАЗИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Каримова В. М., Суннатов Р. И.,
Тожибоева Р. Н.

МУСТАҚИЛ ФИКРЛАШ

*(Академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари
ўқувчилари учун ўқув қўлланма)*

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ
БОШ ТАХРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ — 2000

Тақризчилар:

психология фанлари номзоди,
доцент Э. Н. САТТОРОВ

психология фанлари номзоди, доцент
Н. М. СОФИНОВ

Каримова В. М. ва бошқ.

Мустақил фикрлаш: (Академик лицейлар ва касб - хунар коллежлари ўқувчилари учун ўқув қўлланма)/ — Т.: Шарқ, 2000. — 112 б.


Сарл. олдида: Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги. Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази. Тошкент Давлат иқтисодиёт университети.

Ушбу қўлланмада ёритилган мавзулар ёшларнинг фикрлаш, фикр тарбияси борасидаги тасаввурларини кенгайтириб, мустақил ҳамда ижодий фикр юритиш, тафаккур қилиш қонуниятлари тўғрисида билим беради. Китобнинг ҳар бир боби, бўлимлари ва мавзулари сўнгида берилган топшириқлар ўқувчининг ақлий имкониятлари чегарасини кенгайтириш, аудиторияда ва дарсдан ташқари пайтларда мустақил равишда мантиқан фикр юритиш, тўғри, асосли ва хилма-хил хулосалар чиқариш орқали тафаккурини машқ қилдиришга хизмат қилади.

Ақлни ривожлантириш ва мустақил фикрлаш малакаларини ҳосил қилишга мўлжалланган машқ ҳамда топшириқлар ўқитувчи томонидан яна тўлдирилиши ва топшириқлар тўплами тарзида ўқувчиларга ҳавола этилиши мумкин.

256/3
1.12 Автордош.

ББК 74.57



© «Шарқ» нашриёт-матбаа
концерни Бош таҳририяти, 2000

МУНДАРИЖА

Кириш.....	4
------------	---

I қисм

ФИКРНИ ТАРБИЯЛАШ МУАММОСИ

Фикр ва фикрлаш нима?	6
Тафаккур ва мустақил фикрлашнинг ижтимоий моҳияти ..	17
Мустақил фикрни тарбиялашнинг зарурати	26
Мустақил фикрлашнинг табиий асослари	32
Ўқув фаолиятида мустақил фикрни тарбиялаш	42

II қисм

МАНТИКИЙЛИК ВА ФИКР МУСТАҚИЛЛИГИ

Мантикий фикрлашни биласизми?	47
Мантикий фикрнинг сифатлари	56
Тафаккурни ривожлантирувчи ўйинлар, машқлар ва ме- тодикалар	63

III қисм

ИЖОДИЙ ТАФАККУР ВА МУСТАҚИЛ ФИКРЛАШ

Интеллект ва мустақил фикр	73
----------------------------------	----

IV қисм

МУСТАҚИЛ ФИКРНИ ИФОДАЛАШ

Мустақил сўзлаш маҳорати	84
Риторика ёки нотиклик санъати	90
Мустақил фикрлашнинг яна бир омили	104
Тавсия этиладиган адабиётлар	110
Иловалар	111

Эндиги асосий вазифа — кишиларимизнинг мустақил фикрлашга ўргатиши, ўзига ишончнинг ортиб боришидир. Чунки тафаккур озод бўлмаса, онг ва шуур тазйиқдан, қулликдан қутулмаса, инсон тўла озод бўлолмайди.

Ислом Каримов

КИРИШ

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидаёқ халқимиз фаровонлигининг муҳим мезонларидан бири сифатида улар маънавияти, маърифати ва билим савиялари ошишини эътироф этиб, бу борада ёшлар онги, тафаккури ва руҳиятини ўзгартириш, уларни янги барпо этилаётган демократик, ҳуқуқий, озод ва обод давлатимиз талабларига мос бўлишини вазифа қилиб қўйдилар. Давлатимиз раҳбари, айниқса, ёшларни мустақил фикрлашга ўргатиш, фикр ва руҳ озодлиги ва мустақиллигининг шахс баркамоллигига бевосита алоқасини ҳар бир чиқишларида таъкидлаб ўтдилар. «Биз — деб таъкидлайдилар давлатимиз раҳбари, — ўз ҳақ-ҳуқуқларини танийдиган, ўз кучи ва имкониятларига таянадиган, атрофида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга мустақил муносабат билан ёндашадиган, айти замонда шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган, эркин, ҳар жиҳатдан баркамол инсонларни тарбиялашимиз керак». (И. Каримов. Ўзбекистон ХХІ асрга интиломоқда. — Т.: Ўзбекистон, 1999.)

Биз бошдан кечириётган бугунги буюк ўзгаришлар даври айнан истеъдодли ва иқтидорли, зеҳни ўткир, мулоҳазали, янгидан-янги кашфиётларга қодир инсонларни тарбиялашни талаб қилмоқда ва иккинчи томондан, мустақилликнинг ўзи туб маънода ана шундай баркамол авлодни тарбиялаш учун барча шарт-шароитларни яратишга қодирдир. Зеро, мустақиллик инсонлар фикр-ўйлари, ҳис-туйғулари ва тафаккурида кескин ўзгаришлар қила олади.

Истиқлолнинг биз ҳар куни кўриб, ҳис қилаётган буюк неъматларидан бири шуки, у келажакка, эртанги кунга замин яратади. Шу маънода олиб қарайдиган бўлсак, юртимизда маънавият ва маърифат, илму фанни ривожлантириш, малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш борасида амалга ошираётган ислохотлари айнан буюк келажакка назар, унда ҳозирланаётган мустаҳкам пойдевордир. Шу сабабли йўлбошчимиз Олий Мажлиснинг IX сессиясида «Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдеворидир» деб таъкидлаб, «Таълим тўғрисидаги Қонун» ва «Ўзбекистон Республикасида Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури»да бунга эришишнинг барча омиллари, йўл-йўриқлари дастурий тарзда белгилаб берилди.

«Мустақил фикрлаш» қўлланмаси билимли, ахлоқли ва маънавияти юксак шахсларни ўз тафаккури қонуниятларини билган ҳолда мустақил фикрлаш лаёқатларини аниқлаш, уни мантиқ билан боғлаш орқали, ижодий тафаккур ривожини учун зарур бўлган услублардан бохабар бўлишга ёрдам беради, шу орқали ақлу заковатини тарбиялаш учун ёрдамчи восита бўлади, деб умид қиламиз. Бобларда келтирилган ҳар бир мисол, машқ, топшириқ ва тестлар ўқувчи фикрлашни жараёнларини жадаллаштиради, унда ўзига, ўз қарашларига ишонч-ни ҳосил қилади. Назарий билимлар эса амалий тафаккур-нинг намоён бўлишига замин бўлади.

Қўлланма ушбу йўналишда ўзбек тилида ёзилган дастлабки уриниш бўлгани сабаб унинг мазмуни, тузилиши ва самарадорлиги хусусида билдирилган ҳар қандай фикр-мулоҳазаларни муаллифлар зўр мамнуният билан қабул қиладилар ва келгуси фаолиятларида инобатга оладилар.

Биринчи қисм

ФИКРНИ ТАРБИЯЛАШ МУАММОСИ

ФИКР ВА ФИКРЛАШ НИМА?

Ақл — иймон калити. Инсон мавжуд экан, у инсоният тараққиётининг сабабчиси экан, унинг ҳар куни ва ҳар кунги бажарадиган хатти-ҳаракатлари ва ишларининг асосида, заминида унинг турли-туман хоҳишлари, эҳтиёжлари, орзу-умидлари, тилаклари ётади. Ана шуларнинг орасида энг муҳим ва аҳамиятлиларидан бири — бошқаларга нисбатан ақллироқ, фаросатлироқ ва омадлироқ бўлиш эҳтиёжидир. Ақлу фаросат, унинг ҳаётдаги аҳамияти тўғрисида фикр билдирган алломаларимиз ҳам унинг тарбияловчи сифатларига эътиборни қаратганлар. Абу Носир Форобий «Инсон моҳияти ақлда, ақлнинг моҳияти ҳаракатда намоён бўлади» деганда, инсон ақлу заковати унинг кимлигини билдирувчи асосий мезон эканлигини таъкидлаган эди.

Демак, инсоннинг инсонлигини ифодаловчи ягона мезон ақл-идрок, онг ва тафаккур даражаси бўлса, уларнинг моҳиятини очиб берувчи, уларнинг миқёси ва кўламига баҳо берувчи бош мезон хатти-ҳаракатлари, амаллари, ҳаётга ва атроф-муҳитга муносабат, ўз-ўзини бошқаришдаги ички қудратидир. Инсонийлик, ақл ва иймон масаласи ўтмишдаги авлод-аждодларимиз назаридан четда бўлмаганлигини «Авесто»дан олинган қуйидаги парчадан ҳам кўришингиз мумкин:

*Ақлли ва иймонли кимсаларга
Бағишлайман шодлик, бардам руҳ...
Эътиқодман, Митраман,
Мудом сабоқ бермоқчиман,
Иймон билан фикр айласин,
Иймон билан сўз сўзласин,
Ва иймонга амал қилсин.*

(«Авесто»дан)

Демак, инсоният тараққиёти, унинг абадийлигининг мезони ҳам соғлом, ақлли фикр бўлиб келган, шундай бўлади ҳам. Шунинг учун ҳам ота-боболаримиз

ақлли кишида учта хислат бўлади, дейишади. Бу — биров нарса сўраса, одоб билан жавоб беради, бировдан ёмонлик кўрса ҳам яхшилик қилади, халқи учун фойдали фикрларни илгари суради.

«Ақлли» ва «ақлсиз» одамлар. «Ақл» атамаси ҳаётда энг кўп ишлатиладиган тушунчалардан саналади. Буюк бобомиз Алишер Навоий асарларида бу тушунчани 27 ўринда ишлатиб, унинг 27 даражаси ва 27 сифати ҳақида фикр юритган. Хусусан, турли хил ақл сифатлари қуйидагича тавсифланган: ақл аҳли — ҳушёр онг эгалари; ақл восвоси — ақл васвасаси, мафтунлик, ақл тўлқини; ақл деҳқони — онгли тушунча, мулоҳаза, тажрибали, онгли киши; ақл куйи — ақл-идрок йўли; ақл мезони — онг, ақл ўлчови, тарозуси; ақл муҳандислари — донишмандлар, олимлар, билимдонлар; ақл оллида — онгли тушуниш бўйича, ақлан; ақл пири — тафаккур устози — фаросатли кишилар; ақл саррофи — ақл заргари, ақл баҳоловчиси; ақл уйи — мия, фикру хаёл; ақл хирмони — ақл мужассамлиги; ақл чири — ақл кучи, ақл қуввати; ақл эшиги — ақл йўли, онгли йўл; ақл ўти — зеҳн ўткирлиги, ҳушёрлик; ақл қуши — бунга изоҳ ҳожат эмас; ақл ҳисоби — онг доираси, чегараси; ақлдин бегона — телба; ақли жавоҳиршунос — етук, комил ва сўзнинг яширин сирларини яхши тушунувчи нозиктаъб кишиларнинг идроклиси; ақли зойил — ақли кетган киши; ақли зулмоний — хира ақл, ўтмас зеҳн; ақли кулл — энг етук ақл; ақли маслаҳатбин — маслаҳат кўрсатувчи, тўғри йўл ва тўғри фикрга йўлловчи ақл; ақли мушарраф — соф, шарафли ақл; ақли мустақим — иккиланмайдиган, тўғри ақл эгаси, қатъий фикрли одам; ақли мусоҳиб — фаҳм-фаросатли киши; ақли оз — ақлдан адашмоқ; ақли салоҳ — тўғри соғлом фикр; ақли саркаш — итоатсиз, ўжар, қайсар, бўйин товлоччи ақл; ақли ситамкора — жабр-зулм қилувчи, жафо етказувчи; ақлу фаҳми хурдадон — нозик ақл-фаҳм; ақлу худбин — фақат ўзини ўйловчи шахс; ақли хурдабин — ўткир, сезгир, нозик ақл ва ҳоказолар.

Шундай қилиб, мутафаккир алломамиз ақлнинг ана шундай ранг-баранг жиҳатларини ажратиб, улар асосида умуман икки тоифали ақл соҳиблари бўлиши мумкинлиги ҳақида хулоса қилишга имкон бердилар: некбин ақл эгалари ва худбин ақл эгалари. Биринчиларидаги ақл инсониятга эзгулик келтириб, ўз соҳибини ҳам бахтли қилса, иккинчилари — аксинча, ўз манфаати

йўлидагина ақл ишлатиб, ўзгаларга зиён етказадилар холос. (Қаранг: Иброҳимов А. ва бошқ. Ватан туйғуси. — Т., 1996, 34—45-бетлар.)

Ёшлар орасида ким ақлли бўлишни хоҳламайди, дейсиз? Швейцар ёзувчиси И. Лафатер ўз вақтида ёзган эди: «Ақлли, доно бўлишни хоҳлайсанми? Оқилона сўраш, диққат билан тинглаш, бамаънилик билан жавоб бериш, гапиришга сўзинг қолмаганда, ўз вақтида тўхташга ўрган». Бу сўзларнинг тагида, замирида жуда катта маъно ва ҳаёт фалсафаси ётибди. Зеро, бизнинг ҳаётдаги ютуқларимиз, истак-хоҳишларимизнинг рўёбга чиқиши бизнинг ақл ва идрок калити билан иш юритишимизга боғлиқдир.

Умуман, бир қарашда «ақлли» ва «ақлсиз» одамлар ўртасида қандай фарқ бор, деган саволга жавоб қидириб кўрайлик. Ақл соҳиби бўлмиш инсоннинг хатти-ҳаракатларига ташқаридан, холис баҳо бериб кузатар эканмиз, унга вазминлик, салобат, куч ва ирода, ўринли қилиқлар хос бўлишини кузатишимиз мумкин. Акс ҳолда-чи? «Ақлсиз» одамнинг хулқида мантиқ йўқдай, унинг ишлари ўлда-жўлда, тартибсиз, сифатсиз, ўзи ҳам нима қилаётганини, ўзига нима кераклигини билмайди. Бири кўзимизга ёқимли, жозибали кўринса, иккинчиси — жиззаки, ёқимсиз, субутсиз бўлиб кўринади. Хўш, бунинг асл моҳияти ва сабаби нимада? Гап шундаки, ақлли болада аввало ф и к р бўлади. У ў й л а й д и, ҳар бир қадамини ўйлаб босади, ҳар бир гапини ўйлаб гапиради.

Фикр нима? Биз бу сўзни жуда кўп ва тез-тез ишлатамиз. Калламызга келган ҳар бир нарса, ўй ва ҳискечинмаларимиз аслида фикр. Яъни, бирор нарса ёки рўй берган, бераётган воқеа-ҳодиса хусусида миямыздан ўтган туйғуларимиз кўпол қилиб айтганда, фикрдир. Лекин унинг туб, психологик моҳияти шундаки, дунёни билишимизга ёрдам берадиган сезгиларимиз, идрокимиз, ҳиссиётларимиз ва бошқалардан фарқли, фикримиз орқали биз кўзимиз бевосита илғамаётган, кўз ўнгимизда бўлмаган, бўлган тақдирда ҳам ўша нарсанинг ички хусусиятига алоқадор бўлган «сирли» жиҳатларини билиш имконига эга бўламиз. Фикр бўлмаганда, табиат ҳодисаларини, ер шарининг нариги томонида рўй бераётган ҳодисаларни, мамлакатларни, масалан, Америкадай давлат борлиги ва у ҳудудий жиҳатдан Россиядан кичик, Ўзбекистонимиздан катта эканлигини қандай англашимиз мумкин бўларди? Де-

мак, табиат, жамият, ўзимиз, яқинларимизга алоқадор барча жараёнларни, уларнинг моҳиятини, сиру-синоатини билишга имкон берувчи нарса — бу бизнинг фикрларимиз экан. Агар шу қобилият бизда бўлмаганида эди, бизнинг ҳайвонлардан фарқимиз ҳам бўлмасди.

Фикрлаш. Фикрларни тартибга солиш, уларни ўз ўрнида ишлатиш ва бошқариб туришга жавобгар бўлган жараённи психологлар *фикрлаш ёки тафаккур* деб атайдилар.

Тафаккур шундай жараёнки, у одамнинг бевосита кўз ўнгида бўлмаган, қўли билан сезмаган ёки ёнида бўлмаган нарсаларнинг ҳам кўплаб хусусиятларини билишга имкон беради. Ҳаттоки, қоронғи хонага кириб қолиб, шошиб турган вақтда ҳам бирдан ўз қадамларини секинлатиб, «бирон нарсага қалтис урилиб кетмай», деган ўй билан ҳаракатларни бошқаришга ҳам бизнинг тафаккуримиз, фикрлашимиз ёрдам беради. Қолаверса, ҳар қандай **муаммо** ёки бизни ўйлантирадиган **вазифа** пайдо бўлганда, одамнинг бирдан ўйчан тортиб, унинг ечимини қидириши ҳам фикрлашсиз рўй бермайди.

Демак, фикрлаш — биз учун ўта муҳим ва зарур ж а р а ё н экан. Шундай экан, уни қадрлашимиз, тарбиялашимиз, ривожлантиришимиз, эъзозлашимиз керак. Масалан, баъзан бир боланинг куюнчаклик билан ўртоқларига айтиб бераётган бирор воқеасининг гувоҳи бўлиб қоламиз. Биз унинг ўйлаб топилган, фантастик ҳикоя эканлигини билиб, «Роса боплаб алдаётган экансан-а?», деб сўрасак, унга ўша ўйлаб топилган воқеа шу даражада ёқади-ки, «Ҳа» дегиси келмайди. Аслида, ўша ўйлаб топилган нарсани ҳам биз қадрлашимиз керак. Чунки унда баён этилган воқеалар бола томонидан шундай тартибга келтирилган эдики, биз ногоҳ унга ишонгимиз келади, яъни унда **мантиқ** бор. **Мантиққа бўйсундирилган** ҳар қандай фикр — фантазия иши ҳам тафаккурни тақозо этгани учун ҳам биз бу ишни ижобий, яхши деб баҳолаймиз. Ёки болаликда ҳамма эртакларни яхши кўриб тинглаган болага уни қайтариб айттирган чоғда, унда яна қўшимча сифатлар, воқеалар, одамларнинг хатти-ҳаракатлари, деталлар пайдо бўлиши мумкинлигини кузатганмиз, бу ҳам боладаги фикрлашнинг меваси. Мактабда ўқиган, ўрганган ҳар бир предмет, ундаги мавзуларнинг моҳиятини тушуниб етишга ҳам фикрлаш орқали эришганмиз. Демак, инсон ҳаётини фикрсиз, фикрлашсиз тасаввур қилиб бўлмас экан.

Фикрлаш ва ишонч. Фикрлашимизнинг яна бир муҳим томони шуки, у туфайли биз атроф-муҳитда ўзимизни дадил, эркин тутамиз. Зеро, ҳар бир нарсаси, воқеа-ҳодисага холис баҳо бера оламиз. Фикрли инсон билан юқорида таъкидлаганимиз «ақлсиз» ўртасидаги фарқни ҳам шунда кўришимиз мумкинки, фикрли инсонда ўзига ишонч бўлади.

Буни оддий бир кузатув орқали синаб кўришингиз мумкин. Синфдош ёки курсдошларингиздан қайси бири бугун аудиторияга дадил, ўзига ишонч билан кириб келганини кузатинг. Сўнгра дарс мобайнида уларнинг жавоблари, ўқитувчи қўяётгандан топшириқларга муносабатини ўрганинг. Бу билан сиз икки томонлама иш қилган бўласиз, бир томондан, ўзингиз шахсан бевосита фикрлаш операциясини амалга ошираётган бўласиз, ва бошқа томондан, фикрлашнинг, бугун берилган топшириқ бўйича билимли, ақлли ўртоқларингиздаги ишонч даражасини аниқлаб оласиз.

Ишончли одамда яна мустақиллик, ўзини ҳар қандай шароитда ҳам тутати олиш, босиқлик каби сифатлар ҳам бўлади. Лекин шуниси борки, кўпинча яхши, чиройли асосланган фикр ўқитувчи ёки дўстингиз билан мулоқотни тугатгандан сўнг ҳаёлингизга келиб, «шунини айтмадим-а?» деб афсусланасиз. Худди шундай нарсаси дарсни ўзлаштириш жараёнида ҳам рўй беради, яхшилаб уйда дарсни тайёрлаб келгансиз, лекин доска олдида чиққанда, ёки ўқитувчи қўққисдан савол берса, жавоб беролмайсиз. Бу ҳолатнинг сабабини биласизми?

Тўғри, жуда таниш ва мустаҳкам эгаллаган билимлар бўлса, уларни бир амаллаб, баён этишимиз мумкин. Лекин кўпинча гап фақатгина билимларимизда бўлмай қолади. Гап шундаки, биздаги тортинчоқлик, ишончсизлик ва қўрқув ҳисси, ташвиш бизга панд бериши психологияда аллақачон исбот қилинган.

Айниқса, ўзимиздаги янги, ҳали ҳеч қерда ҳеч кимдан эшитмаган фикрларимизни айтишда ҳам бу сифатлар кўпчиликка халақит беради. Сиз ўйламанг, бу фақат болаларда, ёшларда намоён бўлар экан деб, бундай ҳолат катталарда ҳам, айниқса, нотаниш аудиторияда рўй беради. Бу ҳолатларнинг салбий томони шундаки, улар биздаги бор билимларни ҳам йўқдай қилиб кўрсатади, ва бора-бора ўзгалар олдида гапирмай қўя қолишни афзал кўриб қолишга олиб келади. Хавотирланиш, ишончсизлик билан қўрқув ўртасидаги фарқ уларнинг бевосита намоён бўлиши кучидадир. Шунинг

учун ҳам Сиз ҳозироқ маълум даражада ўзингиздаги ишончсизлик ва хавотирланиш даражангизни билиб олсангиз, кейинги дарсларни янада яхши ўзлаштириш, фикрингизга эрк бериш ва табиий равишда ўртоқларингиз олдида сўзлай олишга ёрдам беради.

Ишончлиликни тарбияловчи машқлар. Қуйида берилган вазиятлар сиз учун таниш. Уларнинг баъзилари сизга ёқмаслиги, сизда нохуш ҳиссиётларни кўзғатиши мумкин. Ҳар бир жумлани диққат билан ўқиб чиқинг. Агар вазият Сизга ҳақиқатан ҳам ёқимсиз, нохуш бўлмаса, унинг рўпарасига «0» белгисини қўйинг. Агар акси бўлса, «1» рақамини қўйинг. Бошладик!

1. Сизни нимагадир танқид қилиб, кучли эътироз билдиришмоқда.
2. Сиз бирор ишни бажараётганингизда Сизга телмуриб қараб туришибди.
3. Мактаб (лицей, коллеж) директори билан суҳбат.
4. Назорат иши тугагач, ўқитувчи баҳоларни эълон қилмоқчи.
5. Бошлаган ишингиз юришмаяпти.
6. Имтиҳон топшириш керак.
7. Катта аудитория олдида нутқ сўзлаш керак.
8. Сизнинг қобилиятингиз текширилмоқда.
9. Сиз бажарган иш баҳоланмоқда.
10. Муваффақиятсизлик ва омадсизлик кутмоқда.
11. Жуда масъулиятли ва муҳим иш олдида сиз.
12. Орқангизда кулишаётганини эшитдингиз.

1—3 балл — хавотирланишнинг нормал даражаси;

4—6 балл — бироз юқори даражаси;

7—9 балл — хавотирланиш сизда юқори;

10—12 балл — жуда ҳам юқори хавотирлик даражаси.

Ўзингизни текшириб, керакли хулосалар чиқаринг ва кейинги дарсларда зийракроқ бўлинг.

Билимлилик ва ишонч. Биз юқорида хавотирланиш, ҳаяжон деярли ҳаммага хос нарса деб таъкидладик. Психологларнинг фикрича, ҳаяжонсиз фикр билдириш ҳам аслида унчалик яхши сифат эмас экан. Биз бу ерда ҳаяжон туфайли тили «лол» бўлиб қолган, билганини ҳам унутиб қўяётган ёшларни назарда тутмоқдамиз.

Одамнинг одамлар ичида ўзини яхши ҳис қилиши, ўзига ишончни намоён қила олиши, албатта, ундаги билимларнинг бисёрлигига боғлиқ. Демак, китоб ўқиган, ўқитувчилар берган топшириқлар бўйича вазифаларни бажарган одамда соғлом, ишончли фикр бўлиши муқаррар ва шу жараён тафаккур қилишнинг оқибати ҳисобланади.


Бундан ташқари, ҳар бир ўртоқдаги жавобларни диққат билан тингланг: оддийгина бир жавоб, масалан, «Ер шари юмалоқ шаклга эга», деган жумлани айтган болада ҳам маълум даражада ўзига ишончни сезишимиз мумкин. Ёки аксинча, ўқитувчи берган саволга «Тайёр эмасман», «Билмайман» тариқасида берилган жавоб эгасининг эса хижолатлигини кўрасиз, ҳаттоки, бу ташқаридан кузатиб турилса, бола бошининг ҳам бўлиб, пастга қараб эгилганини, жавоби бор, яхши тайёргарликка эга бўлган боланинг эса ишончнинг муҳим белгиси — бош ва тананинг дадил тик кўтариб туришини кузатса бўлади.

Яхши, ишончли фикр юритишнинг шахс учун аҳамияти яна шундаки, бир марта дадил жавоб бера олган, ёки ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлари ҳурматини қозонган одамда ҳар доим ҳам ана шундай ҳозиржавоб, билимдон ва зукко бўлишга истак ва эҳтиёж пайдо бўлади. Масалан, ўша Ернинг юмалоқ эканлигини билиб, тушуна олган бола бошқа воқеа ва ҳодисалар бўйича ҳам шунга ўхшаш аниқ тасаввурга эга бўлгиси келади. Яъни, фикр — фикрни чақиради, инсонни илҳомлантиради. Шунинг учун одам ўз фикр ва тасаввурларини муттасил бойитиб боришга интилиши ва бунда ўзининг энг яқин дўсти ва ҳамроҳи сифатида китобни, илмий, бадиий ва фантастик манбаларни танлагани маъқул.

Фикрлаш — мураккаб жараён. Унинг мураккаблиги шундаки, оддий китоб ўқиш ёки ўқитувчининг баён этган дарсини тинглаш билан билимлар кўпайиб, фикрлаш ривожланиб қолмайди. Бу — шундай фаол жараёнки, одам ўқиган, мушоҳада қилаётган манбасига маълум маънода ўзича муносабат билдира олиши керак. Масалан, физика дарсида энергетиканинг энг оддий қонунлари, масалан, электрнинг кетма-кетлик қонунини ўқиб чиқдингиз, дейлик. Сиз ушбу нарсани ўзлаштириш учун аввало бу жараённи кўз олдингизда тасаввур қилишингиз, кейин «Хўш, менга нима учун бу нарса керак?» деган маънода ўзингизга савол бериб, унга жавоб топа олишингиз керак. Агар бу мавзунини уйингиздаги ёруғлик манбалари фаолиятида тасаввур қила олмасангиз, ҳеч бўлмаса, янги йил арчасидаги чиройли, рангли лампочкаларнинг ёниши мисолида завқланиб, тушуна олмасангиз, мавзунини эслаб қолишингиз мушкул бўлади. Шунинг учун ҳам ҳар қандай фикр эгасининг шахсий манфаатига алоқадор бўлади ва

ҳар бир алоҳида фикрнинг ортида конкрет одамнинг мураккаб мушоҳада ва мулоҳаза фаолияти ётишини сира ҳам унутмаслик лозим. Бу жараёни тахминан 1-расмдагидай тасаввур қилиш мумкин.

узвийлик ва уйғунлик




1- р а с м.

Фикрлаш объекти ва субъекти ўртасидаги ўзаро боғлиқлик.

Юқоридаги схемадан кўриниб турибдики, шахсдаги ҳар бир фикр ёки ғоя, билимлар уни уйғотувчи реал объектлар (уларнинг хоссалари, моҳияти, хусусиятлари) билан уни ўрганувчи, фикрловчи (қизиқишлари, истаклари ва эҳтиёжлари, қобилияти бўлган) субъект ўртасидаги ўзаро муносабат бўлиб, унинг натижаси ўлароқ, бир томондан объективлилик қонунияти амалга ошади, иккинчи томондан ўзига ишонч ва билимлар соҳиби бўлиш имконияти пайдо бўлади.

Тафаккур ёки фикрлашнинг турлари. Тафаккур — инсон фикр ва ғояларининг шундай ҳаракатики, унинг оқибатида нарсаларнинг моҳияти ойдинлашади. Ана шундай ишнинг бевосита натижаси бўлиб, одатда бизда шаклланадиган турли хил тушунчалар хизмат қиладики, айнан уларда атрофимиздаги нарса ва ҳодисаларнинг энг умумлашган, характерли хусусиятлари ўз аксини топган бўлади. Масалан, «инсон» тушунчасини олайлик. Конкрет одамда бу тушунча ҳосил бўлиши учун, масалан, қисқа фурсат талаб қилинмаган, чунки бу тушунча замирида айнан одамзотни бошқа тирик мавжудотлардан фарқловчи энг муҳим хоссалар ва хусусиятлар ётибдики, уларни ҳар биримиз кундалик мулоқот, кўплаб суҳбатлар ва мутолаа қилишлар орқали босқичма-босқич англаб етамиз. Демак, бу тушунча асосида ётган онглилик, жамиятга, бошқа одамларга алоқадорлик, нутқ, тафаккур эгаси эканлиги, онгли меҳнати билан табиат ва жамиятда янгиликларни амалга ошира олиши, ўзининг мустақил фикрига эга бўла олиши, альтуристтик сифатлари ва бошқа юзлаб фазилатлари бу тушунчанинг туб моҳиятини очишга ва уни англашга имкон беради. Ана шу фикрлар ҳаракатини тасаввур қилиш учун унинг турларини билишимиз

керак, чунки бу жараённи содда, оддий қилиб тушуниш ҳам нотўғри бўлади. 2-расмда фикрлаш ёки тафаккур жараёнининг асосий турлари акс эттирилган.



2-р а с м.

Тафаккурнинг турлари

Назарий фикрлаш. Назарий тушунчаларга асосланган тафаккурда одам бевосита ўз тажрибасида ҳис қилган, кўрган-кечирган, эшитган нарсаларни эмас, балки китоб ўқиб, ўқитувчисидан дарс жараёнида ўзлаштирган, конкрет тушунчаларга таянган фикр иши назарда тутилади. Масалан, агар сиз ўзингизни қизиқтириб қолган бирор муаммо бўйича янгилик яратишга жазм қилсангиз, демак, ўша сизгача яратилган ва кашф қилинган билимлар ёки тушунчалар орасидан бевосита муаммоингизга тааллуқли бўлганини топиб, ушбу *тушунчалар* воситасида фикр юритишингиз назарий тафаккурга мисол бўла олади. Энди тафаккур назарий шаклининг *образли* тури шундайки, унда Сиз масалани ечиш ёки муаммонинг моҳиятини англаш учун тушунчалардан эмас, балки бевосита хотирангизда қолган образ, тасаввурлардан ёки ўзингизча кўз ўнгингизда гавдалантира олган тасаввурлар образларидан фойдаланасиз. Масалан, «Куз» мавзусида баён ёзиш топшириғини олган бўлсангиз, сиз албатта, назарий образли тафаккур ёрдамида уни бажаришингиз мумкин бўлади. Севимли ёзувчи ёки шоирингиз асарлари ҳам айнан шундай тафаккур маҳсули ҳисобланади.

Назарий тафаккурнинг юқорида баён этилган иккала тури аслида биз ўйланаётган, фикр юритаётган пайтимизда гўёки ёнма-ён бизга ёрдам бериб туришади. Уларни ажратиш, фарқлаш аслида шартлидир. Фарқли томони шуки, агар назарий тушунчаларга таянган тафаккур бизга борлиқни мавҳум тарзда, умумлаштириб англашимизга сабаб бўлса, образларга таянган назарий тафаккуримиз борлиқни субъектив тарзда идрок қилиб фикрлашимизга имкон беради. Иккаласи биргаликда атроф-борлиқни чуқурроқ, унинг ранг-баранг хислатлари ва хусусиятлари билан уйғун тарзда билишимизга сабаб бўлади, десак бўлади.

Амалий тафаккур. Тафаккурнинг иккинчи тури — яъни амалий турининг ўзига хослиги шундаки, у борлиқни ўша фикрловчи инсоннинг идроки ҳамда қисқа муддатли, конкрет хотирасидаги образлар ёрдамида бевосита англаш, тушунишга имкон беради. Масалан, ер чопиб, эгатлар олиб, бирор нарсанинг уруғини ерга қадаш ва кузда яхши ҳосил олиш ниятида иш бошладингиз, дейлик. Қўлингизга кетмонни олишдан бошлаб, кун бўйи қиладиган меҳнатингизнинг самараси аввало Сиздаги ўша амалий конкрет тафаккур қай даражада ривожланганлигига боғлиқ бўлади. Чунки ерни текислаш, эгатлар олиш, экмoқчи бўлган уруғингиз ва ҳосилнинг хусусиятига боғлиқ барча тасаввур ва чамалаш ишларингиз барибир фикрлашни талаб қиладди. Фақат бу фикр ўша кўз ўнгингиздаги предметлар ва уларнинг конкрет хусусиятлари доирасида ҳ о з и р, мана шу ерда ўйлашни ва бунда албатта, орттирган тажрибангизга таянишни тақозо этади.

Агар дурадгорлик устахонасида буюм ясашни режалаштириб, уни амалда бажараётган одам аввал ўша буюмнинг охириги кўринишини тасаввур қилиши шартлиги — бу ундаги кўргазмали образли тафаккурнинг бўлишини назарда тутса, бевосита уста қиладиган ишларга қараб туриб, тушуниб бажариш — кўргазмали — ҳаракат тафаккурига мисол бўлиши мумкин. Тафаккурнинг бу кўриниши айниқса, болалик йилларида кўп кузатилади. Масалан, болани ўз ўйинчоғини бузиб, қисмларини яна бирлаштириб, нимадир қилмоқчи бўлган ҳаракатини кузатганмисиз? Шу жараён бевосита кўргазмали ҳаракат тафаккурига мисол. Худди шу пайтда бола ўз имконияти ва иқтидори доирасида фикрлапти, дейишингиз мумкин. Мураккаб машиналар, ноёб технологиялар ва техникалар кашф этган буюк кашфи-

ётчилар ҳам ўз вақтида ана шундай элементар «кашфи-ётлар» ва ўрганишлар, фикрлашлар босқичидан ўтганлар. Яъни, назарий тафаккурнинг асосида амалий, шахсий тажрибага асосланган, амалий кўникмаларга таянган тафаккур ётишини унутманг.

Фикрлаш ва тажриба. Ҳар бир инсондаги у ёки бу тафаккур турининг ривожланганлик даражаси у шуғулланаётган ишнинг ўзига хослигига боғлиқ. Масалан, косибнинг тиккан пойафзали шу қадар мукамал ва бежирим бўлиши мумкинки, уни унча-мунча машина эпломаслиги мумкин. Чунки унинг меҳнат фаолияти асосида амалий, кўргазмали тафаккур, орттирилган тажриба, маҳорат даражасига кўтарилган кўникма ва малакалар ётади. Демак, бу иккала тафаккур ёки фикрлаш турлари ҳам бир-биридан мукамал ва у инсон онгли ҳаётида ва тараққиётида катта аҳамият касб этади. Фарқи — унинг амалиёт ва тажриба билан боғланганлик даражасида холос. Шунинг учун ҳам ўйлаш учун, ўйлаганда ҳам яхши ўйлаш учун аввало тажриба керак.

Қолаверса, яхши ўйлаш ёки фикрлаш учун б и л и м л а р керак. Шу боис ҳам мактаб ўқув дастурларида турли туман фанлар борки, улар ҳаммаси бир бўлиб, болани тўғри, м а н т и қ а н фикрлашига сабаб бўлади. Ҳеч қачон кўрмаган ёки ўқимаган нарсалар ҳақида фикрлаш қанчалик қийин бўлса, нарсанинг асл моҳиятини тушунмай туриб, у ҳақида бирор нима дейиш шунчалик асоссиздир.

Демак, юқоридагилардан қандай х у л о с а лар келиб чиқади?

1. Тушунчаларга эга бўлиш керак, бунинг учун аввало шаклланган нутқ (ҳам ички, ҳам ташқи нутқ) керак.
2. Кўрган-кечирган нарсаларга фаол муносабат, яъни унинг нима эканлигини англашга хоҳиш-истак ва эҳтиёж сезиш керак.
3. Шахсий тажриба керак, ва у маълум тартибга келтирилган ва мантиқан тўғри тушунчалар ва хулосаларга таяниши лозим.
4. Билимлар керак, улар эса доимий мулоқот, китобни севиш ва унда ёритилган ҳар бир факт ёки маълумотни ўзлаштириш ва хотирада сақлай олишга боғлиқ.
5. Мантиқ керак, яъни ҳар бир сўз ёки фикр маълум қонуниятга бўйсунитилиши, унинг туб

моҳияти борлигини, у табиат, жамият ва инсон руҳияти қонунларига бўйсунитини, унинг туб моҳияти борлигини, у табиат, жамият ва инсон руҳияти қонунларига бўйсунитини унутмаслик лозим.

Кишининг ақли шараф ва улуглик асосидир! Кимнинг ақли кўп бўлса, айблари яширин ва дўстлари ундан рози бўлади.

«Ғавоқиҳ ал-жуласо»дан

ТАҒАҚҚУР ВА МУСТАҚИЛ ҒИҚРЛАШНИНГ ИЖТИМОИЙ МОҒИЯТИ

Ғиқр ва ижтимоий муҳит. Оила. Шахс — инсон — бу тўлиқ маънода ижтимоий ҳодиса, ижтимоий мавжудотдир. Бу сўзларнинг маъноси шуки, одам боласи туғилган онидан бошлаб одамлар қуршовида бўлади ва инсоний қиёфаси айнан ўзига ўхшаш инсонлар билан бўладиган кундалик мулоқотларнинг ҳосиласидир. Жамиятдан ажралган инсонни умуман тасаввур қилиб бўлмайди.

Нима учун унинг ғиқрлари ва қолаверса, ўз ғиқрларини мустақил баён эта олиш қобилияти ижтимоий бўлмаслиги керак экан? Ахир ғиқрловчи ўша ижтимоий инсон, шахс-ку? Ана шу ижтимоийликнинг туб сабаблари тўғрисида мулоҳаза юритсак. Шахснинг қандай эканлиги, қандай инсоний фазилатлар соҳиби эканлиги уни қуршаб турган атроф-муҳитга, ундаги ўзаро муносабатларга боғлиқ бўлгани каби, ғиқрлашдаги ўзига ҳослик ҳам шахснинг ижтимоий муҳитига боғлиқ экан. Мисол тарзида икки хил оилани олайлик. Бири — катта, серфарзанд, иккинчиси эса — битта фарзандли, кичик оила. Табиий, биринчисида ўша оила аъзолари ўртасида ўзаро мулоқотларга киришишлар кўпроқ бўлгани сабабли, уларнинг мазмуни ва йўналиши турлича масалаларга қаратилгани учун ҳам унда тарбияланаётган боланинг турли нарсаларни тушуниш ва уларга ўз баҳосини бериш имконияти ортиқроқ бўлади. Иккинчисида эса бола учун уй шароитидаги ижтимоий муҳит — бу асосан унинг отаси ва онасидир. Демак, мулоқотнинг тифизлиги даражаси бу ерда анча кам. Биринчи оилада вояга етган бола тезроқ гапиради,

тезроқ кўчадаги ўзига ўхшаш болалар гуруҳига қўшилиб кетади, иккинчиси эса унга нисбатан тортинчоқроқ, ҳаттоки, ўз отасидан ўрганиб олган оддий ҳақиқатларини ҳам текис, равон айтолмайди, бунга ёки истак-хоҳиш бўлмайди, ёки ишонч ва ирода етишмайди.

Яна шундай муҳит бўлиши ҳам мумкинки, оиланинг катта-кичиклигидан қатъий назар, бир оилада боланинг ҳар бир ҳаракати, қилиқлари, сўзларига эътибор жуда юқори бўлиши, унинг фикрлари қўллаб-қувватланиши оқибатида у дадил ва ишонч билан ҳар бир гапини қаерда бўлса ҳам айтаверади. Иккинчи муҳит шундай бўлиши мумкинки, боланинг илк ёшлиқданоқ гапирган гаплари, хулосалари, таклифлари эътиборсиз қолдирилиши, кўпинча назардан четда бўлгани учун ҳам у бошқалар олдида гапириш, ўз фикрини баён эта олиш тажрибасига етарли даражада эга бўлмай қолиши, бора-бора умуман гапиришга бўлган иштиёқ ҳам сўниб бориши мумкин. Булар оила муҳитининг фикрлашга таъсири. Лекин ижтимоий муҳит тушунчасининг ўзи ҳам кенг.

Мактабгача тарбия муассасалари ва мактаб. Кўпчилигингиз ёшлигингизда болалар боғчасига боргансиз. Боғчада ташкил этиладиган ҳар бир ўйин, тадбир ёки машғулотлар Сизларда мақсадга қаратилган фикрлашнинг дастлабки асослари бўлган дейиш мумкин. Шунинг учун ҳам болалар боғчасига борган бола билан уй муҳи-тида тарбияланган бола фикрлаш дунёсида фарқ бўлади. Айниқса тенгқурлар давраси, «болалар жамоаси»даги мулоқот ҳар бир боланинг мустақил равишда ўз қарашларини ҳимоя қилиш малакаларини шакллантиради.

Мактаб ҳам боғча каби ўзига хос ижтимоий муҳитдир. Агар боланинг мактабда ўқиш даврининг дастлабки йиллариданоқ, унинг китобга ва илмга меҳр қўйиши учун етарли шарт-шароит бўлса, унинг бу муҳитдаги фикрлаши анча мақбул кечаётган ҳисобланади.

Бу муҳит — китобларнинг етарлилиги, ўқувчига ўқитувчининг меҳрли муносабати, ўқитувчининг ўз касби борасидаги маҳорати, болалар билан муомалада бўлиш санъати, ўқувчининг ҳар бир жавобини ўринли тарзда баҳолай олиши (рағбатлантириши ёки тўғри йўлга солиши) ва бошқалардир.

Агар Сиз мактабда ўзингизни эркин, яхши ҳис қилсангиз, у ердаги барча шарт-шароитлар сизни қониқтирса, ва у ерда сиз учун етарли миқдорда сизни тушунадиган инсонлар бўлса, демак, бу — кўнгилдаги

барча ҳис-кечинмаларни, билган, ўзлаштирган нарсаларингизни синфда дадил айтиш ва тенгқурлар даврасида дадил ва ишончли бўлишингизга замин яратади. Лекин муҳит тушунчасида нафақат бошқалар, балки ўзингиз ҳам борлигингизни сира унутманг. Демак, Сизнинг ўз ички ва ташқи маданиятингиз, ишга, ўқишга, устозларга ва синфдош-курсдошларга муносабатингиз албатта, ана шу ердаги муҳитнинг салбий ёки ижобий бўлишига ўзининг таъсирини кўрсатади. Буни сира ҳам унутмаслик керак!

Дўстлар давраси. Яна бир муҳит — бу сизнинг дўстларингиз, ўртоқларингиз давраси. Дарҳақиқат, тўғри, ифодали гапириш, фикр алмашинишга эҳтиёж ҳар биримизда бор. Дўстлар, танишлар билан суҳбатлашиш маданияти, улар билан бизнинг қизиқишларимиз доирасининг мослиги, уйғунлиги соғлом фикр алмашинуви муҳитининг борлиги ақлимизнинг теран бўлиб, пишиб бориши учун қулай муҳитдир. Демак, инсон ҳар кун, ҳар сонияда одамлар қуршовида, бошқача қилиб айтганда, реал ёки тасаввуридаги жамоа-гуруҳларнинг таъсири ва тазйиқида бўлар экан, улар бевосита унинг фикрлашига, мустақил тарзда фикрларини баён эта олиш қобилиятига таъсир кўрсатади.

Шу нуқтаи назардан олиб қаралганда, фикрлашни жамиятга боғлиқ ҳодисадир, дейиш мумкин. Тасаввур қилинг: Сизда бирор муаммо ёки масала юзасидан фикр бор, яъни мустақил фикрингиз бор. Бу фикр сизга жуда маъқул ва уни сиз мантиқан асосланган, деб ҳисоблайсиз. Агар шундай ишонч, ҳаттоки, эътиқод бўлса, сиз албатта, кимлар биландир уни ўртоқлашиш эҳтиёжини сезаётганлигингизни англайсиз. Агар унинг «пишиб етилганлигига» бироз бўлса ҳам иккилансангиз, бу фикрни бировга айтмай қўя қолиш ёки жуда яқин бир кишингиз билангина ўртоқлашишга интиласиз. Демак, пайдо бўлган янги фикр доимо одамни бошқалар билан мулоқотда бўлиш, улар билан ўртоқлашишга ундайди. Айни шу жиҳати фикрлашнинг ижтимоийлигидан дарак беради. Ўша янги фикрингизни маъқулловчи дўстларни топсангиз ва улар баҳоли қудрат унга ижобий баҳо беришса, Сизда яна янгидан-янги фикрларни шакллантиришга атайлаб ҳозирланиш, мақсадли ўйлашга эҳтиёж пайдо бўлаверади. Бу сиздаги мустақил фикр бўлиб, бошқа мавжуд тушунчалар ва ғоялардан фарқли, эгасини, яъни Сизни янада руҳлантиради. Зеро, Сиздаги тўғри ва оригинал фикрни

атрофдагилар маъқуллашмаса, бора-бора фикрлашга нисбатан сиздаги иштаҳа сўниб бораверади. Демак, фикр — шахсни ва у бошқаларсиз қадрсиздир. Қадрнинг бўлиши эса шахснинг ўз атрофидагилар ичидаги обрўсига, мавқеининг яхшилигига боғлиқ бўлади.

Шундай қилиб, соғлом ўзаро муносабатлар муҳити ҳар бир инсоннинг эркин, объектив ва мантиқий фикр-мулоҳаза юритиши учун сабаб-туртки, ижобий шарт-шароит бўлиши мумкин.

Фикрлаш ва ҳамжиҳатлик. Мустақил, эркин, ижодий фикр учун яна бир муҳим шароит-муҳит шуки, агар ўзаро мулоқот кўпчилик иштирокида рўй бераётган бўлса, суҳбатдошлар, шериклар ўртасида нормал, тенг ҳуқуқли ўзаро фикрларни ҳурмат қилиш шароити бўлиши керак. Масалан, агар бир ўқувчи ўқитувчи томонидан қўйилган муаммоли масалага жавоб бераётган бир пайтда қолганлар унинг фикрлаши йўналишига берафқ, эътиборсиз бўлишса, ёки ўша синфда бир-бирларини қўллаб-қувватлаш йўлга қўйилмаган бўлса, одам агар фикри тўғри йўналишда бўлса ҳам чалғиши, адашиб кетиши ва натижада нотўғри жавоб бериши мумкин.

Демак, соғлом фикрлаш муҳити ўша мулоқот жараёни иштирокчиларининг ҳамкорликдаги, ўзаро тенг ҳуқуқли муносабатларини ҳам назарда тутди. Сиз бир нарсани унутмаслигингиз керакки, агар Сизда турли хил фикрлар бўлса, демак, бошқалар ҳам деярли сиздай. Уларда ҳам сизникидай ва сизникидан фарқ қиладиган фикр-ўйлар бор. Фикр тарбиясидаги ҳамжиҳатлик шундаки, биз доимо бир-биримизнинг фикр-муносабатларимизга нисбатан ўта маданиятли, сабртоқатли бўлишимиз лозим. Шунинг учун ҳам фикр эгаси фақат гапиришни эмас, балки ўзгаларни тинглаш, улар фикрига холис баҳо бера олиш қобилиятига ҳам эга бўлиши керак. Бу эса ўз навбатида мулоқот ва мунозара маданияти асосларини билишни ҳам талаб қилади.

Мунозара маданияти. Мустақил фикрлашни тарбияловчи ижтимоий муҳит ҳақида гап кетаркан, янгича фикрнинг соғлом мунозара ва йўналтирилган яхши баҳсларнинг маҳсули эканлигини ёддан чиқармаслик керак. Кўпинча синфда ёки ўқув аудиториясида ёшлар ўртасида бирор масалада баҳс-мунозара бўлаётганлигини гувоҳи бўлиб қоламиз. Шунда агар тортишувчилар-

нинг ҳар бири бир-бирларининг гаплари, фикрлари ва билдирган муносабатларига сабрли, ҳурматли бўлишса, бундай мунозаралардан албатта, ижобий натижа чиқади. Агарда ҳамма устма-уст гапириб, бир-бирини менсимай, навбатсиз гапираверишса, унда бу ўзига хос «фикрлар бозори»га айланиши ва натижасиз бўлиши, табиий. Қолаверса, бундай мунозара иштирокчиси борган сари кўпчилик олдида миясида ҳосил бўлган фикрни айтмай қўя қолиш, «сир сақлаш» ва охиروқибат эсдан чиқариб юборишга одатланиб қолади. Демак, мулоқот маданияти ва унинг ҳар бир ўсмир ёшда бўлиши учун ҳам самарали мулоқот муҳити зарур экан.

Предметли баҳслашиш. Кундалик мулоқот жараёнида икки ва ундан ортиқ одамларнинг ўзаро тортишаётган ёки баҳслашаётганликларини кўргансиз, албатта. Лекин ҳар доим ҳам ана шундай баҳслар самара бермаслигини ҳам билсангиз керак. Нима учун? Ўйлаб кўрганмисиз?

Аввало, баҳснинг нима тўғрисида бўлаётганлиги унинг иштирокчиларига ноаниқ бўлса, у натижасиз, бемаъни бўлади. Баҳснинг предмети йўқ бўлади. Умумий мавзу ёки предмети бўлмаган баҳсдаги одамлар, ҳаттоки, бир-бирларини эшитиш, тинглаш лозимлигини ҳам унутиб қўядилар. Бундай баҳснинг маъноси ёки мантиғи бўлмаслиги равшан. Бу ҳолатни концертга кирган бўлсангиз, бошланишдан олдин чолғучиларнинг ўз ҳолича чолғу асбобларини яроқлилигини яна бир текшириб олиш учун текшириб, «хиргойи» қилаётганликларига ўхшатиш мумкин. Бунда гўёки қандайдир мусиқа борга ўхшайди-ю, лекин бу чалкашликда ҳеч нарсани англаб бўлмайди. Мантиқсиз, бетартиб, маданиятсиз баҳс ҳам худди шундай какофонияга ўхшайди. Демак, энг аввало ҳар қандай баҳс ёки мунозаранинг предмети, яъни барча гапирувчиларнинг диққати қаратилган муаммо ёки масала бўлиши ва у ҳар бир иштирокчи томонидан бирдай англанилиши ва тушунилиши шарт.

Баҳслашиш маданияти ва маҳорати, баҳс турлари. «Баҳс» тушунчасининг ҳам икки хил кўриниши бўлиши мумкин: биринчиси «баҳс-мунозара», иккинчиси — «баҳс-тортишув». Биринчиси кўпроқ бирор муаммо хусусида томонларнинг ўзаро фикр алмашинувлари натижасида, ўзаро ҳамфикрлиликка келиш воситаси бўлса, иккинчиси — том маънодаги тортишув бўлиб,

томонлар келишувни мақсад қилиб олмайдилар, унда ҳар ким ўзининг ҳақлигини фикр билан асослашга уринади. Шу нуқтаи назардан олиб қаралганда, биринчиси фойдали, тарбиявий аҳамияти бўлган, афзалроқ баҳс шакли ҳисобланади. Лекин шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, тўғри йўлга қўйилган маданий баҳснинг ҳар қандай шакли аслида албатта бирор самара беради.

Баҳс-мунозаранинг энг муҳим фойдали томони шундаки, у ҳар биримизда табиатан мавжуд бўлган ўз фикримизни ўзгаларга етказиш орқали улардан устун келиш хоҳиши — субъективизмни енгиллашга ёрдам беради. Унинг иштирокчилари бирин-кетин асосли тарзда ўз нуқтаи назарларини баён этганликлари учун ҳам бир қарашда баҳс фикрлар тўплами, мажмуига ўхшаса-да, аслида унда ўзига хос янги, ноёб фикрлар туғилиши муқаррар. Айнан шу жиҳати билан тўғри ташкил этилган мунозара ҳамиша самарали бўлади. Демак, мунозара — фикрларнинг шундай тўқнашувики, унинг оқибатида янги, оригинал, бақувват фикр туғилади. Шунинг учун ҳам фанда, айниқса, ижтимоий психологияда бу услубга жуда катта аҳамият берилади. Ҳаттоки, мунозара — юритиш санъатини ўрганувчи фан ҳам борки, унинг номи — эристика деб юритилади (грекча сўздан олинган: *erisо* — баҳс).

Эристика — шундай фанки, у одамларни ўз фикрларини тўғрилигига ишонтириш ҳамда энг тўғри фикрдан келиб чиқадиган хулқ-атворга ўргатишни мақсад қилиб қўяди. Унинг келиб чиқиш тарихи қадимий Грецияга бориб тақалади. Унинг ривожланиши ва фанлар тизимида қолганлиги сиёсий тортишувлар ва уларни яхшилик билан ҳал қилишга интилиш мақсадлари билан асосланади. Тўғри, дастлабки, илмий уринишлар нима қилиб бўлса ҳам тортишувчи субъектларнинг бир-бирлари устидан ғалаба қилишларини таъминлаш йўл-йўриқларини очишга қаратилган бўлса, кейинги фан ва амалиёт тараққиёти, инсоний муносабатлар психологияси мунозаранинг ҳар томонлама самарали бўлишини таъминловчи, инсоний хулқ ва одоб нормаларини ўз ичига олган шарт-шароитларни ўрганишга бориб тақалади.

Баҳсда ғолиб чиқиш мумкинми? Ҳа, мумкин. Лекин ғалабани ўзига хос тушунмоқ керак. Масалан, раҳбарларга хос бўлган сифатлар тўғрисида баҳслашилмоқда, дейлик. Бир томон раҳбар — камтар инсон бўлиши

шарт, деса, бошқа томон — уни рад этмоқда, чунки уларнинг фикрича, бу сифат кўпчилик томонидан суистеъмол қилиниши мумкин эмиш. Сиз бунга нима дейсиз?

Демак, ҳақиқий баҳс икки томонлама, икки ва ундан ортиқ ёндашувларни тақозо этади. Яъни, бир нарсa ёки муаммога турлича ёндашув тортишувни келтириб чиқаради. Ҳақиқат билан тортишув ўртасида эса нима туради? Ҳақиқатми ёки муаммоми? Албатта, м у а м м о туради, у бўлмаганида эди, тортишиб ҳам ўтирилмасди, чунки муаммо шундай нарсакки, унга бирдан-бир жавоб билан ечимга келиб бўлмайди. Энди айнаи бир муаммо хусусида тортишаётган одамларни тасаввур қилинг. Агар бу икки киши бўлса, демак, муаммонинг ечимига камида икки хил ёндашув бўлгани учун улар ўртасида баҳс бошланди. Энди тасаввур қилинг, тўрт киши баҳслашмоқда. Ким кафолат бера олади, бу ерда фақат икки хил ечим хусусида фикр билдирилмоқда, деб. Демак, тўрт кишидан камида тўрт хил фикр чиқади.

Демак, ҳар қандай баҳснинг фойдали томони шундаки, фикрлар алмашинуви, бир-бирини ҳурмат билан тинглаш ва сабрли бўлиш шароитида кўплаб янгидан-янги фикрлар туғилаверади. Муҳими шундаки, баҳсни олиб борувчи аввало уни айнан бир мавзуда, бир муаммо ва предмет доирасида ечилишига эришмоғи лозим, қолаверса, баҳслашувчилар бир-бирларини тинглашлари шарт. Шунда ҳар бир иштирокчининг фикрлари чархланиши, янги ғояларнинг туғилиши учун шароит яратилган бўлади. Муҳими шуки, агар сиз бугунги баҳс мобайнида аниқ бир тўхтамга ёки ечимга келмаган бўлсангиз ҳам, барибир фикрларингизни гимнастика қилдирган бўласиз, ўз қарашларингизни ўзгаларники билан солиштириб олдингиз ва ўзингиз мустақил фикрлар учун озуқа олдингиз. Маданиятли баҳснинг фойдаси айнан шунда.

Ҳар қандай баҳсдаги муҳим томон — бу томонларнинг фикрларига аниқлик, ойдинлик киртилишидир. Буюк И. Гёте ўз вақтида ёзган эди: «Икки қарама-қарши фикрлар ўртасида ҳақиқат ётади, деган ғоя умуман нотўғри. Улар ўртасида муаммо ётади». Демак, фикрларнинг турли-туман бўлиши табиий нарсa бўлиб, унинг асосида доимо ўзига хос мустақил қараш ва муаммоларга ўзига хос муносабат ётади. Муаммони ҳал қилиш учун эса томонлар ўша баҳснинг предметига алоқадор

нарсa-ҳодисалар тўғрисида имкон борича кўпроқ билимлар, маълумотларга эга бўлиши керак.

Демак, ўқиш, илмга интилиш, китобни севиш керак экан-да! Ҳар бир фикрингиз ва ғояларингиз асосланган, тажрибангиз, сеҳнингиз ва билимларга таянган бўлиши шарт.

ТОПШИРИҚ

Вазият: 8-синф ўқувчиларидан иккитаси ўз ўқитувчиларини хурсанд қилиш учун шаҳар паркида чиройли бўлиб очилиб турган гуллардан катта бир гулдаста қилиб, устозларига совға қилаётган пайтларида синфга бир қария чол кириб келиб, жамоат тартибини бузган, унинг қарилик меҳнатини ҳурмат қилмаган болаларни жазолашини ўқитувчидан талаб қилмоқда. Устоз қолоқ ўқувчиларининг бундай эътиборларидан боши осмонда хурсанд бўлиб турган эди, совға ўғрилиқ эканлигини билган заҳоти лол бўлиб қолди. Ўқитувчи шунда...

Ушбу вазиятни асосли тарзда гуруҳда баҳс-мунозара йўли билан таҳлил қилиб, ҳулосалар чиқаринг ва ўз фикрларингизни бошқа тенгқурларингизники билан солиштиринг.

Тарбияланган фикр. Фикрлар алмашинуви жараёнида ўзгалар билан келишувнинг бўлмаслик сабабларидан бирини шахснинг бевосита ўзига тааллуқли бўлган хислати — психология терминида айтганда ҳиссиётларга берилувчанлик, субъективизм ташкил қилади. Зеро, ҳалқимизда бу хусусда мақол ҳам бор: «Жаҳл келганда, ақл кетади». Агар бир одам ўзгалар фикрига, қарашларига салбий муносабатда бўлаверса, у бора-бора бесабр, тоқатсиз, ҳиссиётларнинг қули бўлиб боради. Бу ҳолат одамнинг тарбияланганлигига ҳам бориб тақалади. Ҳаётда тарбия кўрган, тартибли, бамаъни ва уларга акс бўлган шахслар бўлгани каби, фикрнинг ҳам тарбияланган ва тарбиясиз турлари бўлади.

Демак, тарбия жараёни бошқариладиган бўлганидек, фикрлаш жараёни ҳам бошқарилади, унда аввало инсоннинг ўзи ва қолаверса, фикр эгасини ўраб турган муҳити, яқинлари ва мулоқот шароити роль ўйнайди, шу муҳит уни бошқариб туради.

Тарбияланган, бошқариладиган, маълум бир тизгинга солинган фикр шундайки, у одам мияси, онгида мантиққа бўйсунган, конкрет тушунчалар, ғоялар, бамаъни тасаввурларга асосланган бўлиб, уни изҳор этиш, у ҳақида ёзиш ёки ҳаётда тадбиқ этиш нафақат

шахсга, балки унинг атроф-муҳитига ҳам наф келтиради. Ундан қўпчилик манфаатдор бўлади. Агар бирор тасодиф билан мияга чалкаш, тартибга солинмаган, асоссиз фикрлар келиб қолса, у уни тийиш, яшириш, ўзгаларга билдирмасликка ҳам чақириб, шу билан фикр эгасини бошқалар назаридан қолиш, «шошқалоқ» деган сифатдан қутулишига сабаб бўлади. Тарбияланган фикрнинг ижтимоий аҳамияти ҳам шундаки, у шахснинг аниқ мақсадлари, маслаклари, орзу-ниятлари йўлида собитқадам бўлишини таъминлайди.

Айтайлик, ўспирин шифокор-врач бўлишни орзу қилади. Аввало бу ниятнинг, орзунинг пайдо бўлишининг ўзи соғлом фикр натижаси. Қолаверса, бу орзуга етиш йўлларидаги барча қийинчиликлар, талаблар, уларни енгиш йўллари тўғрисидаги йўл-йўриқни ҳам яхши мустақил фикр кўрсатиб туради ва уни йўлдан қайтмасликка, матонатли, иродали бўлишга ундайди. Мустақил фикр ва ирода тушунчалари ҳам уйғун бўлиб, шахснинг жамиятда муносиб ўрин эгаллашига ёрдам берувчи кучдир.

Шундай қилиб, мустақил соғлом фикрнинг ижтимоийлиги — унинг бевосита жамиятдаги инсонларга, уларнинг ўзаро муносабатларига боғлиқлик экан. Бундан қандай х у л о с а чиқарамиз?

1. Шахс аввало ўзини яхши билиши, ўзининг ҳар бир ҳаракати ва миясида пайдо бўлаётган фикрларнинг маъносини аниқ англаган ҳолда субъектив равишда, ўзича мулоҳаза қилган тарзда, фикрнинг яхшилигига ишониши керак, яъни маълум маънода «ўзидан ўзи рози бўлиши» керак. «Ўз фикрингизни ҳурмат қилишга ўрганинг!».
2. «Ўзгалар фикрини ҳам ҳурмат қилишга ўрганинг!» Бу сизга икки томонлама фойда келтиради: бир томондан, ўзгалар назари ва ҳурматида бўласиз, уларни руҳлантираётган бўласиз; иккинчи томондан, ўзгаларни яхши тинглаш орқали, ўз фикрларингизни яна ҳам силлиқлаб, таҳлил қилиб оласиз, натижада янада янги ва жозибали тушунчалар ва фикрлар туғилишига замин яратасиз.
3. Ўзингизга ва фикрларингизга ишонинг. Бу — Сизнинг тарбияланганлик даражангизга, қолаверса, иродангизга фақат ижобий таъсирини кўрсатади.

4. Тарбия кўрган одамлар ҳеч қачон кўпчилик олдида ўзини йўқотмагандай, ҳаммада ҳавас ҳиссини уйғотгани каби, фикрингиз тарбиясига эътибор беринг. Шунда Сиз мулоҳаза ва иймон билан, самимият ва салоҳият билан ўз фикрларингизни бошқалар олдида кўрқмай баён этиш ҳуқуқига эга бўласиз. Ўз фикрини айтишдан олдин ўзгаларники билан қай даражада мантиқан унинг боғланишини таҳлил қилган одам фикрининг тарбияланганлиги намоён бўлади. Тарбияланган фикр — ўзини пала-партиш, кўр-кўрона, мияга нима келса, шошиб бировларга етказмайди, шу туфайли ўзгалар назаридан қолмайди.
5. Нима тўғрисида гапирмайлик, ўзимизни жамиятда яшаётганлигимизни, катталар, яқинларимиз, ота-онамиз бизнинг бамаъни бўлишимизни кутаётганлигини унутмаслигимиз керак.

Илм ўрганиш ҳар бир мусулмон учун фарздир.

Ҳадислардан

МУСТАҚИЛ ФИКРНИ ТАРБИЯЛАШНИНГ ЗАРУРАТИ

Фикрлаш зарурми? Фикр ва фикрлашнинг моҳиятини, унинг шахс учун қадру-қиймати ва турларини ўргангандан сўнг, унинг ҳаётимизда тутган ўрнига баҳо бериш учун «Фикрлаш зарурми?», «Мустақил, яъни ўзининг фикр-ўйлари, қарашлари билан яшаш ва улар билан турли вазиятларда бошқалар билан ўртоқлашиш шартмикин?» деган саволларга ҳам жавоб қидириб кўрайлик. Аввалги гаплардан шу нарса аёнки, фикрсиз инсон мавжудотларнинг умуман бошқа тоифасига кириб қолиши мумкин экан. Лекин қўйилган саволнинг асл моҳияти биров бошқача: яъни инсоннинг инсонлиги ва унинг жамиятдаги тўғри ўрнини топиши учун унга фикрлашнинг қай йўсини ва тури зарурроқ?

Фикрлаш ва режалаштириш. Аввало тўғри, яхши, мустақил фикр бизни жуда кўп ўринсиз ишлардан, гаплардан, қолаверса, хатти-ҳаракатлардан асрайди. Масалан, бирор манзилга бормоқчисиз дейлик. Шу манзилнинг қанчалик турган ерингиздан узоқлигини аниқ билмасангиз, унга бориш маршрути сизга ноаниқ бўлса,

қолаверса, унга қанча вақт кетишини аниқламасангиз, демак, Сиз таваккал қилиб, кетаверасиз. Айтилган манзилга кеч келгач, Сиз бошқалар олдида ҳам хижолат тортасиз, ундан ташқари, ноўрин, бемаъни йўл босганингиздан жисмонан чарчайсиз. Айниқса, вақтнинг қадр-қиммати ниҳоятда ошган бозор муносабатлари шароитида ютқазиб қўйган вақтингиз учун ўзингиз ачинмасангиз ҳам бошқалар, яқинларингиз ачинишади. «Вақт — ўлчоғлик» деб бежиз айтишмайди.

Агар ишни бошқача ташкил қилганингизда нима бўларди? Сиз ўша манзилга биринчи маротаба кетаётган бўлсангиз, танишлардан ёки маълумотлар китобидан унинг қаерда жойлашганлиги; узоқ-яқинлиги, аниқ масофаси, унга қандай транспорт воситасида бориш, агар яёв бориш мумкин бўлса, кетадиган вақтни километрга нисбатан чамалаб олиб, кейин йўлга тушасиз. Ҳар доим барча ишларни ўз вақтида аниқ бажарадиган инсонларни «педант одам» деб аташади. Сизни ҳам шерикларингиз шу жиҳатдан олқишлашади. Демак, бу ўринда Сиз албатта, ўз ақл-фаросатингизни, фикрингизни ишга солдингиз.

Демак, инсон ҳаракатлари, ўй-фикрларининг маънили, тўғри, асосли ва шахс учун манфаатли бўлиши учун аниқ фикр, мустақил фикр зарур экан. Яхши, соғлом фикр доимо келажакка йўналганлиги, бизнинг ҳар бир режаларимиз олдинга назар ташлашимиз билан боғлиқ эканлигини унутмаслигимиз керак.

Фаҳм-фаросат белгилари. Фикрнинг заруратини ўзбеклардаги яна бир ибора орқали янада яққолроқ тушунишимиз мумкин. Айрим одамлар тўғрисида «Бу — одам ўта фаҳм-фаросатли-да» дейишади. Фаҳм ва фаросатнинг мустақил шахсий фикр билан боғлиқ томони-ни тушунтиришга ҳаракат қиламиз. «Фаҳм ва фаҳмлаш» кўпроқ инсон сезиш ва идрок қилиш органларига алоқадор қобилиятдир. Масалан, ёруғлик билан қоронғуликни, яхшилик билан нобоп, ёмон қилиқни кузатиб туриб, англаб, ажратиб оламиз. «Фаросатлилиқ» эса одамнинг бевосита тафаккурига алоқадор жараён бўлиб, нарса ва ҳодисаларнинг айти моҳияти, яширин сифатларини ҳам тасаввур қилишга имкон беради. Иккала тушунчанинг ёнма-ён, қўшалок тарзда ёзилиши ва ишлатилишига сабаб — улар ҳақиқатан ҳам фикрлаш жараёнида одамнинг нафақат тушунчалари бойлиги, нутқий сифатлари, гапириш ёки ичида мулоҳаза юритиш хислатлари, балки унинг кузатувчанлиги, зийрак-

лиги, сезувчанлиги каби бевосита акс эттириш қобилиятларининг ҳам аҳамияти катта эканлигини кўрсатиб турибди.

Демак, фаросат эгасининг фаҳмлаш қобилияти ҳам бўлиши шарт. Масалан, компьютерда бирор операцияни бажараётган икки бола ишини кузатинг. Бири — шошмасдан ўйлаб, керакли командалар орқали ўзига керак маълумотлар захирасидан фойдаланиб, иш юритмоқда. Иккинчиси ҳам кўп марта машина олдига келган бўлса ҳам, чалама-чакки клавишларни босиб, вақтидан ютқазиб, маълумотлар файлини қидирмоқда. Қайси бирининг фаҳм-фаросати юқори эканлигини аниқланг. Демак, фаҳм-фаросат ва оригинал, эркин фикрлаш ўртасида маълум уйғунлик бор ва бу тушунчалар аслида моҳиятан бир нарса тўғрисида гапирётганлигимизни билдиради.

Фикрлаш ва келажак. Фикрлаш қобилиятининг яна бир зарурати шундаки, биз кўпинча бевосита фаҳмлай олмайдиган, яъни сезги органларимиз акс эттирмайдиган нарсалар хусусида ўйланамиз. Масалан, тўлиқ ўрта маълумотни олгач, қаерга бориб ўқиш, қандай маълумот эгаси бўлиш, келажакда қайси соҳа бўйича мутахассис бўлишимиз тўғрисида фикр юрита оламиз. Бунинг имконияти бор, албатта. Яъни, биздаги ушбу қобилият нарса ва ҳодисалар, уларнинг хусусиятлари бизга тўла аниқ бўлмаган шароитда ҳам баъзи ҳаракатларни амалга оширишга имкон беради. Демак, кўз олдимизда бўлмаган, келажакка йўналтирилган барча ғояларнинг пайдо бўлиши учун ҳам бизга фикрлаш, фикрлаганда ҳам мустақил фикрлаш зарур. Шу қобилияти йўқ бола ўз келажagini бошқалар қўлига бемалол топшириб қўяди: ҳаттоки, ким бўлиши, қаерда ўқишини ҳам «отаси ва онаси билади». Кейин ўқиш мобайнида мутахассислик предметларига қизиқмаганда ва ўз касбидан умуман қониқиш олмаганда, минг афсусланиб, хато қилиб қўйганини сеза бошлайди. Лекин кеч бўлади.

Демак, келажакка интилиш, уни тасаввур қилиш ва инсон сифатида оптимист бўлишимиз биринчи навбатда мустақил, эркин фикримизнинг натижаси ҳисобланади.

Фикр — бу қадриятлар. Унинг қадриятлик функцияси ва моҳияти шундаки, у нафақат конкрет бир инсон тақдири, балки инсоният тақдирининг мезонларидан ҳисобланади. Лекин ҳар бир конкрет шахс тақдири мисолида қарайдиган бўлсак, яхши, бамаъни, соғлом

фикр ва ана шундай фикрлаш қобилияти ўз эгасини одамлар орасида қадр-қимматини оширади, ўзгаларнинг олдида обрў-этиборини оширади. Шунинг учун ҳам эл орасида шундай гап бор: «Уст-бошига қараб кутиб олишади, ақлга қараб кузатишади». Бу сўзларнинг маъносини тушунган бўлсангиз керак.

Ниҳоят, мустақил фикрлашнинг зарурати бизнинг маданиятли, маънавиятли бўлишимиз учун керак. Ер куррасида шундай жамиятлар, тараққий топган мамлакатлар борки, у ерларда биз кундалик уй-рўзгор ишларимизни амалга ошириш учун бажарадиган ишларни ҳам машиналар — «уй комбайнлари» бажаради. Масалан, чой ичган пиёлани ҳам комбайн ичига солиб қўйилса, ўзи ювиб, қуришиб, тахлаб қўяди. Бу ҳам ақлли одамларнинг кашфиётлари, аёллар меҳнатини енгиллаштириш учун қилган амалий тафаккурий ишлар-ку? Худди шундай бизнинг турмуш тарзимизга ҳам қанчадан-қанча яхши, бизнинг манфаатларимизга хизмат қилувчи техника ва технологиялар кириб келди. Улар бўлиши ёки бўлмаслиги ҳам мумкин. Лекин фикрли, ақлли инсон уларга шундай муносабатда бўладики, ортиқча, кераксиз, механик ишларни қисқартириш ҳисобига ўз ақлий салоҳиятини янада зарурроқ, янгироқ кашфиётларга, машғулотларга йўналтиради. Ҳозирда энг кўп тарқалган персонал компьютерларни мисол қилиб оладиган бўлсак, машинада терилган материални «Epson» русмли принтер орқали ҳам чиқариш мумкин, яна «лазерли»да ҳам чиқариш мумкин. Бу ҳам фикрли инсонларнинг ўз вақт-имкониятларини тежаш, янада сифатлироқ ишлар бажариш ва техниканинг имкониятларини ўзига бўйсундириш борасида қилган ақлли ишлари натижасидир.

Демак, жамиятимизда маданиятни юксалтириш ва маънавиятни ривожлантиришни истасак, оқилона фикрлар юритишга ёшликдан ўрганишимиз шарт, токи у бизнинг одамлигимиз, шахс эканлигимизнинг кўзгуси ва интеллектимизнинг кўрсатгичи бўлиб хизмат қилсин.

Ёзувчи ва файласуф Жон Локк (1632—1704) ўз даврида фикрлашнинг кераклиги ҳақида шундай ёзган эди: «Ҳеч қачон инсон ўзига манфаат келтирмайдиган мақсадсиз бирор ҳаракат қилмайди. У қандай қобилиятлардан фойдаланмасин, фикр ва ақл бамисоли чироқ каби унинг йўлини ёритиб, яхши ёки ёмон, тўғри ёки нотўғри йўлдан бошлаб кетаверади... Одамлар ақлу-

заковати ва фикрларидаги гоёлар ва образлар шундай яширин кучдирким, улар ҳамма вақт ҳаракатларни бошқаради, ўзига бўйсундиради. Шунинг учун фикрни эъзозлаш, уни тўғри йўналтириш, шу орқали билимларни орттириш ва яхши хулосаларга ўргатиш ниҳоятда муҳимдир».

Шундай қилиб, ҳар бир инсон ўзидаги ақл ва идрокни қадрлаши шарт ва Оллоҳ берган бу иноятни эъзозлаши керак. Машҳур қирғиз ёзувчиси, ўзбек халқининг яқин дўсти Чингиз Айтматовнинг бу хусусдаги фикрларига эътибор беринг: «Ҳар қандай шароитда ҳам одамнинг кучли қуроли — бу унинг ақлу заковатидир. Оламнинг чексиз сирларини билиш, инсон эҳтиёжларини борлиқни ўзгартириш ва унга мослашишга бўйсундиришда ақлга тенг келадиган куч йўқ. Ўйлайманки, инсон ақлу заковатининг ижодий кучи ва таъсири Куёшнинг энергетик қувватигагина тенг келиши мумкин». Сиз ҳам бу сўзларнинг маъзини чақинг!

Файласуф ва ёзувчининг сўзларидан ўзингиз учун муҳим хулосалар чиқариб олинг.

Фикрни бошқариш. Бошқариш хусусидаги фикрга аниқлик киритиб, шуни яна алоҳида таъкидлаш мумкинки, «тарбия», «интизом» ва «бошқарув» тушунчалари жуда бир-бири билан уйғун ва яқин сўзлардир. Зеро, тартибли бўлиш, жамоат олдида ҳам, ўз-ўзингиз олдингизда ҳам интизомли бўлиш биринчи навбатда яна ўша фикрларимиз йўналишига боғлиқ экан. Масалан, бирор машҳур спортчи ёки спорт соҳасида яхши муваффақиятларни қўлга киритган танишингиз билан гаплашиб кўринг ва унинг ютуқлари сабабини таҳлил қилинг.

Маълум бўладики, у доимо ўзи англаб-англамай ўзини тартибга, интизомга, маълум режимга мажбур қилади. Эрталабки бадантарбиядан тортиб, неча соат, қайси пайтда, қай тарзда тренировкалар қилиш бевосита ўзи томонидан қатъий бошқарилади. Агар машғулотлар бошида бошқаришни тренер ёки мураббий ўз зиммасига олган бўлса ҳам, кичик ғалаба ёки кўрсаткичлардан сўнг бора-бора ўз-ўзини интизомга чақирадиган, тартибли бўлиб қолади.

Демак, интизомий тарбия, унинг энг муҳим жиҳати — ички тартиб-интизомнинг калити ҳам фикрлашда, онгли тарзда ўзини иродавий жиҳатдан тарбиялашда экан. Бундай талаб нафақат спорт соҳасида, балки фаолиятнинг барча турларига ҳам хос нарсадир. Ҳаётдаги тартиб, мантиқ, оқилликнинг асосида шахснинг

ўзини-ўзи мустақил тарзда ирода қилиши ётади ва бунинг мезони — ўша фикрлаш ва унинг теран, тиниқлигидир. Демак, интизомли фикр энг аввало мантиқли, бамаъни фикр бўлиб, у шахснинг ташқи хулқ-атвордаги интизоми билан бевосита боғлиқдир.

Нобоп, нотўғри фикр. Фикрлашнинг зарурати тўғрисидаги фикрларимизни якунлаш учун яна бир саволга биргаликда жавоб қидирайлик. Нотўғри тарзда фикрлайдиганлар кимлар ва нима учун улар ҳаётда қоқилдилар?

Биринчидан, нотўғри фикрлайдиганларда тушунчаларнинг ўзи жуда кам бўлади ва улар неажаб, жуда кам мулоҳаза қиладилар. Лекин улар ҳам сиз-у биз каби яшаб юрибдилар-ку? Сабаб — уларнинг барча ҳаракатлари деярли тақлид — ота-онага, ўқитувчига, қўни-қўшнига, таниш-билишга, кинода кўрган актёрига ва ҳоказо.

Умуман, тақлид жуда ёмон нарсa эмас. Ҳаётда баъзи азиз, ибратли кишиларга тақлид қиламиз, лекин тақлид қилавериш кундалик одатга, пассив мушоҳадага айланиб қолса, одам нотўғри фикрлайдиган, ланж ва укувсиз бўлиб бораверади. Инсон ўзи, обрў-эътибори, салоҳияти бўлиши учун эса мустақил фикр керак, ўша тақлид объекти бўлган шахснинг ҳаракатлари, баҳолари жуда ўринли, ёқимли ва жозибали бўлган тақдирда ҳам, унинг индивидуаллигини унутмаслик, ундаги фикрлар аввало унинг манфаатига хизмат қилиши, Сизники ундан ҳам афзал бўлиши мумкинлигини унутманг.

Иккинчидан, эгоистлар, яъни ўз манфаатини барчаникидан кўр-кўрона юқори қўядиган, доимо ҳиссиётларга берилиб, кайфиятига қараб иш кўрадиганларда ҳам кўпинча нотўғри тасаввурлар ва улар заминида нотўғри фикрлар туғилиши мумкин. Бу — эҳтиросларга берилмаслик керак, деган маънони англатади.

Шахс — онгли мавжудот экан, демак, унинг ақл-фаросати, шахсий ғоялари доимо устун бўлиши керак.

Учинчидан, айрим нотўғри фикрлайдиган шундай одамларки, улар бирор муаммо ёки масаланинг моҳиятини ёритиш керак бўлса, фикрлай бошлайдилару, лекин дунёқараш, тушунчалар мажмуи ниҳоятда камбағаллигидан тўғри ечимга келолмайдилар. Масалан, бундайлар китоблар ўқишса, фақат бир турли, бир соҳа ёки йўналишга тааллуқли китобларни ўқийдилар, кино кўрса — фақат маълум бир жанрли, ёки суҳбатдошларини ҳам чеклайдиган инсонлар бўлади. Бу ўша шахсни

бир ёқлама фикрлайдиган қилиб, чекланиб қолишига сабаб бўлади. Масалан, китоблардан фақат илмий-техникавийни ўқийди, китоби камлигидан фақат кўлидагини қайта-қайта ўқийверади, оқибатда, чуқур мулоҳаза юритиш талаб қилинадиган муаммо олдида эсанкираб қолади, ёки нотўғри фикр юритади. Демак, тушунчаларни тинимсиз бойитиб бориш ва турлитуман маълумотлардан хабардор бўлишдан эринмаслик, доимо зийрак бўлиши керак.

Демак, қандай х у л о с а л а р чиқариш мумкин?

1. Ҳар бир шахснинг инсонлиги, унинг жамиятдаги муносиб ўрни унинг фикрлаш усулига, фикрларнинг бойлиги, ноёблиги ва мустақиллигига боғлиқ.
2. Мустақил фикрлашнинг энг муҳим кўрсаткичларидан бири — фаҳм-фаросатнинг бўлиши. У ўз навбатида атроф-муҳитдаги барча нарсалар ва ҳодисаларга бефарқ бўлмаслигимизни талаб қилади.
3. Фикр — доимо бошқариладиган жараён бўлиб, у ҳар биримизнинг инсон сифатидаги фаол мавқеимиз ва одамларга муносабатларимиздан келиб чиқади.
4. Буюк файласуфлар, педагоглар ва алломаларнинг ақл ва фикр тарбиясига оид сўзларини чуқур мулоҳаза қилиб, дарс тайёрлайдиган столлингиз тепасига ёзиб қўйинг.
5. Ҳар доим, ҳар қандай шароитда ҳам тўғри, асосли фикрлашга ҳаракат қилинг.

Ақл фақат инсонгагина хос бўлган туғма қувват — руҳий куч билан боғлиқдир.

Абу Наср Форобий

МУСТАҚИЛ ФИКРЛАШНИНГ ТАБИЙИЙ АСОСЛАРИ

Биз юқорида тарбияланган ва тарбияланадиган фикр тўғрисида мулоҳазалар юритдик. Лекин ҳар қандай тарбия ёки таълим маълум маънода махсус шароитлар яратиш, унга тарбияланувчини жалб этиш, қизиқтиришни тақозо этади. Яъни, тарбияланган фикрдаги

жаъмики сифатлар орттирилган бўлиб, улар маълум вақт, куч, ҳаттоки, маблағ талаб қилади.

Лекин шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, аслида фикрлаш — табиий нарсa, чунки у инсоннинг табиий интилишлари ва эҳтиёжларига асосланади. Шунинг учун ҳам биз мустақил фикрлашнинг табиий асослари, реал, ташқи муҳитга унчалик боғлиқ бўлмаган жиҳатлари борми, деган саволга жавоб қидириб кўрамиз.

Ҳайратланиш, завқланиш. Бу ҳиссиёт Сизга таниш, албатта. Биз бирор нарсa ёки воқеанинг гувоҳи бўлсагу, у бизда ҳиссиёт, қизиқувчанлик уйғотса, биз ҳайратланиб, «Бу нима экан, чиройли, галати, бошқача-я?» дея ҳаяжонланамиз, завқланамиз. Айнан ана шундай ҳайратланиш — фикрлашимизнинг дастлабки турткилари, материали ҳисобланади. Ҳайратланишнинг табиийлиги шундаки, биз кўзимизни жозиба таратувчи объектдан олиб қочиб кетишимиз қийин, яхши, бизга жуда қизиқ, ёки шахсимизга алоқадор нарсани эшитмасликка қулоғимизни мажбур қилолмаймиз, бизда теран қизиқиш уйғотган предметни албатта, ушлаб кўргимиз, унинг сифатини вужудимиз билан ҳис қилгимиз келади.

Ҳайратланувчи фикр ёки ақл доимо эгасини зийрак бўлишга, бефарқ бўлмасликка ундай олади. Айниқса, ёшликни ҳайратсиз тасаввур қилиш қийин. Тасаввур қилинг, рўпарангизда лоқайд, бефарқ, инерт бир одам турибди. Сиз унга ўзингиз ихтиро қилган ажойиб нарсангизни куйиниб, иштиёқ билан кўрсатиб тушунтирмоқдасиз. Лекин уни сизнинг ихтироингиз ҳайратлантирмади, кўзлари совуқ, юзлари сокин, умуман, хаёли бошқа ерларда. Ахир ўша болага кейинги сафар ҳеч нарсани кўрсатмайсиз, тўғрими? Бундан кимга зиён бўлди. Албатта, унга. Агар орамизда шундайлар бўлса, уларга ёрдам бериш зарур. Чунки шундай кетаверса, бу бола бора-бора умуман маънили гапириш, бирор нима тўғрисида ўйлаш, фикрлашдан йироқлашиб бораверади. Ёш укaнгиз тиним билмаса, ўйинчоқларини тинмай тимирскаласа, улоқтирса, яна янгисини талаб қилаверса, олиб берган ўйинчоғингизни пачақлаб, ичидаги деталарини қувониб, кўзлари ёниб, гапираётган бўлса, уни қаттиқ койиманг, чунки бу — ҳайратнинг табиий кўриниши. Психологияда бир инстинкт тўғрисида кўп гапирилади, бу — «Бу нима? — ортировка инстинкти» бўлиб, одам диққатини беихтиёр тарзда нарсалар ва ҳодисаларга йўналтирилади. Ҳайратланишнинг физио-

логик механизми ҳам айнан шу инстинкт асосида намоён бўладиган рефлекс ҳисобланади.

Ҳайратланишнинг юқорироқ босқичи ва мураккаброқ кўриниши бола фаол тарзда гапириб, атрофдагиларга тинмай турли хил саволлар бера бошлаганида намоён бўлади. Масалан, 3 ёшдан кейин бола катталарга ҳадеб «Бу нима?», «Нега», «Кейинчи?» саволлари билан мурожаат қилаверади. Айнан шу саволлар замирида интеллект — фикрлашнинг ривожига туртки ётади. Демак, ҳар бир саволга ўринли, батафсил жавобни ололган боланинг фикрий доираси кенгайиб, ақл-фаросати тиниқлашиб бораверади.

Қизиқувчанлик. Бу — ҳайратланишга нисбатан сал бошқачароқ, мураккаброқ бўлиб, у нарсалар, улар билан боғлиқ муаммоларга қаратилади. Демак, ҳайратланишда одам ўз диққатини беихтиёр тарзда объектга қаратса, қизиқувчанлик унга нисбатан ихтиёрий характерга эга бўлган жараён. Шунинг учун ҳам бир бола самолёт, ракеталарга қизиқса, бошқаси — осмон жинсларига, нега эрталаб куёш чиқиши-ю, кечкурун ой чиқиши билан қизиқади. Демак, бу ҳам ҳар биримиздаги табиий заҳира — эҳтиёж бўлиб, унинг қондирилиши фикрларимизни тиниқлаштириб, қарашларимизни кенгайтиради.

Аслида агар атрофимизга диққат билан назар ташлайдиган бўлсак, бизни қизиқтирадиган нарса ва ҳодисаларнинг ўзи жуда кўп. Лекин шундай бўлса ҳам ён-атрофимиздагиларнинг айримларинигина биз «Ўта қизиқувчан, жонсарак» деб таърифлаймиз, лекин баъзан «ҳар нарсага тумшугингни тикаверма» деган таънани ҳам эшитиб қоламиз. Нима бўлганда ҳам ўша қизиқувчан бола нима учун айнан шу нарса уни қизиқтираётганлигини англаса, албатта, тушунчалари заҳирасини бойитиб боради ва фикрлари дадил бўлиб боради. Демак, сизни ҳамма нарса тенг қизиқтирса, бундан хавотирланманг, ақлу-онгингиз барибир, уларнинг орасидан лаёқатингиз ва иқтидорингизга мос келадиган объектларни танлаб олади.

Ишонтириш. Ёки атайлаб қизиқиш уйғотиш. Бу шарт аслида шахснинг ўзига эмас, балки уни ўраб турган яқинлари, бошқаларга алоқадор. Катталар бола онгига, унинг миясига шундай ғояни қуйиб қўйишлари мумкинки, бола уни ўрганмасдан, у ҳақида ўйламасдан турулмайди. Масалан, отаси йирик олим бўлган бола учун уй шароити, отасининг тинимсиз кундалик меҳна-

ти, китоб мутоала қилишлари шундай ижодий муҳит сифатида таъсир қилиши мумкинки, у беихтиёр китобнинг қадрини бошқача идрок қиладиган, ўқиш — ҳаёт мазмуни эканлигини англаб, шунга ишониб қолади. Бу болани кейинчалик мактабга бориб, маълум тартиб-қоидалар тизимида тарбиялаш, айниқса, китобга муҳаббат, фикрлашга ундаш унчалик қийин бўлмайди. Бу фарзанд қонида олимликка эмас, балки бирор ҳунарга профессионал мойиллик бўлиши мумкин, лекин ҳалиги ишонтириш шароити уни ўқишга, кунт қилишга, манба қидиришга, мустақил ўз устида ишлашга туртки бўлгани сабабли ундан яхши маҳоратли касб эгаси етишиб чиқади.

Демак, фикрлаш учун муҳит, шарт-шароит деганда, ҳам табиий (ҳайратланиш, қизиқувчанлик, ишонтириш каби), ҳам атайлаб яратилган шароитлар (боғча тарбияси, маҳалла, қўни-қўшни билан мулоқот, мактаб таълими ва тарбияси каби) мажмуини тушунишимиз керакки, улар шахсдаги фикрлаш жараёнини маълум йўналишда ривожланиб боришини таъминлайди.

Билиш жараёнлари. Мустақил фикрлашнинг табиий асосларига ҳар бир инсон ҳаёти ва руҳиятининг ажралмас қисми бўлган, уни атроф-муҳитни билишини таъминловчи психологик жараёнларни ҳам тушунамиз. Бу жараёнлар қисқа ҳолда **билиш жараёнлари** деб аталиб, уларга биздаги сезгилар, идрок қилишимиз, ҳаёл ва тасаввур қилишимиз, диққат ва хотира киради. Уларнинг барчаси учун умумий хусусиятлар шуки, улар биринчидан, реал борлиқни билишимиз, унинг турли хусусиятларимизни англашимизга имконият беради; иккинчидан, уларнинг барчаси биздаги олий асаб тизими функцияси ва миямиз фаолияти билан бевосита боғлиқ, учинчидан, улар тафаккур жараёнларининг асоси ҳисобланади ва англашганлиги билан характерланади.

Масалан, агар с е з г и л а р нарса ва ҳодисаларга хос бўлган айрим-алоҳида хоссаларни (ранглар, таъм, ҳид, товушлар ва ҳоказо) миямизда акс этишини таъминласа, и д р о к д а бу хусусиятлар яхлит ва умумлашган тарзда акс этади. Масалан, мусиқани яхлит эшитиб идрок қиламиз, фазо ва вақтни идрок қиламиз ва ҳ-зо.

Д и қ қ а т — борлиқдаги барча нарса ва ҳодисалар орасида биз учун аҳамиятли ва муҳимларига бевосита

онгимизни йўналтириш функциясини бажарса, х а ё л ва т а с а в в у р л а р илгари идрокда бўлган ва бўлиши мумкин бўлган нарсаларни ўзида акс эттиради. Шунинг учун ҳам биз эртақ қахрамонлари образларини тушунамиз ёки фантастик бирор ҳикояни кўз ўнгимизда гавдалантира оламиз. Лекин юқорида таъкидланган жараёнларнинг барчаси инсон эҳтиёжлари ва қизиқишларига алоқаси бор ва уларнинг ичида бизнингча, муҳимлари миямизда муҳрланиб қолади ва улар билан келажакда ишлашимиз, яъни уларнинг моҳияти ҳақида фикр юритишимиз ва хулосалар қилишимиз мумкин бўлади.

Демак, барча билиш жараёнларининг орасида х о - т и р а алоҳида ўрин тутаркан. Шунинг учун ҳам биз хотиранинг фикрга алоқадорлиги тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтамиз ва уни тарбиялаш йўллари бўйича тавсиялар, машқлар берамиз.

Фикрлаш ва хотира. Биз кўпинча хотирамизнинг ёмонлигидан шикоят қиламиз. Лекин хотиранинг бизнинг ёмон фикрлашимиздан келиб чиқишини билмаймиз. Кўпинча бирор ишнинг уддасидан чиқмасак, «Афсус ҳаёлимдан кўтарилибди, эсимдан чиқибди», деб ўзимизни оқламоқчи бўламиз. Лекин бу ерда гап фақатгина хотира ёки бошқача қилиб айтганда, кўрган-кечирганларимизни эслаб қолиш, эсда сақлаш ва керак бўлганда эсга тушириш билан боғлиқ мураккаб жараёнда бўлмай, балки бизнинг ўзимизда, тафаккуримизга ҳам боғлиқлигини унутмаслигимиз керак.

Тўғри, биз идрок қиладиган ҳар қандай маълумот бевосита сезги органларимиз орқали мияга юборилади, у ерда қайта ишловдан ўтгач, хотирада сақланади. Сақланиш вақтига ва эсда олиб қолиш мақсадига кўра, эслаб қолиш қисқа муддатли ёки узоқ муддатли бўлиши мумкин. Бир марта идрок қилиш воситасида маълум маълумотни «ҳозир» эсда сақлашимиз зарур бўлса, *қисқа муддатли хотира* ишлайди. Масалан, ҳаммага персонал компьютерда бирор текстни териш билан боғлиқ иш таниш бўлса керак. Бегона текстни машинага киритаётганда, уни тезроқ машина хотирасига юклаш учун мазмунига умуман олганда эътибор бермаган ҳолда, ҳозир кўзимиз билан идрок қилган бўлакчанигина эслаб, ўшани терамиз. Энди бирор маълумотни биз агар имтиҳон топшириш, олий ўқув юртига кириш учун ўзлаштираётган бўлсак-чи? Унда бизнинг ушбу маълумотга муносабатимиз жиддийроқ

бўлиб, керак бўлса, у ёки бу материални қайт-қайта ҳам ўқиб, эслаб қолишга ҳаракат қиламиз. Хотиранинг бундай тури **узоқ муддатли хотира** деб аталиб, у онгли, мақсадли фаолиятимиз ва ҳаётимизнинг асосини ташкил этади. Сиздаги мавжуд тажрибанинг асосини ҳам узоқ муддатли хотира ташкил этади. Шундай экан, ҳар биримиздаги ўша соғлом, эркин, мустақил фикрнинг ҳам психологик механизми асосида узоқ муддатли хотира ётади, десак бўлади. Хотирамиз бизга зарур информацияни тўплаб, ўзлаштириб, керак бўлганда, ўз заҳирасидан чиқариб, тиклаб бериши онгли фикрлашимиз учун жуда зарур.

Хотира ва ақлий интизом. Шунинг билан чиқармангки, одам қанчалик кўп нарсани билса, кўп ўқиса унинг нафақат узоқ муддатли, балки қисқа муддатли хотираси ҳам бойиб, кучайиб бораверади. Бу ўринда интизом керак, масалан, мунтазам бир вақтда, бир вазиятда ва бир маромда ўқиб ўзлаштиришни ўзингизга одат қилсангиз, эслаб қолиш ҳам, уни хотирада сақлаш ҳам анча самарали бўлади. Масалан, ҳаддан зиёд бирор нарсадан чарчаган вақтингизда ўзлаштириш паст бўлишини яхши биласиз, ёки кечаси ўқигандан кўра, саҳар эрталаб туриб, дарсларни қайтариш натижаси сезиларлироқ бўлади. Демак, яхши хотира ва соғлом фикр одамнинг умумий ҳолати, саломатлиги ва кайфиятига бевосита боғлиқдир. Бирор нарсадан кучли ҳаяжонланиш, ташвиш ёки кўрқув хотирага ҳам, фикрлашга ҳам салбий таъсир кўрсатади. Демак, бирор нарса ҳақида мулоҳаза юритиш ёки ижод қилиш олдидан албатта, ўзингизга бир эътибор беринг: ҳозир шу ишга руҳан тайёرمىсиз, толиққанингиз йўқми? Ҳар бир ишни тартиб билан, ақл билан йўлга қўйиш, руҳий интизом мезонларига амал қилиш хотира тарбиясининг асосий мезонларидандир.

Ихтиёрий ва беихтиёр хотира. Хотиранинг узоқ ёки қисқа муддатли туридан ташқари унинг ихтиёрий ва беихтиёрий турларини ҳам фарқлашади. Одам бевосита ўзига жуда ёққан, жозибали туюлган, ёрқин нарсаларни *беихтиёр эслаб қолади*, эслаб қолганда ҳам умрбод эсла сақлаши ҳам мумкин. Бунинг учун ундан ирода кучи ёки атайлаб эслаб қолиш мақсади талаб этилмайди. Ана шундай нарсаларни у яна керак бўлганда, беихтиёр ёдга туширади ҳам.

Энди ҳаётда шундайки, одам ҳар доим ҳам ўзига ёққан ва ўзи хоҳлаган нарсаларни эслаб қола олмайди

ва улар устида ақлий операцияларни амалга оширавермайди. Шундай шароитлар ҳам кўпки, Сиз эслаб қолишингиз, эсда сақлашингиз ва керак бўлганда, эсга туширишингиз к е р а к. Масалан, математик формулалар, кимё дарсидаги формула ва қонуниятлар, тарих фанидаги тарихий саналар кабиларни Сиз эслашга мажбур бўласиз, чунки бусиз ўша фанни ўзлаштиролмайсиз ва у билан боғлиқ бошқа қонуниятлар моҳиятига етолмайсиз. Айнан шундай мақсадли, атайлаб хотирада маълум маълумотни сақлаш ва уни кейинчалик тиклашга *ихтиёрий хотира* дейилади. Ихтиёрий хотиранинг кучи ва самараси бевосита фикрлаш ва ақл операцияларига бориб тақалади. Чунки ўша ўзлаштирилаётган маълумотларни умумлаштириш, гуруҳларга бўлиш, уни бошқа турдаги илгари ўзлаштирилган материал билан боғлаш каби ишлар ақлфаросат ишидир.

Демак, анланган нарсалар яхшироқ эсда сақланади. Яъни тафаккурнинг таҳлил қилиш (анализ), умумлаштириш (синтез) ва таққослаш каби жараёнлари орқали материал мустаҳкамроқ хотирланади.

Шу ўринда хотиранинг саккиз қонунини эслаб кўйишни таклиф этамиз:

1. **Анланганлик қонуни.** Оддий, лекин мураккаб қонун, яъни берилган материални қанчалик чуқур англасак, шунчалик уни мустаҳкам хотирада муҳрлаган бўламиз.
2. **Қизиқиш қонуни.** Анатолий Франс: «Билимларни яхши ҳазм қилиш учун уни иштаҳа билан ютиш керак» деганда, албатта, материалга жонли қизиқиш билан муносабатда бўлишимиз, ва уни яхши кўришимиз кераклигини назарда тутган.
3. **Илгариги билимлар қонуни.** Маълум мавзу юзасидан билимлар қанчалик кўп бўлса, янгисини эсда сақлаб қолиш шунчалик осон бўлади. Масалан, илгари ўқиган бирор китобни қайтадан ўқиб, уни янгидан ўқиётгандай ҳис қилсангиз, демак, сиз илгари тажрибангиз етишмаганлигидан уни яхши ўзлаштира олмаганлигингизни ҳис қилишингиз мумкин. Демак, эски билимлар ҳам тажрибага айлангандагина, янгиларига замин бўла олади.
4. **Эслаб қолишга тайёрлик қонуни.** Бирор материални эслаб қолишдан аввал бўлғуси ақлий ишга

қандай ҳозирлик кўрган бўлсангиз, шунга мос тарзда эслаб қоласиз. Масалан, физика ўқитувчиси-нинг барча дарслари сизга доимо маъқул бўлган бўлса, Сиз: «Бугун ҳам янги нарса ўрганиб чиқаман», деб ўзингизни ишонтирасиз ва оқибатда натижа ҳам яхши бўлади. Ёки вақтга нисбатан тайёрлик ҳам шундай. «Бир амаллаб имтиҳон топширсам, кейин қутуламан», деб дарсга тайёрланган бўлсангиз, имтиҳон тугагач, гўёки миянгизни биров «ювиб қўйгандай» тасаввур ҳосил бўлади. Агар материални мутахассис бўлишим учун жуда керак, деб умрингиз охиригача муҳимлигини англасангиз, у нарса хотирада муқим сақланади.

5. **Ассоциациялар қонуни.** Бу қонун ҳақида эрамиздан аввал Арасту ҳам ёзган эди. Қонуннинг моҳияти шундаки, бир вақтда шаклланган тасаввурлар хотирада ҳам ёнма-ён бўлади. Масалан, аини конкрет хона ўша ерда рўй берган ҳодисаларни ҳам эслатади.
6. **Бирин-кетинлик қонуни.** Ҳарфларни алфавитдаги тартибида ёдда айтиш осон, уни тескарисига айтиш қийин бўлганидек, хотирада ҳам маълумотларни маълум тартибда жойлаштириш ва керак бўлганда, тартиб билан бирин-кетин тиклаш мақсадга мувофиқдир.
7. **Кучли таассуротлар қонуни.** Эслаб қолинадиган нарса тўғрисидаги биринчи таассурот қанчалик кучли бўлса, унга алоқадор образ ҳам шунчалик ёрқин бўлади. Бундан ташқари, Сиз учун аҳамиятли ва жозибали маълумотлар оқимида эсланаётган материал ҳам яхши эсга туширилади.
8. **Тормозланиш қонуни.** Ҳар қандай муайян маълумот ўзидан олдинги маълумотни тормозлайди. Шунинг учун унинг ўчиб кетмаслиги учун янгини эсда сақлашдан аввал мустаҳкамлаш чораларини кўришингиз керак.

Демак, яхши кучли билимларга эга бўлиш учун ҳар бир предмет ёки фаннинг мавзуларини ўзига хос тарзда ёқтира олиш ва хотирада сақлаш услубларини ишлаб чиқишингиз керак экан. Лекин албатта, математика фанидан кейин физикани, тарихдан кейин адабиёт фанини, шеър ёдлашни уйқу олдидан амалга оширмасликни маслаҳат берамиз.

Ассоциатив хотира ва мантиқли фикр. Қадимий Грециядаги олимлар ва нотиқлар кучли хотирага эга эканликлари билан ажралиб турганлар. Улар қоғоздаги ёзувсиз узундан-узоқ нутқлар сўзлай оларканлар. Бунинг сабаби нима билан боғлиқ?

Буни тушуниш учун ўша қадимий грек нотифини тасаввур қилинг: узун оқ кўйлакли, соқол кўйган, жингалак сочли. Унинг яшайдиган жойини тасаввур қилинг: мрамардан ясалган устунлар, деворларида тоқчалар ва ҳ-зо. Мана шу грек нотиғи нутқига тайёргарлик кўраётганда ўз нутқининг ҳар бир бўлагини ўзи яшайдиган ердаги конкрет предметлар билан боғлаган экан: масалан, «мана бу фикр мрамар устундаги айни мана бу расм билан, бу фикр эса тоқчадаги мана бу китобни эслатади» ва шунга ўхшаш. Кўпчилик ўртасига чиқишдан аввал у хонада у ёқдан бу ёққа юриб, фикрларини ана шундай конкрет буюмлар билан боғлар экан. Бу ассоциациялар қонунига тўғри келади, яъни конкрет фикрни конкрет буюм, факт, ҳодиса билан боғлаш — ассоциациядир.

Яхши хотира ва мустақил фикрлаш. Яхши эслаб қолиш мустақил фикрлаш билан жуда узвий боғлиқ. Кўпинча одамлар ёмон ўйлаганлари учун яхши эслаб қололмайдилар. Сиз-чи? Бирор ҳаётий муаммо бўйича ўзингиз мустақил қарорлар чиқара оласизми? Ўзингизча, мустақил тарзда қўшимча адабиётлар топиб, ўз устингизда ишлай оласизми? Бу ердаги сир шундаки, сиз ўзингиз мустақил топиб ўқиган китобингиз мазмунини ўқитувчи тазйиқи билан ўқиган китоб мазмунидан кўра яхшироқ, мустаҳкамроқ эслаб қоласиз. Бу кўплаб экспериментларда ва ҳаётий кузатишларда синалган факт ва бунга сира шубҳа қилманг.

Умуман, бирор масалада сизда мустақил фикр пайдо бўлган бўлса, у сизнинг актив сўзлар заҳирангизда, хотирангизнинг тубида сақланади ва унинг мазмунини биров атайлаб ўчириб ташлай олмайди. Шунинг учун эркин фикрловчи одамнинг хотираси ҳам яхшига ўхшайди, аслида бу икки ҳолат ва жараён ўзаро жуда узвий боғлиқдир.

Америкалик Г. Унгар деган олим хотиранинг кучи ва салоҳиятини фикрлаш тажрибаси ва умуман инсоннинг узоқ умр кўриши билан боғлайди. Унинг фикрича, хотира қанчалик ишланган ва машқ қилдирилган бўлса, у шунчалик узоқ умр кўрар ва умрининг охиригача соғлом фикрга эга бўларкан.

Хотиранинг тарбиясида хитойликларнинг қуйидаги мақолларини ёддан чиқарманг:

*Эшитдингми — эсдан чиқардинг,
Кўрдингми — эсга туширддинг,
Амалга оширддингми — тушундинг.*

Демак, яхши фикрлаш ва яхши эслашнинг реал асоси — англаш, тушуниш ва билган билимларини амалда қўллашдир. Шунинг учун ҳам Рене Декарт «Яхши ақлнинг бўлиши етарли эмас, уни ўз ўрнида ишлата билиш муҳимроқ» деб таъкидлаган эди. Бу бевосита хотиранинг бошқарилиши ва тарбияланишига ҳам боғлиқ.

Демак, 1. Ҳайратланинг, ҳар бир нарса, ҳодиса, муаммода сизда табиий ҳиссиётларни уйғота оладиган жиҳатларини ажратинг.

2. Қизиқувчан бўлинг! Инерт, лоқайд бўлгандан кўра, жонли, зийрак ва ҳар нарсанинг сиру-синоатини билиш афзал.

3. Фикрлашнинг яхшилигига ишонинг, барча ишонтирувчи омилларни таҳлил қилинг. Керак бўлса, ўзингиз ўзингизда зарур тасаввурларни чақириб, уларни тизимда бирлаштиринг.

4. Синчков ва жонсарак бўлинг. Атрофга бефарқ бўлмай, билиш жараёнларингизни муттасил ривожлантириб боринг.

5. Хотирангизнинг тарбиясига ҳушёр бўлинг, уни фақат сиз учун зарур ва муҳим маълумотлар билан бойитиб, жойида юқорида таъкидланган саккиз қонуният орқали ўстириб боринг.


6. Хотирангизни ва у орқали мустақил фикрларингизни ривожлантириб боришга ўрганишни қуйида берилган машқлар орқали амалга оширинг.

ХОТИРАНИ ЎСТИРИШ УЧУН МАШҚЛАР

1. Агар ёнингизда бирор ўртоғингиз бўлса, ундан қуйидаги сонлар қаторини бир хил темпода ўқиб беришни сўранг. Сиз унинг орқасидан овоз чиқариб, такрорланг. Агар ўзингиз мустақил бажармоқчи бўлсангиз, қаторларга биринкетин оқ қоғоз ёрдамида ўтиб, кейин хотирангизни текширинг. Эсингизда қолган сонларни қоғозга ёзинг ва нечта сонни ва қайси қаторларни тўғрироқ эсда олиб қолганлигингизни аниқланг:

972
1406
39418
067285
3516927
58391204
764580129
2164089573
45382170369
870932614280

2. Қуйида 12 та расм берилган. Сиз уларга 1 минут давомида диққат билан қаранг ва эсда сақлаб қолишингиз натижаларини тартиб билан нима нимадан кейин акс эттирилган, қандай предметлар акс эттирилганлигини ёзинг. Агар Сиз шу 12 та предметдан 8 тасини тўғри эсга тушира олсангиз, демак, хотирангиз яхши деяверинг.



Китоб — барча бунёдкорлик, яратувчанлик ва ақл-идрокнинг, илму донишнинг асосидир. Ҳаётни ўргатувчи мураббийдир.

«Амир Темур ўғитлари»

ЎҚУВ ФАОЛИЯТИДА МУСТАҚИЛ ФИКРНИ ТАРБИЯЛАШ

Ўсмирлик ва илк ўспиринлик. Фикрлаш қобилиятини ривожлантиришнинг табиий асосларидан ҳам кўра, унинг орттирилган, тажрибага таянган омиллари ҳаёти-

мизда аҳамиятга эгадир. Умуман, инсон умрини даврларга бўлар эканмиз, уларнинг орасида илк ўсмирлик, ўсмирлик, ўспиринлик, балоғат ёши йиллари унинг ким бўлиб етишиши, одамийлиги, малака ва қўникмаларининг мукамаллиги нуқтаи назаридан эътиборлидир. Бу даврларнинг яна бир муҳим жиҳати шуки, унда бизни қизиқтираётган фикрлар шаклланади, фикрлаш жараёни такомиллашади, мустақил тарзда ўзлигини англаш, аниқ фикрларда баён этиш қобилияти ривожланади. Диққатга молик томони яна шуки, айнан бу даврлар мактаб ва талабалик йилларига тўғри келади. Бундан ташқари, айтим шу даврлар муайян касб-корни эгаллаш йилларига ҳам тўғри келади. Шунинг учун ҳам мактаб даврларида фикрлаш қобилиятининг ривожланиши ва уни ўстириш йўллари тўғрисида фикрлашиш ва машқ қилиш пайти келди.

Фикрлаш ва мактаб. Фикрлаш жараёнларига таъсир кўрсатувчи мактабга алоқадор омилларни уч гуруҳга бўлишимиз мумкин:

1) бола билан бевосита мулоқотда бўладиганларнинг ақлий хусусиятлари ва одамларнинг таъсиридаги ривожланиш;

2) ўқитиладиган предметлар таъсиридаги ўзгаришлар;

3) таълим ва тарбия мақсадларидан келиб чиқадиган вазифаларни бажариш мобайнидаги таъсирлар.

Биз ва ўқитувчи. Агар биринчи омил тўғрисида гапирадиган бўлсак, бу — одатда бизга таълим-тарбия берадиган муаллимлар, педагогларнинг бевосита таъсирлари назарда тутилади. Биз хоҳлаб-хоҳламай ўзимиз суйган, ҳурмат қилган инсонлардан ибрат оламиз, нафақат оламиз, балки уларнинг ҳар бир қилиқлари, ҳаракатлари, гапириш услублари, нутқиға хос хусусиятларга тақлид қиламиз. Чиройли хуснихатли ўқитувчида таълим олган болаларнинг аксарияти чиройли ёзгани каби, нутқи равон, ҳар бир гапини ўйлаб, чамалаб, асослаб гапирадиган инсоннинг фикрига ҳам беихтиёр эргашамиз. Айрим ҳолларда шундай ҳам бўладики, ўқитувчи ўзи атайлаб, болани айнан ўзидай гапиришга, ҳулосалар чиқаришга, ҳукм юритишга мажбур қилади. Бу усул бола гапиришдан ийманиб, чўчиб гапиролмаётган босқичда, тортинчоқ болада ўзини оқласа, ушбу усулнинг дадил, фикрлари теран болага нисбатан ишлатилиши кўпинча ўзини оқламайди. Баъзан бола ўқитувчисининг фикрига эътиборсизлиги юзидан, кўзи-

дан илғаб олинади. Аслида ана шу ҳолат ҳам бу муҳитдаги ўзаро фикрлаш жараёнининг сифати ва хусусиятига ишорадир, демак, ўқитувчи қизиқтира олмаяпти.

Аслида эса ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги муносабатлар шундай бўлиши керакки, катта ўз фикрлари билан кичикнинг фикрларини қўзғатиши, унга туртки бериши, йўналтириши керак. Агар тингловчи ёки ўқувчи «Муаллим айтганидек айтаман, айнан у каби хулоса чиқараман» деган нарсга ўрганиб қолса, бу ишнинг самараси деярли «0»га тенгдир, дейиш мумкин. Қолаверса, ўқитувчининг фикрлашлари, унинг нутқи, жавобларни тинглаш, баҳо бериш йўлини нуқсонсиз деб ким айта олади. Шунинг учун ҳам ўзаро муносабат, фикрлар алмашинуви шароити шундай бўлиши керакки, боланинг ҳар бир ўзига хос қилиқлари, гапириш йўналиши ва услуби, фикрлаш йўли ўз вақтида доимо қўллаб-қувватланиши ва муносиб баҳоланиши керак. Ўсмир ва ўспирин доимо шуни ёдида тутиши лозимки, энг зукко, доно, билимдон ўқитувчи ҳам ўзига хос қайтарилмас индивидуалликдир, ва шуниси билан сизни жалб этмоқда. Сиз ҳам ўзингизга яраша дунёсиз ва бу Сизга оригинал бўлиш ва фикрлашда ҳам ўз малака ва одатларни шакллантиришни тақозо этади.

Фикрлаш ва фан предметлари. Фикрлаш жараёнига кўпроқ мактабда ўқитиладиган предметлар таъсир кўрсатади. Уларни шартли равишда икки гуруҳга бўлиш мумкин: бевосита ҳаракат малакалари ва кўникмаларини ҳосил қилувчи предметлар (жисмоний тарбия, расм, ёзув, мусиқа, ва б.) ҳамда ўйлашга, тасаввур қилган ҳолда тушунишга мажбур қилувчи мавҳумроқ предметлар (география, тарих, адабиёт, физика, математика ва бошқалар).

Биринчи гуруҳ предметлар ҳам жуда зарур, улар мустақил фикр юритиш учун шундай замин ҳозирлайдики, одам ўзини дадилроқ, нафисроқ, зийракроқ тутишни ўрганади. Керак бўлса, бу фанлар ёки предметлар ҳаёт ҳақидаги мулоҳазалар, таҳлиллар учун тажриба мактаби ҳисобланади.

Ўқувчи кўпроқ иккинчи гуруҳ предметлардан, уларнинг талабларидан кўрқади. Лекин, айтиш мумкин, шу тоифа предметлар сизни фикрлашга, мантиқан мулоҳаза юритиш, мавҳумликни тушунишга, кўз ўнгингизда аслида бўлмаган нарса ва ҳодисаларнинг моҳиятини тушунишга имкон беради. «Математика — ақл гимнастика»

сидир» деган фикр бежиз эмас. Ёки адабиёт дарсларнинг ролини сира ҳам камситиб бўлмайди. Бадий бўёқлардаги персонажлар образлари орқали ифодаланган воқеа-ҳодисаларни тасаввур қилар эканмиз, беихтиёр ўша қаҳрамонлар билан ичимизда сирлашамиз, гаплашамиз, уларнинг такдирига қайғурамиз. Натижада улар хусусида кимлар биландир ўртоқлашиш, ҳеч бўлмаганда синфда ўқитувчи ва синфдошлар олдида гапиришга малака орттирамиз. Шунга ўхшаш ақл гимнастикаси деярли барча предметларни ўзлаштириш жараёнида содир бўлади. Шунини унутмаслик керакки, мактабда ўқитиладиган предметларни «менга керак», «менга керак эмас» деб ажратиш аслида нотўғри иш. Чунки ҳар бир предмет аввало ҳаётимизнинг турли қирраларини, қонуниятларини ёритиш орқали биздаги тушунчаларни бойитади, ҳамма фанлар бир бўлиб, мустақил, ишонч билан барча муаммолар ва ҳар турли масалалар юзасидан фикрлашга кўмаклашади. Қанчалик маълумотлар кўп бўлса, улар хилма-хил ва бир-бирини тўлдирувчи бўлса, одамнинг фикрлари тўлиқ, тартибли ва мантиқий бўлиб бораверади. Агар барча предметларнинг моҳиятида умумийликни топишга ақлингиз қодир бўлса, демак, Сиз — салкам файласуфсиз, чунки айнан улар табиат, жамият ва инсон ақл-идрокига оид бўлган умумий қонуниятлар устида бош қотирадилар. Билимлари бой бўлмаган одам ҳеч қачон файласуф бўлолмайди, файласуфлик эса дошизмандлик демакдир.

Мантиқийлик дарслари. Ниҳоят, таълим ва тарбия даврида катталар фан предметларидан ташқари, кўплаб ахлоқий ва маънавий-маърифий мақсадларда тадбирлар, суҳбатлар ва мунозаралар ўтказишадики, улар ҳам фикрларни бойитиш ва ривожлантириш учун шароит ролини ўйнайди. Бунда мантиқийлик тамойилига катта эътибор қаратилиши керак. Масалан, фанни яхши ўзлаштирадиган бола шериклари ундан бирор қонуниятни тушунтириб беришни сўрашганда, атайлаб ўзини билмасликка олиши аслида биринчи навбатда ўша «билимдонга» салбий таъсир кўрсатади. Чунки агар у тушунтириб берганда, ички нутқида шаклланаётган фикрини бир карра ташқарида, ташқи нутқида синаб олиш имконига эга бўларди. Иккинчи томондан, ҳар сафар бундай «қизғанчиқликнинг» намоён этилиши ундаги инсон сифатидаги фазилатида намоён бўлиб, одамлар назаридан қолишига сабаб бўлади ва охир-

оқибат унинг миясидаги ғоялардан, фикрлардан ўзига ҳам, бошқаларга ҳам наф қолмайди.

Шунинг учун ҳам тенгқурлар даврасида кўтариладиган турли мавзулардаги баҳс-мунозараларнинг фикр тарбияси, мустақил фикрлаш ва инсон камолоти учун аҳамияти каттадир.

Шундай қилиб,

1) Ҳаммага ва ҳар соҳада тақлид қилаверишдан эҳтиёт бўлинг, энг олижаноб ва зукко ўқитувчингизнинг ҳам тайёр фикрига эмас, уни ўзгалар билан ўртоқлашиш санъатига, гапириш маданиятига, ўзгалар фикрини тинглашдаги сабр-қаноатига ва тинглаш маалакаларига тақлид қилинг. Фикр эса сизники бўлсин ва ўз иқтидорингиз доирасида баён этишга ўрганинг.

2) Сизни ҳамма нарсга қизиқтирсин, барча фанлар керак ва улардаги умумий моҳиятни топиш йўлини қидиринг, мантиқий фикрлашга ўргансангиз, файласуф бўласиз!

3) Фикрингиз мантиқий ва асосли бўлсинки, уни ўртоқларингиз ва устозлар билан баҳам кўрганда ишонч ва дадиллик бўлсин.

Азиз ўқувчи! Энди қуйидаги топшириқларни ўзингиз мустақил равишда ечишга ҳаракат қилиб кўринг ва натижаларини ўқитувчингизга кўрсатиб, сўнгра ўртоқларингиз билан мулоҳаза қилиб кўринг. Бошладик! Қуйидаги жумлаларни давом эттириб, миянгизга келган жавоблардан камида 5 тасини ёзиб, кейин ўқитувчига кўрсатинг ва бошқалар жавоблари билан солиштириб кўринг:

А) «Ёмғир ёғмоқда, чунки...»

Б) «Қамчиқ давонидаги йўл устида катта харсанг тош ётибди, чунки...»

В) «Қайиқ дарёга чўкмайди, чунки...»

Г) «Баъзан денгизда кемалар чўкади, чунки...»

Д) «Чақмоқ пайтда самолёт парвози ... чунки...»

Е) «Автомобиль йўлида катта харсанг тош ётибди, шунда ҳайдовчилар... (нима қилишлари керак?)»

Ж) «Тасаввур қилинг. Сизга ХХІ аср бошланғич мактабининг макетини беришди. У жуда гўзал ва ўзига хос ташқи кўринишга эга. Сизнингча, ташқи кўриниш ички мазмунга тўғри келиши учун унинг ичида нималар бўлиши керак?»

*Билиш жараёнига юзаки ёнда-
шишдан қўрқинг, зеро, бу — сиз-
нинг ижодий йўлингизни тўсади.*

Академик Г. И. Марчук

И К К И Н Ч И Қ И С М

МАНТИҚИЙЛИК ВА ФИКР МУСТАҚИЛЛИГИ

МАНТИҚИЙ ФИКРЛАШНИ БИЛАСИЗМИ?

Исбот талаб қиладиган фикр. Кундалик ҳаётда турли-туман муаммолар ёки оддий ташвишлар билан боғлиқ масалаларни ечиш учун биз турли хил фикрларни ишлатамиз. Тўғри, бу фикрларнинг ҳаммасини ҳам биз бировларга билдирмаймиз, балки ўзимизча, ичимизда у ёки бу хулосаларга келиб қўя қоламиз. Масалан, осмонўпар янги бинони кўриб, шахримизнинг кун сайин чирой очиб бораётганлигидан ғурурланиб, «Бу бино кимнинг лойиҳаси билан қурилди экан? Айнан шу лойиҳа асосида қуриш фикрига келиш осон бўлмагандир...?» каби фикрлар ҳаёлимиздан ўтса-да, уни дарров бировга билдирмаймиз. Лекин адабиёт дарсида уйга топшириқ сифатида берилган вазифани қай даражада уддалаганимизни билиш учун албатта ўртоқларимизнинг ишини ҳам билиб қўйишга, уларники билан ўзимизникини солиштиришга ошиқамиз. Чунки топган ечимимиз тўғри бўлишини хоҳлаймиз, қолаверса, ўқитувчидан мақтов сўзларини эшитиш ва унинг эътиборида бўлиш ҳаммамизга ёқади.

Демак, биз юритадиган ҳар бир фикр тўғри ва асосли бўлиши мақсадга мувофиқдир. Мақсадга мувофиқлик ўз навбатида ҳар бир муаммонинг ечими асосли ва исбот қилинган бўлишини тақозо этади.

Инсоният маданияти ва умумбашарий қадриятлардан бири ҳам шуки, ҳар биримиз ҳаракатларимиз ва фикрларимизнинг маъно ҳамда мазмуни бўлишига ҳаракат қиламиз. Ана шундай фикрларнинг асосли ва тўғри келиб чиқиши қонуниятларини ўрганувчи фаннинг номи мантиқдир. Фикр исбот талаб қилгани учун ҳам мантиқ фани вужудга келган. Агар катталарнинг баҳслари ёки мунозараларини эшитган бўлсангиз, улар баъзи фикрлар хусусида «бу гапда жон бор, мантиқ бор», дейишса, бошқа бирлари хусусида «Бемаъни фикр,

унда мутлақо мантиқ йўқ» дейишади. Демак, мантиқийлик — «тўғрилиқ», «маънилиқ», «асосланганлик», «исботланганлик» тушунчалари билан уйғун экан.

Мантиқнинг қадр-қиммати ва аҳамияти шундаки, у бутун инсоният фикри ва тажрибасида ўз исботини топган тушунчаларга таянган ҳолда илмий ва бадиий манбаларда тўпланadi. Бундан ташқари, инсоний мулоқот жараёнида ҳам кўплаб мантиқий фикрлар ишлатиладики, улар авлоддан авлодларга ўтиб, улар онгли ҳаётини, маънавиятининг асосини ташкил этади. Масалан, Сиз мактабда ўқиб ўрганган барча фанлар ана шундай мантиқнинг иши ҳисобланади. Тарих дарслигидаги ҳар бир жумла ва маълумотлар текширувлардан ўтганлиги ва инсоният тараққиётига хизмат қилиши билан қадрлидир. Ёки Ислom дини ва одоб қадриятларини олайлик. Ҳадисларни барчангиз ўқигансиз. Буюк муҳаддисларимиз — Имом ал-Бухорий, Ат-Термизий кабилар ҳар бир ҳадисни ҳаётда ўз тасдиғини олганлиги ва асосланганлиги нуқтаи назаридан баҳолаб, шу мезон асосида тўплаганларки, мана неча асрлар ўтса ҳам ҳар бир ҳадис ҳулку одобнинг асоси сифатида авлодлар томонидан эътироф этилиб, қадрланиб келмоқда.

Қуйида берилган Ҳадису шариф намуналарини исботланганлик ва мантиқийлик нуқтаи назаридан шарҳланг:

1. Илмнинг офати — эсдан чиқармоқлик ва илмга рағбати бўлмаган кишиларга ўргатиб, уни зое кетказишдир.
2. Икки киши бир кишидан яхши, уч киши икки кишидан яхши. Тўрт киши уч кишидан яхши, кўпчилик билан бирга бўлинлар. Тангри умматларимни фақат тўғри йўлда боришликка бирлаштиради.
3. Дўстингни енгилроқ севгинки, куни келиб душман бўлиб қолиши ҳам мумкин. Душманингга ҳам енгилроқ адоват қилгинки, куни келиб, дўст бўлиб қолиши мумкин.
4. Инсон хатони кўпроқ ўз тили билан содир қилади.
5. Ислom, яъни мусулмончилик ошкора нарсадир, имон эса дилдадир.

Мантиқ ва ақлий интизом. Ҳаётдаги кундалиқ муомила ва мулоқот жараёнида, ишлаш мобайнида қўллайдиган сўзларимиз ва улар воситасида билдирадиган фикр-

ларимиз мантиқий бўлгани учун ҳам биз уларни ортиқча ўйламай табиий тарзда ишлатиб, қўллаб кетаверамиз. Демак, энг тўғри фикр — бу кўпчилик учун бирдай маъно ва моҳият касб этган фикрдир. Масалан, «Ватани севмоқ иймондандир», «Меҳнат машаққатсиз бўлмайди», «Жаҳолатга қарши доимо маърифат билан курашиш керак», «Ўзалликнинг мезони — ўзал хулқдир» каби минглаб фикр-ғоялар борки, улар инсониятнинг миллионлаб йиллик тажрибасида исботланган бўлгани учун ҳам биз уларни мантиқан таҳлилсиз ҳам қабул қилиб ўз хулқимиз ва муносабатларимизга асос қилиб олаверамиз.

Мантиқан исботланганлик зарурати шундаки, у бизни нафақат хатти-ҳаракатларда, балки гапларимиз, фикрлашларимиз жараёнларини ҳам маълум тизимга солиб, тартибга солади. Мантиқий фикрлар доимо интизомли, тартибга бўйсунадиган фикрлардир. Бундай фикрни аввало одамнинг ўзи англаган ҳолда ўзи назорат қилади ва шу орқали ўз хулқини ҳам назорат қила олади.

Маълумки, оилада ота-оналар, мактабда ўқитувчилар кўпинча «керак» сўзини қўшиб, бизни илк ёшликдан кўплаб хатти-ҳаракатларга ўргатганлар. Масалан, «Қўлни ювмай, дастурхон атрофига ўтириш мумкин эмас», «Мактабга бориш керак», «Катталарга салом бериш керак», «Уйдан чиққанда чироқни ўчириш керак» ва ҳакозо. Лекин ҳамма ҳам бирдай ана шу «керак»ларга амал қилиб, иш — фаолият юритмасдан, ўзи билганича, ўзбошимчалик билан иш юритади. Масалан, ўтган дарсни мунтазам такрорлаш орқали билимларни мустаҳкамлаш мумкинлигини ҳар бир муаллим айтади. Лекин ўқувчилар ичида айримларигина бунга амал қиладилар. «Керак»ларга амал қиладиганларни биз «тартиб-интизомли, масъулиятли» деб таърифласак, бошқаларни «интизомсиз, ўзбошимча» деймиз. Тартиб-интизомлиликнинг бош мезони эса ўша ташқаридан, катталар томонидан белгиланган нормаларни англаган ҳолда фикран уларга қўшилиб, боланинг онгли тарзда «керак экан» деган хулосага келишидир.

Демак, хулқ интизоми билан фикр интизоми бири бири билан узвий боғлиқ. Хулқи яхши, бамаъни дейилган боланинг, билингки, гап-сўзи ҳам бамаъни ва интизомли бўлади. У ортиқча гапирмайди, гап-сўзи доимо ўринли ва мантиқан оқланган бўлади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, фикрдаги интизом тушунчаси унинг барча нормалар, қоидаларга кўр-қўрона бўйсунитишини англатмайди. Умумбашарий қадриятлар, ота-боболаримизнинг асрлар оша тўплаган бой маънавий мероси, ҳадисий маънодаги қимматли ахлоқ нормалари ва инсоний маданият тамойиллари бундан истисно. Лекин буюк кашфиётлар қандай юз берганлигини биласизми? Улар айнан «фикрий интизомсизлик», фикрдаги эркинликнинг оқибатидир. Тўғри, ҳар бир кашфиётчи фикрига эрк беришдан аввал ўзидан олдин ўтганлар моддий ва маънавий меросини яхшилаб ўзлаштирган.

Ҳақиқий эркинлик — бу тарбияланган ақлу заковатнинг шундай кучи, у аввало нарса ёки ҳодиса моҳиятини англатувчи тушунчаларни турли томондан, унинг барча қирралари, хусусиятлари нуқтаи назаридан таҳлил қила олиш қобилиятидир. Яъни, шундай ҳолат ва эҳтиёжлар бўладики, фикрни эркин ўз ҳолича қўйиб бериш лозим бўлади. Масалан, буюк алломаларимиз Ибн Сино, Мирзо Улуғбек, ал-Хоразмий, ал-Фарғонийлар ана шундай эркин фикрлаш соҳиблари бўлишмаганда, дунёни лол қолдирувчи кашфиётлар қилган бўлмасдилар. Ёки Колумб ўз вақтида ўзи яшаётган материкни ўрганиш билан чекланганда, Американи кашф этармиди?

Демак, агар инсон ўзигача яратилган кашфиётлар, илму фан янгиликлари моҳиятини билгач, уларнинг янгидан-янги очилмаган қирраларини бошқа томондан ҳам ўрганишга ўзида хоҳиш, тилак, кучли эҳтиёж ва малакалар ҳосил қилсагина, унинг фикри эркин ва ностандарт бўлиб, кашфиётлар қилишга қодир бўлади. Унинг ақли бошқача фикрлаш малакасини орттира бориб, бошқа одамларга нисбатан мустақил ҳукмлар чиқаришга ўрганиб боради. Бу эса илмий тафаккур ва ижодий камолот калитидир.

ТОПШИРИҚЛАР

1. «Интизомсиз, эркин ақл» билан Сиз ҳам ўртоқларингиз билан ХХI асрда адабиёт ва санъат соҳасида қандай ўзгаришлар бўлишини тасаввур қилингчи!
2. Космик кемада мувозанатсизлик ҳолатида ҳам шам ёнади? Ҳар хил жавоб вариантларини беринг.
3. Эрталаб ишга кетаётиб, фуқаро М. иш столини тартиб билан йиғиштириб кетган эди. Кечқурун келиб, стол усти ниҳоятда бетартиб, китоб-қоғозлар сочилиб ётганининг гу-

воҳи бўлди. У қандай хулосалар чиқариши мумкин деб ўйлайсиз?

4. Танаффус пайтида икки яноғи қип-қизил ёниб турган ўртоғингизни кўриб, ундаги бу ҳолатни ичингизда қандай баҳолайсиз?

Индукция ва дедукция. Фикр қотиб қолган, муаллақ, мавҳум ва қатъий интизомли нарсаси эмас. У доимо ҳаракатда бўлади. Унинг энг содда ҳаракат йўналишларидан индукция ва дедукцияни кўриб чиқсак.

Индукция фикрнинг жузъий, яқка алоҳида фикрлардан умумий фикр ва хулосаларга олиб келадиган ҳаракатидир. Бунда аниқ, асосли фикрлардан эҳтимолли ва ҳақиқатга яқин фикрлар келтириб чиқарилади. Масалан, 1 — оддий сон; 2 — оддий сон; 3 — оддий сон; демак, барча натурал сонлар — оддий сонлардир, деб хулоса чиқариш мумкин. Ёки бўлмаса, «Барча қимматбаҳо металллар зангламайди» деган ҳукмни олсак. Ундан кейинги ҳукм — «Олтин — қимматбаҳо металл» бўлса, аксинча, умумий фикрдан жузъий фикр келиб чиқади: «Олтин ҳам зангламайди». Бу дедукцияга мисол. Яъни, дедукция — умумий қоида ва қонунлардан алоҳида янги қонун ва фикрлар келтириб чиқаришдир.

Масалан, ёмғир пайтида ер намланади; ёмғир ёғяпти; демак, ер нам экан. Яна бошқа мисол: Агар кундузи бўлганда эди, қуёш чиққан бўларди; қуёш чиқмабди; демак, кундузи эмас экан. Биология тўғрарига қатнаётган беш ўртоғингизнинг ҳар бирининг «Хужайралар генетикаси» мавзуси бўйича жавобларини тинглаб, Сиз «Акмал жуда яхши жавоб берди», «Шавкат ҳам жуда яхши ўзлаштирибди», «Камола ҳам жуда яхши жавоб берди», «Наргиза ҳам жуда яхши тайёрланибди», деб фикрларингиз. Ана шу фикрлардан қандай умумий хулоса чиқариш мумкин? 1. Ҳамма «Хужайралар генетикаси» мавзусини яхши ўзлаштирган. 2. Биология ўқитувчисининг касб маҳорати юқори. 3. Тўғрақнинг барча аъзолари ўта интизомли ва тиришқоқ ва ҳ-зо. 4. Барча тўғрақ аъзолари шу мавзуга жуда қизиққанлар.

Дедуктив хулосалар чиқариш схемаси қуйидагича: «Агар А бўлса, демак, В; А; демак В» Мисол: «Агар одамнинг ҳарорати ошса (А), демак, у касалдир (В); одамнинг ҳарорати юқори (А), демак, у касал (В). Демак, дедукцияда доимо фикр асосланган бўлгани учун ҳам у доимо асосли, мантиқий фикрларни келтириб чиқаради. Индукциядаги юқорида берган мисоли-

мизда эса, ҳақиқат айнан бўлмаслиги ҳам мумкин. Масалан, ҳамма натурал сонлар ҳам оддий бўлавермайди, ёки яхши жавоб берган барча талабалар жавобига кўра, уларни айнан жуда яхши дарс ўзлаштиргани ҳақида гапириш мушкулроқ.

ТОПШИРИҚ

Индуктив ва дедуктив фикрлашга ҳар бирингиз 5 тадан мисоллар ўйлаб топинг ва уларнинг асосланганлик даражасини ўқитувчи билан муҳокама қилинг.

ҚҲЙИДАГИ МАШҚЛАРНИ МУСТАҚИЛ РАВИШДА БАЖАРИНГ:

1. Гофур Фуломнинг ҳамма шеърлари бадий жиҳатдан юксак маҳорат билан ёзилган.
«Сен етим эмассан» Гофур Фулом шеъридир.
Демак,
2. Ҳеч бир инсон хатосиз бўлмайди.
Бу шахс хато қилмоқда.
Демак,
3. Ҳар қандай организм учун озуқа керак.
Ҳар қандай озуқа учун ер керак.
Демак, ...

Асослаш ва умумлаштириш. Тафаккур жараёнидаги а с о с л а ш фикрни ифодаловчи сўзларнинг аниқ фактларда асосланишини назарда тутати. Қай турдаги фактларнинг асос бўлишига қараб, асосланишнинг уч хили фарқланади:

биринчидан, ҳиссий билишга кўра асосланиш. Бу бизнинг атроф-муҳитдан бизнинг бевосита сезги органларимиз орқали идрок қилинаётган маълумотларни асос қилган тарзда фикр юритишимиздир. Масалан, чиройли гулга қараб, «Бу гул — қизил» дейишимиз ўша предметнинг ҳиссан қизил эканлигини англашимизни асослашимиздир;

иккинчидан, *терминологик конвенциялар ёки келишувларга асосланиш* — бу конкрет сўзлар ёки ибораларнинг терминологик қабул қилинган ибораларни асос сифатида ишлатилишидир. Масалан, «Коррекция — бу тузатишдир», «Диспут — бу мунозара», «1 метр — 100 сантиметрдир» каби иборалар термин нуқтаи назаридан фанда ўзгармас моҳият касб этгани учун ҳам улар

фикрлашимиз давомида танқидсиз ва исботсиз ишлатилаверади;

учинчидан, *ҳақиқатга айланиб қолган бир неча жумлалар асосида янги бир фикрни асослаш ҳам кенг қўлланилади*. Айнан шундай фикрлаш янгича, оригинал фикрларнинг асосидир.

Асосланган фикрлар у м у м л а ш т и р и л а д и. Бундан бир қанча фикрлардаги энг муҳим ва умумий сифат ва хоссалар умумлаштириш оқибатида янги бир фикр ёки жумла ҳосил қилинади.

ТОПШИРИҚЛАР

Қуйидаги умумлаштирилган фикрларни мантиқий йўл билан исботланг:

1. Фалсафа донолик ҳақидаги таълимотдир.
2. Тафаккур тил билан узвий боғлиқ.
3. Халқ оммаси тарихнинг асосий яратувчиси, реал субъектидир.

Аналогиялар. Фикрлашда баъзан биз нафақат ақлий операцияларнинг ўзидан, балки хаёл ва фантазиялар маҳсулидан ҳам фойдаланамиз. Бундай фикр ҳаракати аналогия бўйича хулоса чиқариш дейилади. Масалан, ҳаётда бир кучли, иқтидорли ва зеҳнли психологни кўргансиз. У бир қарашда сизнинг барча ниятларингиз ва режаларингизни айтиб бериб сизни лол қолдирди. Бошқа бир вазиятда сизга яна бир психологни таништиришса, сиз албатта у ҳам сиз тўғрингизда батафсил маълумот бера олишига ишониб қоласиз. Демак, бир факт ва маълумот асосида бошқа ўхшаш объектларга ҳам шу сифатлар хос, деб хулоса чиқаришимиз энг кенг тарқалган аналогияга мисолдир.

АНАЛОГИЯ БЎЙИЧА ТОПШИРИҚЛАР

1. Ўсимликларнинг илдизи билан уст қисми, шохи ва япроғи ўртасидаги ўхшашликдан, жамият билан табиатнинг ўхшашлигига оид қандай қонуният кашф этилган?

2. И. Ньютон Ердаги жисмларнинг ҳаракати ва уларнинг юқоридан пастга тушиши билан осмон жисмлари ўртасидаги ўхшашликдан ва И. П. Павлов ҳайвон нерв системаси билан одам нерв системаси ўртасидаги ўхшашликдан қандай қонунлар кашф этишган?

Тушунчалар ва уларнинг қўплиги. Асосланган ёки аналогик фикрларимиз аслида конкрет тушунчалардан иборат бўлади. Т у ш у н ч а — бу нарса ва воқеаларга

хос бўлган энг муҳим ва ажратиб турувчи фикрларнинг миямиздаги аксидир, деб таъриф беришимиз мумкин. Тушунчалар доимо конкрет нарсаларга алоқадор бўлади. Тушунчалар инсон ҳаёти мобайнида унинг шахсий тажрибаси асосини ташкил этиб боради. Шунинг учун ҳам улар жуда хилма-хил ва бойдир. Масалан, «одам» тушунчасини олайлик. Унинг бошқа тушунчалардан фарқи шуки, бошқа бирор тушунча унга хос бўлган барча хоссаларни қамраб ололмайди. Яъни, онглилик, тафаккурга эгалик, маълум даврларда яшаш имконияти, нутқининг борлиги, ижтимоий меҳнат фаолияти ва ҳоказо хоссалар шу тушунча ичида мужассам. Ёки фан предметларининг ҳар бирининг ўзига хос тушунчалари борки, уларнинг моҳиятини ёритиш у ёки бу фаннинг предметини ташкил этади. Масалан, физика «ёруғлик», «иссиқлик», «куч», «масса» каби, биология — «Биосфера», «флора», «фауна», «хужайра», «органика» каби, психология — «шахс», «характер», «мотив», «фаолият» каби юзлаб тушунчалар доирасида ўз предметини ёритиб, янги фикр ва ғояларга йўл очади.

ТОПШИРИҚЛАР

1. Сиз ҳам тушунчалардан 100 тасини топиб, уларни гуруҳлаштиринг ва қайси предметлар доирасида ўрганилишини топинг.

2. Қуйидаги тушунчаларнинг муҳим ва умумий белгиларини топинг: 1. Студент. 2. Шаҳар. 3. Адабиёт. 4. Тарих. 5. Ҳуқуқ. 6. Ахлоқ. 7. Дарахт. 8. Санъат. 9. Маданият. 10. Уй.

Ҳукм чиқаришни биласизми? Айрим алоҳида тушунчалар ҳукмларга бирлашади. Шу нуқтаи назардан, ҳукм— фикрнинг шундай шаклики, унда тушунчалар ўртасидаги боғлиқликлар ва ўзаро алоқа акс этади. Мустақил фикр юритган одам аслида бир қанча ҳукмлардан ўзига хос янги, бошқача ҳукм чиқаради. Фикрнинг бу иши баъзан хулоса чиқариш ҳам деб аталади. Умуман, мантиқий фикр юритиш, тўғри хулосалар чиқаришга ўрганишни хоҳласангиз, «Мантиқ» номли китобни олиб, унда келтирилган барча машқларни ва кейинги бўлимда бериладиган машқларни мустақил равишда бажаринг. Масалан, юқорида келтирган мисоллар орасидан «одам» ва «онг» тушунчалари ўртасидаги боғлиқликнинг ўрнатилиши битта тўғри ҳукмни чиқаришга имкон беради, яъни, «Одам — онгли мавжудот». Ёки «шахс»нинг моҳиятини тўла англаш учун «жамият», «муносабат», «ижтимоий» тушунчалари ўртасида

боғлиқликни ўрнатиб кўрамиз. Шунда бизда қуйидаги ҳукм келиб чиқади: «Шахс — жамиятнинг онгли аъзоси бўлиб, у ижтимоий муносабатларнинг маҳсулидир».

Ҳукмлардаги фикрлар тасдиқ шаклида ёки инкор шаклида, объектив, тўғри ёки хато, нотўғри бўлиши мумкин. Масалан, «Темир қаттиқ жисмдир» десак, бир фикрни ҳам тасдиқлаяпмиз, ҳам ҳақиқий, тўғри нарс ҳақида фикрлаётган бўламиз. Агар «Ит судралувчилар оиласига киради» десак, нотўғри, хато фикрлаган бўламиз. «Акмал имтиҳонга тайёргарликсиз келди» — инкор қилувчи фикр ҳисобланади.

Шундай қилиб, х у л о с а л а р :

1. Ҳар қандай фикр аслида исбот талаб қилмаса-да, тўғри ва ноёб фикрни доимо асослаш, мантиқан ривожлантириш учун фактларга асосланишини таъминлаш керак.
2. Мантиқдаги «интизом» тушунчасининг икки хил моҳиятини ажратинг ва иккаласининг ҳам ижобий томонлари борлигини унутманг.
3. Умумлаштириладиган фикрларингизнинг доимо асосланиши лозимлигига эътибор беринг.
4. Фикрингиздаги барча ҳаракат йўналишларини аниқ билинг ва мантиқан фикрлаётганда, уларга амал қилинг. Демак, бу — дедукция, индукция, умумлаштириш, таққослаш ва хулосалар чиқариш.
5. Аналогияга кўра фикрлашни ҳам машқ қилиб туринг, бунда кўрқмай, ижодий ҳаёлингиз маҳсулларидан фойдаланинг.
6. Ҳамиша тўғри ҳукмлар чиқаришга одатланинг, бунинг учун барча фанлар ютуқлари асосида ишлаб чиқилган тушунчалар моҳиятини билинг ва ўринли ишлатинг.

ТОПШИРИҚЛАР

1. «Илм», «зиё», «китоб», «ҳаёт», «муҳаббат», «ёшлар», «Ватан», «иймон» тушунчаларидан фойдаланиб, 5-10 тагача ҳукмлар чиқаринг.

2. Қуйидаги фикрларнинг тасдиқ ёки инкор эканлигини мантиқий таҳлил қилинг: А) Фалсафа ва дин дунёқарашнинг тарихий шаклидир. Б) Озиқли от ҳоримас (ўзбек халқ мақоли). В) Табиат ҳимоясиз эмас. Г) Ўзбекистон — келажаги буюк давлат. Д) Зўравонлик билан адолат ўрнатиб бўлмайди.

Билим шунда ҳақиқий билимга айланади, қачонки, у хотира кучи билан эмас, балки ўз фикр кучи билан эришилган бўлса.

Л. Толстой

МАНТИҚИЙ ФИКРНИНГ СИФАТЛАРИ

Мустақил фикрлаш сифатлари. Фикрларимизнинг доимий ҳаракатда, динамикада бўлишига келишиб олдик. Демак, ҳар қандай тафаккур жараёнининг муваффақиятли кечиши учун асос ёки бошланғич нуқта — чизиқ ролини ўйновчи уч гуруҳ сифатларни ажратиш мумкин:

1. Элементар тафаккур жараёнларининг шаклланганлиги — яъни, таҳлил қилиш, анализ, синтез, таққослаш, муҳим жиҳатини ажратиш;

2. Тафаккурнинг фаоллиги, унинг эркинлиги, яъни ностандарт ғояларнинг туғилиши жараёнидаги эркинлик ва бир ғоядан иккинчисига ўтишдаги эгилувчанлик;

3. Тафаккурнинг ташкилланганлиги ва мақсадга йўналганлиги, бошқача қилиб айтганда, ҳар бир инсон томонидан ўз тафаккур қилиш ёки фикрлаш жараёнига хосликни англаш ва уни назорат қилиш.

Фикрлаш малакаларига йўл. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, юқорида ажратилган уч гуруҳ сифатларнинг йўқлиги кўпинча мактабда ўтиладиган фан предметларини ўзлаштирмаслик ва янги қийинроқ материални тушунмасликка олиб келади. Шунинг учун ҳам биз қуйида таклиф этадиган машқларимиз Сиздаги мантиққа бўйсунган тафаккур ва унинг доирасида эркин мулоҳазаларга бориб, масалаларга турлича ёндашишингиз даражасини аниқлаб, фикрлашингизни янада яхшилашга ёрдам беради.

Биз таклиф этган ва шунга ўхшаш мисоллар билан ҳафтасига камида бир соатдан икки марта шуғулланиб турсангиз, борган сари машқларни ечиш малакангиз ортиб бораётганлигини сезасиз. Шунинг ёддан чиқармангки, масалалар ёки машқлар нафақат ўқув предметлари доирасида, балки барча муаммо ва топишмоқларга хос бўлиши ҳам мумкин.

Бундай машғулотларнинг самарадорлиги энг аввало Сизнинг ўзингизга боғлиқ. Самара кўпроқ якка ҳолда ечадиган мисолларингиз сони билан эмас, балки курсдош ёки синфдош ўртоқларингиз билан гуруҳ шароити-

да ҳал қилиш билан боғлиқ. Чунки, камида 3—4 киши бўлиб бу машқларни ечиш ва ечимлар билан ўзаро ўртоқлашиш ҳар бирингизнинг фикрлаш «диапозонингизни» — доирангизни кенгайтиради ва ҳар бир масаланинг бир эмас, балки бир неча ечими бўлиши мумкинлигига амин бўласиз.

Қуйида таклиф этилаётган топшириқларда ягона битта тўғри жавобнинг бўлиши мумкин эмас, Сиз мантиқан фикр ёритиб, ўзингизга маъқул ва сизнингча тўғри барча жавоблар вариантини таклиф этишингиз, сўнгра уларни ўртоқларингизники билан солиштириб кўришингиз мумкин. Лекин топшириқларни ечишга киришишдан аввал ҳозирги дақиқадаги ўз ақлий салоҳиятингизни тестлар ёрдамида аниқлаб кўрсангиз.

ТЕСТ ВА ТОПШИРИҚЛАР

1-т е с т. МАНТИҚИЙ ТАФАККУРИНГИЗНИ АНИҚЛАНГ.

«Сонлар қаторидаги қонуниятлар». — Қуйида берилган 7 қатордаги сонлардаги қонуниятларни аниқлаб, етишмаётган сонни топиб ёзинг. Сизга берилган вақт — 5 дақиқа.

Сонлар қатори

1)	24	21	19	18	15	13	—	—	7	
2)	1	4	9	16	—	—	49	64	81	100
3)	16	17	15	18	14	19	—	—		
4)	1	3	6	8	16	18	—	—	76	78
5)	7	16	19	5	21	16	9	—	4	
6)	2	4	8	10	20	22	—	—	92	94
7)	24	22	19	15	—	—				

Фикрларингизнинг самараси тўғри топилган сонлар миқдори билан ўлчанади. Катталар учун бу шароитдаги норма — 3 ва ундан ортиқ тўғри топилган сон. Агар ундан кам ёки учта бўлса, демак, сиз биз таклиф этаётган мантиқий ўйинлар, топшириқлар ва машқларга кўпроқ эътибор бериб, тафаккурингизни тарбиялашингиз керак бўлади.

1-м а ш қ. БОҒЛОВЧИ ЗВЕНОЛАРНИ ТОПИШ.

Икки хил предмет берилади, масалан, «белкурак» ва «автомобиль». Шундай предметни топиш керакки, у иккаласи учун ҳам маълум жиҳатдан боғлиқлик томони бўлиб, бирини иккинчисига гўёки «боғлаши» керак. Масалан, ҳозирги мисолда жавоб «экскаватор» бўлиши мумкин. Чунки экскаватор белкурак билан функционал жиҳатдан боғланган, у ҳам

човлаб олади; автомобиль билан эса транспорт воситаси сифатида боғланади. Яна бир тушунча ҳам бор — «ишчи», у ҳам белкуракни ишлатади, ҳам автомобильни бошқариши мумкин ва ҳ-зо. Шунга ўхшаш мисоллар кўп бўлиши мумкин. Ёки бўлмаса, яна бир мисол: «йўлбарс» ва «қалам» сўзларини битта тушунча ёки фокусда бирлаштиришни биласизми? Унинг ечими шундай бўлиши мумкин: «йўл-йўл қалам», яъни сифат иккала сўзни бирлаштирмоқда.

Шунга ўхшаш ўйинлар нарс ва ҳодисалар ўртасидаги боғлиқликларнинг турли қирраларини тасаввур қилиш ва мантиқий фикрлаш орқали ностандарт ечимларни топишга имкон беради.

Уйга вазифа: Куйида берилган сўзлар жуфтликлари ўртасидаги боғловчи янги тушунчаларни топинг:

- «қозон» — «денгиз»
- «кўприк» — «атлас»
- «хўроз» — «осмон»
- «пайпоқ» — «қалампир»
- «маймун» — «сандиқ»

Уйда топган сўзларингизни гуруҳдошларингизники билан албатта солиштириб кўринг.

2-м а ш қ. САБАБИЙ БОҒЛИҚЛИК ВА МАНТИҚ.

Хаётда бирор воқеа ёки ҳодисанинг гувоҳи бўлиб қолсак, унинг сабабини (ёки сабабларини) қидира бошлаймиз ва ўзимиз учун маълум хулосаларга келгач, кўнглимиз таскин топади. Масалан, уйга бирор ердан қайтиб келиб, эшикнинг ланг очиқлигини кўрдингиз. Хаёлингиздан нималар ўтади? «Наҳот эшикни ёпишмади экан?», «Қароқчилар кириб олишган бўлса-я» ва шунга ўхшаш.

Шунга ўхшаш ўйинлар ҳам сизнинг фикрлаш жараёнингизни асосли ва серқирра бўлишига ёрдам беради. Воқеаларнинг сабабларини қанчалик кўп топсангиз, шунчалик муаммони ечиш ёки уни ечолмасликдан хавотирланиш кам бўлади.

Топшириқ: а) йўлда кетаётиб, йўл четида беҳол ётган кишини кўриб қолдингиз. Сизнинг хаёлингизга нималар келади-ю ва сиз нима қиласиз?

б) Коридорда пол устида тилла узук кўриб қолдингиз. Сиз: «Ие, бу нима бўлди...?»

в) Бир одам бошқа бир одамга кутилмаганда жуда кўпол муносабатда бўла бошлади. Бу ҳолатнинг сабаблари алгоритмини тузинг.

3-м а ш қ. АЛГОРИТМ БЎЙИЧА МАЪЛУМОТ ТЎПЛАШ.

Маълум нарсалар ҳақида сўзлар эканмиз, биз одатда ўша воқеа-ҳодисанинг умумий алгоритмини туза бошлаймиз. Алгоритмлар турлича бўлиши мумкин, масалан, факт (асос) — сабаб — рўй берган ҳодисалар, — ўхшашликлар ва таққослаш — оқибат. Нима бўлганда ҳам ҳар биримиз тахминан ана

шундай бирин-кетинликда рўй берган ҳодисаларнинг тагига етишга ҳаракат қиламиз.

Ўз вақтида Цицерон қўллаган алгоритмдан ҳам фойдаланиш мумкин: «ким — нима — қарда — нима билан — нима учун — қандай қилиб — қачон?» Тахминан шу йўсинда ҳар бирингиз ҳам ўз алгоритмингизни тузиб чиқишингиз мумкин. Бу айниқса, келажакда ҳуқуқшунос бўламан, раҳбар бўламан деган, сиёсатчи бўлишни орзу қилган, кўйингки, умуман инсонлар тақдири билан қизиққан одамлар учун жуда муҳимдир. Шунинг учун, баъзан табиий офатлар туфайли рўй берган ҳодисалар таҳлиliga аниқ алгоритмлар ишлаб чиқиш қийин, қолаверса, бундай шароитларда «ким» ва «нима учун» бўғинларини таҳлил қилиш умуман ноўрин ҳисобланади.

Бирор конкрет ҳодисанинг алгоритмини тузиш учун аввал ана шу муҳим бўғинлар алоҳида карточкаларга ёзиб олинса, ва кейин ҳар бири бир неча маротаба мантиқийлик нуқтаи назаридан ҳолис баҳоланса яхши бўлади.

Вазифа: Ҳаётдан бирор мисол топиб, ўзингиз мустақил равишда унинг алгоритмик бўлакларини таҳлил қилиб, ўртоқларингиз билан муҳокама қилинг.

2-т е с т. «МУҲИМ БЕЛГИЛАРНИ АЖРАТИНГ».

Ҳар бир қаторда битта сўз қавслар ташқарисида ва бешта сўз қавслар ичида берилган. Қавс ичидаги барча сўзлар ташқаридагига маълум бир жиҳатдан боғланган. Сиз аҳамиятли боғлиқликка эга бўлган иккитасини ажратинг ва унинг остига чизинг.

1. Боғ (ўсимликлар, боғбон, кучук, девор, тупроқ);
2. Дарё (қирғоқ, балиқ, балиқчилар, сув, қайиқ);
3. Шаҳар (автомобиль, бино, омма, кўча, велосипед);
4. Омборхона (хашак, отлар, том, мол, девор);
5. Куб (бурчаклар, чизма, томонлар, тош, дарахт);
6. Бўлиш (синф, бўлувчи, қалам, бўлинма, қоғоз);
7. Доира (диаметр, олмос, илтимос, айлана, муҳр);
8. Ўқиш (кўзлар, китоб, расм, муҳр, сўз);
9. Газета (ҳақиқат, илова, телеграмма, қоғоз, муҳаррир);
10. Ўйин (харита, ўйинчилар, жарима, жазо, қоида);
11. Уруш (аэроплан, пушқалар, жанг, қурол, солдатлар)

Топшириқлардаги сўзлар шундай қилиб танланганки, сиз уларда — жузъий, бир қарашда муҳимдек кўринган белгини эмас, балки энг муҳимини мавҳум ҳолда ажратиб олиш қобилиятингизни синаб оласиз. Шунинг учун қобилиятингизни баҳолаш учун ҳар бир топилган тўғри белгилаган сўз учун бир баллдан кўйинг. Агар 8 тадан кам тўғри сўз белгилаган бўлсангиз, демак, Сизга мантиқийлик дарслари керак, яъни мантиқий тафаккурни ўстиришга қаратилган машқларни кўпроқ бажаришингиз лозим. Агарда Сиз 8 баллдан 14

баллгача тўплаган бўлсангиз, ўртача кўрсаткични қўлга киритдим, деяверинг. Демак, мантиқий фикрлаш билан шуғулланиб туришингиз керак. Агар 15 баллдан ортиқ бўлса, яхши кўрсаткич, шу йўсинда ўз иқтидорингизни ўстириб бориш чораларини кўраверинг.

4-м а ш қ. «ОРТИҚЧАСИНИ ЧИҚАРИБ ТАШЛАНГ».

Масалан, учта сўз олинади: «кучук», «помидор» ва «қуёш». Вазифа шундан иборатки, шу сўзлар ичидан шундайини чиқариб ташлаш керакки, у қолган иккитаси билан муҳим бир умумийлиги бўлмасин. Умумийликни билдирувчи ва унинг йўғлигини исботлаш учун имкон даражада кўп асослар, сабаблар топиш керак. Масалан, шу мисолда агар «кучук» сўзи ортиқча бўлса, унинг ортиқчалигини исботловчи бир қанча асосларни топиш керак. Ўйиннинг моҳияти шундаки, битта жавобда тўхтаб қолмаслик керак, бир неча предметнинг турли сифатларини эслаган ҳолда улардаги муҳим ва номуҳим барча сифатларни таққослаш — мантиқий тафаккурнинг асосидир.

5-м а ш қ. БЕРИЛГАН БЕЛГИЛАР БЎЙИЧА ПРЕДМЕТЛАРНИ ТОПИШ.

Вазифа шундан иборатки, олдиндан белгиланган сифат ёки белгиларга бирдан эга бўлган предметлар номини топиш керак. Масалан, «Шундай предметларни топингки, улар бир вақтнинг ўзида қарама-қарши вазифаларни бажарсин, мисол учун эшикка (ҳам очади, ҳам ёпади), электр чироғи тугмасига ўхшаш (ҳам ёқади, ҳам ўчиради).

Бу ўйин турли бир-бирларига ўхшамаган предметлар ўртасида аналогия — ўхшашлик бирлигини мантиқан тушунишга, айни предметларнинг хоссаларини тўлароқ англашга ёрдам беради. Шундай предметлардан 10 тадан топинг.

6-м а ш қ. ПРЕДМЕТЛАРНИ ҚўЛЛАШ УСУЛЛАРИ.

Бунда масалан, сизга жуда таниш бўлган бирор предмет, мисол учун «китоб» айтилади. Шу предметни ҳаётда қўллашнинг барча усуллари санаб чиқиш керак: ўқиш мумкин; бирор ниманинг тагига қўйиш мумкин; ёзган мактубингизни унинг ичига солиб қўйиш мумкин; стол устидаги бирор нарсани яшириш учун унинг устига қўйиб қўйиш мумкин ва ҳоказо.

Бу ўйин фикрни бир предмет устида шунда тўплайдики, уни турли қутилмаган вазиятлардаги қай даражада фойдали эканлигини англашингиз мумкин бўлади. Айниқса, бундай ўйинлар ўртоқлар билан мусобақа тарзида уюштирилиб ўйналса, яна ҳам яхши бўлади.

Қуйидаги сўзлар учун имкон борича кўп қўллаш усуллари-ни топинг: «қалам», «ойна», «қутича», «резина копток», «пайпоқ», «гул», «қаймоқ», «қоғоз», «кўрпача».

3-т е с т. «МУРАККАБ АНАЛОГИЯЛАР».

Сизга мавҳум тарзда ўзаро боғланган 20 та жуфт сўзлар қатори берилган. Юқори квадратда эса «Шифр» белгиси билан 6 жуфт ўзаро боғлиқ сўзлар берилган. Пастдаги жуфтликлар ўртасидаги мавҳум боғлиқликни топгач, уни юқорида квадрат ичидаги нечанчи жуфтликдаги белгига мос келишини, мос сонларни доирага олиш йўли билан белгилаш керак. Масалан, биринчи пастдаги жуфтлик «Қўрқув — қочиш», бўлиб, улар ўртасидаги мавҳум боғлиқлик квадратдаги «5» жуфтлик хоссасига тўғри келади, яъни, «Заҳарланиш — ўлим», демак, биринчи қаторда «5» сонини доирага оласиз. Шундай тартибда қолганларни ҳам давом эттиринг. Вақт — 3 минут. Тўғри топилган жавоблар сонига кўра қобилият баҳоланади.

- | |
|-------------------------|
| 1. Қўй — пода |
| 2. Малина — мева |
| 3. Денгиз — океан |
| 4. Ёруғлик — қоронғулик |
| 5. Заҳарланиш — ўлим |
| 6. Душман — нияти бузуқ |

- | | |
|--------------------------------------|-------------|
| 1. Қўрқув — қочиш | 1 2 3 4 5 6 |
| 2. Физика — фан | 1 2 3 4 5 6 |
| 3. Тўғри — ҳақ | 1 2 3 4 5 6 |
| 4. Эгач — чорбоғ | 1 2 3 4 5 6 |
| 5. Жуфт — икки | 1 2 3 4 5 6 |
| 6. Сув — жумла | 1 2 3 4 5 6 |
| 7. Тетик — бўшашган | 1 2 3 4 5 6 |
| 8. Эркинлик — ирода | 1 2 3 4 5 6 |
| 9. Давлат — шаҳар | 1 2 3 4 5 6 |
| 10. Мақтов — сўкиш | 1 2 3 4 5 6 |
| 11. Қасос — ёнгин | 1 2 3 4 5 6 |
| 12. Ўн — сон | 1 2 3 4 5 6 |
| 13. Йиғламоқ — додламоқ | 1 2 3 4 5 6 |
| 14. Боб — роман | 1 2 3 4 5 6 |
| 15. Сокинлик — нафас | 1 2 3 4 5 6 |
| 16. Дадиллик — қаҳрамонлик | 1 2 3 4 5 6 |
| 17. Салқин — қаҳратон | 1 2 3 4 5 6 |
| 18. Ёлғон — ишончсизлик | 1 2 3 4 5 6 |
| 19. Куйлаш — санъат | 1 2 3 4 5 6 |
| 20. Сандиқча — жавон | 1 2 3 4 5 6 |

Тўғри жавобнинг нормаси — 5 ва ундан ортиқ бўлиб, ундан кам бўлса, мантиқийликни ўстириш бўйича бериладиган барча машқларни мустақил бажаришга тўғри келади.

7-м а ш қ. «АНАЛОГЛАРНИ ҚИДИРИШ».

Маълум бир предметнинг номи айтилади, масалан, «вертолёт» сўзи. Шу предметга маълум белгилари билан яқин бўлган иложи борица кўп предметлар номи санаб чиқилади. Айтилган предметлар яна ўз навбатида ўзаро умумий бир хоссалари нуқтаи назаридан яна гуруҳларга бўлиниши мумкин. Масалан, «вертолёт»га яқин тушунчалар — «қуш», «капалак» (учади ва қўнади); «автобус» ва «поезд» (транспорт воситалари); «бурама» ва «совутгич» (муҳим қисмлари айланади) ва ҳ-зо.

Бу ўйин нафақат ҳар бир предметдаги муҳим белгиларни ажратиш, уларга мос бошқа бир предметларни топиш, балки предметларни муҳим хоссаларига кўра классификация қилишга ҳам имкон беради.

8-м а ш қ. «ҚАРАМА-ҚАРШИ ПРЕДМЕТЛАРНИ ТОПИШ».

Бирор предмет ажратилади, масалан, «уй». Бу тушунчага қарама-қарши бўлган барча бошқа предметлар ном-ном айтиб чиқилади. Уларнинг қайси сифатлари айнан тўғри келмаслиги ҳам аниқланади. «Уй» мисолида: «омбор» — катталиги ва қулайликнинг йўқлиги тўғри келмайди; «дала» — очиқ ёки ёпиқ фазовий бўшлиқ; «вокзал» — бировларники ва баъзан борилади. Бу ўйин ҳар бир келтириладиган далилларнинг аниқ ифодаланиши, турли предметлардаги турли белгиларни аниқлашни ва шу билан биргаликда улардаги умумийликдаги фарқларни ажратишга ёрдам беради.

Шунга ўхшаш предметлардан 20 тасини ўзингиз танлаб, уларга қарама-қарши бўлган предметларни ёзиб чиқинг.

9-м а ш қ. «ЖУМЛАЛАР ТУЗИШ».

Бунинг учун таваккал учта сўз олинади ва улар ёрдамида қанча бўлса, шунча янги жумлалар тузилади, жумлаларда албатта мантиқ бўлиши шарт эмас. Масалан, бу шундай учта сўз бўлиши мумкин: «кўл», «қалам», «айиқ». Жумлалар янгидан тузилса, мана бундай бўлиши мумкин; 1. «Айиқ қаламни кўлга чўктириб юборди»; 2. «Бола кўлига қалам олиб, кўлда чўмилаётган айиқ расмини чизди»; 3. «Қаламдай нозик бола, айиқдай пишқириб турган кўл бўйида турарди» ва шунга ўхшаш.

Сиз ҳам давом эттириб, янги жумлалар тузиб кўринг-чи!

10-м а ш қ. «УМУМИЙЛИКНИ ТОПИШ».

Таваккал тарзда иккита бир-бири билан унчалик боғланмаган сўзлар олинади. Ана шу икки сўзлар ўртасида имкон борица кўп боғлиқликни таъминловчи тушунчаларни ёзиш керак. Масалан, «ликоп» ва «қайиқ» сўzlари. Бу сўзларга шундай умумийликларни топиш мумкин: «инсон кўли билан

яратилган», «чуқурлик ери бор» ва бошқа. Сиз ҳам шу иккала сўзларга ўхшаш умумийликларни топинг, улар жуда бошқача, фантастик, кулгили, ностандарт бўлса, яна ҳам юқори баҳоланади.

11-м а ш қ. «ТАЪРИФЛАШ».

Бирор таниш предмет ёки ҳодисани ифодаловчи сўз айтилади. Масалан, «тешик» сўзи. Шу сўз — тушунчанинг муҳим белгиларини ўз ичига олган ҳолда таърифлаб бериш керак. Бу топшириқ Сизга фанлардан керак бўладиган таърифларни ёдлаш малакасини ўстириш, энг муҳим жиҳатлар ўртасидаги боғлиқликларни англашга, фикрингизда тартиб бўлишига эришишга ёрдам беради.

12-м а ш қ. «ФИКРНИ БОШҚАЧА СЎЗЛАР БИЛАН ИФОДАЛАШ».

Бунинг учун бирор оддийгина, жўнгина жумла олинади, масалан, «Бу йил ёз иссиқ бўлади». Вазифа нимадан иборат? Шу жумладаги фикрни, унинг моҳиятини ўзгартирмаган ҳолда бошқа сўзлар воситасида ифодалаш керак. Бунда илгариги сўзларнинг бирортаси ҳам иштирок этмасин. Мисол: «Кузгача роса куйдиради, шекилли?».

Бу ўйин мустақил равишда эшитган ва кўрган нарсаларингиз хусусида ўз қарашларингизни ифода этиш қобилиятларингизни ўстиради; бунда ўзбек тилимизнинг бой имкониятларини тўла намоён этиш имконини сезасиз. Чунки кўпинча биз ўзгалар фикрини тушуниш учун уни «ўз тилимизга ўгирамиз, кейин тушунамиз». Демак, бу ўйин биздаги «ижтимоий тафаккурни» ривожлантиради, турли мураккаб вазиятларда ҳолатдан чиқиб кетиш учун сўзлардан ўринли фойдаланиш, ўз фикримизни ҳимоя қилишга ўргатади.

ТАФАККУРНИ РИВОЖЛАНТИРУВЧИ ЎЙИНЛАР, МАШҚЛАР ВА МЕТОДИКАЛАР

(Ўқитувчи билан биргаликда бажариладиган машқлар)

1. ТАФАККУРНИНГ РИГИДЛИГИ

Ушбу методика тафаккурнинг эгилувчанлигини аниқлаш ва ривожлантиришга мўлжалланган бўлиб, унга қарама-қарши бўлган хусусият — тафаккурнинг ригидлигидир. Уни ўтказиш учун секундомер ва бир неча машқлар керак.

Ўқувчиларга ечиш учун 10 та оддий арифметик мисол берилади.

Мисоллар номери	Мисол шарти	Идишдаги суюқлик (литр)		Зарур бўлган суюқлик
0	—	29	3	20
1	14	59	10	25
2	14	163	25	99
3	28	43	10	5
4	31	61	4	22
5	18	59	7	27
6	23	49	3	20
7	15	39	3	18
8	28	76	3	25
9	28	48	4	12
10	14	36	8	6

Ўқувчиларга қуйидаги йўриқнома берилади: «берилаётган мисолларда уч хил катталиқдаги идишларда зарур бўлган суюқликни ўлчаш зарур. Мисолларни кетма-кетликда ечинг, ҳар бир мисолга 2 минут вақт берилади. Агар 2 минут ичида еча олмасангиз, кейинги мисолга ўтиб кетаверинг. Масалан, 1-мисолни ечиб кўрамиз: 14, 59, 10 л катталиқда идишлар бор. Сиз 25 л суюқликни ўлчашингиз лозим. Идишда ҳеч қандай ўлчамни кўрсатувчи белгилар мавжуд эмас. Демак, 25 л суюқликни ўлчаш учун 59 литрли идишдан 2 марта 10 литрдан ва 1 марта 14 литр суюқлик қўшиб оламиз: $59 - 10 - 10 - 14 = 25$ л.

Болалар! Ушбу мисолларни ечаётганингизда сиз образли қилиб ушбу суюқликларни қандай ўлчашингизни кўз олдингизга келтиришингиз лозим. Сизга берилган идишлар ёрдамида эса сиз тежамкорлик билан мисолни ечишингиз мумкин.

Ушбу методикани ечиш жараёни икки қисмдан: 1-5 мисоллар — йўналиш берувчи ва 6-10 мисоллар муаммоли бўлиб, уларнинг шундай деб аталишининг сабаби уларнинг осон ва мураккаб усулда ечилишидадир. Масалан: 6-мисол. Мураккаб: $49 - 23 - 3 - 3 = 20$; $23 - 3 = 20$ эса оддий усул. Ва ниҳоят, 8-масалада битта оддий ечим мавжуд бўлиб у индикатор масала деб аталади. У эса лакмус қоғозидай ўқувчилар тафаккурининг ригидлигини намоён қилади. 6-7 масалани мураккаб йўл билан ечиш ўқувчиларни берилган йўлланмага тез берилувчанлигини намоён қилса, 9-10 масалаларни мураккаб

йўл билан ечиш эса йўлланмани мустаҳкамлигидан далолат бериб, 8-масаланинг ечилиш ёки ечилмаслиги тафаккурнинг индикатори бўлиб хизмат қилади.

Ушбу масалалар ечилгач, ечимларнинг таҳлили ўтказилиб, мураккаб ва оддий йўл билан ечилган масалалар ажратилади. Масалан, ўқувчи 6-дан 10-масалагача 6, 7-масалани мураккаб йўл билан ечган бўлса, қолганини эса оддий йўл билан ечган. Биз Сизнинг тафаккурингизнинг ригидлиги 40% га тенг эканлигини аниқлаймиз.

Бунда:

6-муракка	} - 100%ни
7-муракка	
8-оддий	
9-оддий	
10-оддий	

ташкил этади. (% ҳисобида ригидликни аниқлаш биз томонимиздан киритилган — У.Э.З.) Китобда ушбу методикага бошқачароқ ишлов берилади, яъни 8-масалани ечган ўқувчилар флексибин тафаккурга ва ечмаганлар ригидлик гуруҳига кирадилар.

2. ИЖОДИЙ ТАФАККУР

Ўқувчиларда ижодий тафаккурни шакллантиришда ижодий вазифалар ёки масалаларни бериш билан бирга ёрдамчи топшириқни ҳам бериш яхши самара беради. Қуйида келтирилган методикамизда ижодий масалаларни ечишда ёрдамчи топшириқларнинг аҳамиятини кўришимиз мумкин.

Топшириқни бажариш жараёнида ўқувчилар контроль ва тажриба гуруҳларига бўлинадилар. Тажриба гуруҳларидаги ўқувчилар 6 та гугурт чўпидан 4 та бир хил катталиқдаги учбурчакларни ясашлари лозим. Контроль гуруҳ ўқувчиларига эса маълум миқдордаги гугурт ёки сигарет қутичаларини маълум бир майдонга тахлаш топшириғи берилади. Топшириқни бажариб бўлгач, топшириқлар бир-бири билан алмаштирилади.

Тажриба гуруҳининг ўқувчилари гугурт чўплари билан етарли даражада бош қотиришгач, уларда топшириқни тўғри ёки нотўғри ечишгани бўйича шубҳа туғилиши мумкин бўлиб турган пайтда уларга гугурт қутичалари билан ечиладиган топшириқ топширилади. Иккинчи топшириқ ечилгач, яна биринчи топшириққа қайтилади. Бу методика ўз ўрнида берилган тўғри йўлланманинг роли ниҳоятда катта эканлигини кўрсатади.

А. Я. Пономарев тадқиқотларидан олинган натижалар шуни кўрсатадики, аввал муваффақиятсиз бўлган топшириқ қўшимча, мустаҳкамловчи топшириқни қизиқиш тугамасдан аввал берилиши билан ечими муваффақиятли топилаётган топшириқни ечиш мумкинлигини кўрсатган. Олинган натижаларни қайта ишлашда у ёки бу топшириққа кетган вақт ҳисобга олинади. Бунда тажриба гуруҳидаги ўқувчиларни биринчи топшириқни қўмакчи топшириқдан аввал ечиш учун кетган вақт ва иккинчи топшириқдан сўнг қайта биринчи топшириққа кетган вақт ҳисобга олинади.

Олинган натижаларни қуйидаги жадвалга жойлаштириш мумкин:

Гуруҳлар	тажрибада иштирок этувчилар	иждодий топшириқ вақти		қўмакчи топшириқ вақти		солиштириш натижалари
		ҳажми	% ҳис.	ҳажми	% ҳис.	
Тажриба гуруҳи						
Контроль гуруҳ						

Ушбу методика интуициянинг ривожланиши, ҳамда асосни топиб, мураккаб муаммоларни ечиш хусусиятини ривожлантириш имкониятини беради.

3. «9 ТА НУҚТА» МАСАЛАСИ

Кундалик ҳаётимизда мураккаб вазифа ёки топшириқларга дуч келганимизда топшириқда берилмаган кўрсатмалар ҳақида фикр юритиб ҳам кўп ҳолларда муаммоларга дуч келиб қоламиз.

Қуйида келтирилган масала ўқувчиларни сунъий тўсиқларни юзага келтирмасликни ўргатади. Бунинг учун эса берилган топшириқ кўрсатмасини диққат билан эшитиш лозим. Ўқувчиларга қуйидаги топшириқ берилади:


Ушбу



1-р а с м.

9 та нуқтани шундай 4 та чизиқ билан бирлаштирингки, бирлаштириш жараёнида қўлингиз узилмасин, иккинчи бор чизиқдан чиқмасин».


Тахминан бу 2-расмдаги очиқ конвертда ифодалангандай бўлиши мумкин.



2-р а с м.

Ундан сўнг ўқувчиларга олдиндан тайёрлаб қўйилган 20 та бланк берилади. Унда 9 та нуқта ифодаланган бўлиб, протоколда ҳар бир уринишнинг вақти қайд қилиб борилади.


Текширилувчи 15 минут вақт ичида белгиланган тартибдаги уринишларни қилгач, масалани еча олмаса, унга қўшимча ёрдам берилади; яъни квадратдан четга чиқиш тавсия этилади. Бу ёрдамда қайси чизиқ четга чиқиши кераклиги аниқ кўрсатилмайди. Агар бу ёрдам ҳам масалани ечишга кўмак бермаса, иккинчи ёрдамга киришилади ва «3-расмдагига ўхшаш жавоб топишга ҳаракат қилинг» дейилади.



3-р а с м.

Берилган 5 минутдан сўнг масала ўз ечимини топади (4-расм).

Ечим:



4-р а с м.

4. ТАФАККУР ЖАРАЁНИДА ТАСАВВУРЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Баъзи бир масалаларни ечишда тасаввурларнинг роли жуда катта бўлади. Зеро, баъзан бир масалани ечишда тасаввурнинг аҳамияти катта бўлса, бошқа ҳолатларда вербал нутқий-мантиқий хулоса чиқаришда тасаввурларга тўғри суяниш яхши самараларни беради. Қуйида биз иккита масалани келтирамыз.

1-масала:

Китоб жавонида бир авторнинг 2 томлик китоби турибди. Биринчи том — 300 бет ва иккинчи том 200 бетдан иборатдир. Шкафда китоб қурти пайдо бўлиб биринчи томнинг биринчи бетидан иккинчи томнинг охириг бетиғача тешиб қўйган. Китоб қурти китобларнинг нечта бетини тешиб қўйган?

2-масала:

А шаҳардан Б шаҳарғача 120 км. А шаҳардан Б шаҳарга 30 км/с тезлик билан поезд йўлга чиқди. Б шаҳардан А шаҳарга эса бир вақтнинг ўзида қалдирғоч 60 км/с тезлик билан учиб чиқди. У поездғача учиб бориб, яна шаҳарга қайтиб келди. Қалдирғоч Б шаҳарга етиб бориб, яна поезд томонга қайтиб учиб кетди ва яна бир бор шаҳарга қайтиб ва яна поезд томонга учиб борган. Поезд Б шаҳарга етиб боргунча қалдирғоч бир неча бор А ва Б шаҳарнинг ўтасида учиб ўтган. Қалдирғоч неча км йўлни учиб ўтган?

Биринчи масалани ечишда тасаввур муҳим аҳамиятга эга. Бу масалани китобларни жавонда қандай турганини аниқ тасаввур қилган ҳолда ечиш мумкин.


Иккинчи масалани ечиш учун вербал — мантиқий хулоса чиқаришнинг ўзи етарли (агар ўқувчилар қалдирғочни А шаҳардан Б шаҳарга учиб ўтишларини тасаввур қиладиган бўлсалар, масалани умуман еча олмасликлари мумкин).

5. ТАФАККУР ВА НУТҚ ОРАСИДАГИ БОҒЛИҚЛИК

Турли масалаларни ечишда уларни оғзаки нутқда тўғри берилиши катта аҳамиятга эгадир. Зеро, тафаккур ва нутқ ўзаро бир-бирига боғлиқ бўлиб, масала ечиш жараёнида уни қайта формулировка қилиш масалага бошқача ёндошиш ва тез ечишга ёрдам беради. Қуйида биз ана шундай методикалардан бирини тақдим этамыз.

вазифани ечиш жараёнида ўқувчиларга геометрик масалани ечиш тақдим этилади.

ABCD квадрат ва BEDГ, $AB=a$, $AE=b$ параллелограмм берилган.



5-р а с м.

Бунда бир гуруҳ ўқувчиларга «АЕДГ параллелограмм ва ABCD квадрaтини́нг майдонлари нимага тенг эканлигини топинг», деган топшириқ берилади.

Олинган жавобларни қайта ишлаш натижасида у ёки бу топшириқни тўғри ечган ўқувчилар ҳисобланиб чиқилади. Берилган формулировкага бўйсунмай масалани ечган ўқувчиларнинг ечимлари алоҳида таҳлил қилиниб, тафаккурнинг мустақиллиги, ўзига ҳослиги, эгилувчанлиги каби хусусиятларга эътибор қаратилади.

6. МАСАЛАЛАРНИ ЕЧИШДА ТАФАККУРДАГИ ШАБЛОНЛАРНИ ЕНГИШ

Мустақил фикрлаш, тафаккурни ривожлантириш, шаблонларни енгитишдаги қуйидагига ўхшаш масалаларни ечиш жуда фойдалидир.

1. Иккита киши, ёшликда дўст бўлган инсонлар учрашиб қолишди ва уларнинг орасида қуйидаги диалог бўлиб ўтди:

«— Сизни кўрмаганимга ҳам анча бўлиб кетди. Сиз ҳақингизда ҳеч нарса билмайман ҳам.

— Менинг қизим бор!

— Исми нима?

— Онасининг исмини қўйганмиз.

— Ленажон неча ёшга тўлди?»

Суҳбатдош дўстининг қизини номини қаердан билди?

Жавоб: «Иккита киши, ёшлигидан дўст бўлган» иборасининг гўё эркаклар учрашганидан далолат бера-

ди. Аслида эса эркак ва аёл учрашган бўлиб, аёлнинг исми Елена эканлигини дўсти билади-да!

2. Икки киши дарё ёқасига келди. Дарё бўйида қайиқ турган бўлиб, унга фақат бир киши сиғади. Кишиларнинг иккиси ҳам дарёдан қайиқда сузиб ўтиб, ўз йўлларида давом этдилар. Буни улар қандай амалга оширдилар?

Жавоб: Йўловчилар иккита қарама-қарши дарё ёқасига бир вақтда келишган. Бири қайиқда у ёққа ўтгач, бошқаси қайтган. Масалани ечишга эса «Икки киши дарё ёқасига келди» деган гап ҳалақит беради, гўёки улар дарёнинг бир томонида тургандай.

3. Олтита гугурт чўпидан тўртта бир хил учбурчак ясанг.

Жавоб: Ушбу масалани ечишдаги қийинчилик шундан иборатки, биз масалани бир текисликда ечишга ўрганганмиз. Ушбу масалада эса ўлчовдаги текисликдан чиқиш лозим, яъни гугурт чўпларини тетраэдр шаклида қўйиш лозим.



6-р а с м.

4. Полковникнинг отасини ўғли полковникнинг ўғлининг отаси билан гаплашди. Полковник бу суҳбатда бўлмаса, ким билан ким суҳбатлашган?

Жавоб: Ушбу масалани ечишда бизга полковник эркак киши бўлса керак деган шаблон ҳалақит беради. Ушбу ҳолатда эса полковник — аёл киши. Полковникнинг акаси унинг эри билан гаплашган.

7. МАСАЛАЛАРНИ ЕЧИШДА ТАЖРИБАНИНГ АҲАМИЯТИ

Кундалик ҳаётимизда ўтмишдаги тажриба кўп муаммоларимизни ечишга ёрдам беради. Лекин тафаккур билан боғлиқ бўлган масалаларни ечишда ўтмиш тажрибаси тўсиқ ҳам бўлиб қолиши мумкин.

Қатор ижодий масалалар ўтмиш тажрибасига эмас, балки латент ҳолатларига мўлжалланган бўлиб, улар

амалий аҳамиятга эга бўлади. Шунинг учун кўп ҳолатларда ечиш мушкулроқ. Масалан, Л. Секей тажрибасида, ёнаётганида оғирлигини йўқотаётган шағам мисол қилиб олинган бўлиб, ушбу мисолни ечишдаги қийинчилик шундан иборат эдики, кундалик ҳаётда бу шағамнинг оғирлигини йўқотишдан кўра нур сочишини аҳамиятли деб биламиз. Ёниш жараёнида оғирлигини йўқотиш эса латент бўлиб қолган.

Куйида ўтмиш тажрибасини масалани ечишдаги аҳамиятига боғлиқ методика келтирилади. Текширилувчига масалани ечиш учун ишлатиш жараёнида оғирлигини йўқотадиган предметларни ўлчаш вазифаси берилади. Бунинг учун: қалам, ўчирғич, пахта, туз, гугурт, кум, пластилин ва албатта шағам тавсия этилади. (Агар юқоридаги предметларнинг ўзи бўлмаса, расми ҳам тавсия этилса бўлаверади).

Жавоб: Ушбу масалани ечишда ёниб оғирлигини йўқотадиган шағам тажрибага асос қилиб олинади. Тажриба жараёнида текширилувчига ҳар бир фикрни овоз чиқариб асослаш талаб қилинади, чунки у текширилувчининг фикрларини билишга имкон беради ва предметларнинг яширин (латент) хусусиятларини топишга ўргатади.

8. МАСАЛАЛАРНИ ЕЧИШДА ҚОНУНИЯТЛАРНИ АНИҚЛАШ

Ечим қонуниятини аниқлаш — масалани ечишга жуда катта ёрдам беради. Бу хусусиятни шакллантириш учун турли машқлардан фойдаланиш мумкин.

Сонларнинг кетма-кетлик қонуниятини топинг ва етишмаётган сонини топинг.

а) 7	9	5	11
4	15	12	7
13	8	11	?

Жавоб: Етишмаётган сон — 10. Колонкадаги икки сон йиғиндиси ва учинчи сон айирмаси тўртинчи соннинг натижасини юзага келтиради.

Масалан: $7 + 9 = 16 - 5 = 11$ ва ҳоказо.

б) 174 171 57 54 18 15 X?

Жавоб: Бу сон 5. Биринчи сондан 3 ни айирамиз ва иккинчи сонни 3 га бўламиз, учинчидан 3 ни айириб,

тўртинчисини 3 га бўламиз, бешинчида 3 ни айириб, олтинчисини 3 га бўламиз ва натижада 5 ҳосил бўлади.

Куйида турли вариантли сонлар қатори келтирилиб, улар сонлар қонуниятини машқ қилиш орқали топишга ёрдам беради:

в)	54	19	18	14	6	9	натижа сони	— 2
	301	294	49	44	11	8		— 4
	92	46	44	22	20	10		— 8
	256	37	64	31	16	25		— 4

Қонуниятларни топиш машқлари тафаккурни эгилувчан, мустақил ва тежамкор бўлишига ёрдам беради. В. В. Давидов қонуниятларга асосланган тафаккурни назарий тафаккур деб атаб, эмпирик тафаккурдан фарқли ўлароқ уни «проба ва хатолар» методига қурилганини таъкидлайди.

Юқорида сизга ҳавола этилган барча машқлар ва ўйинлар, тестлар бир қарашда жуда оддий ва бир қарашда сунъий вазиятларга алоқадорга ўхшайди. Лекин аслида айнан ана шундай машқлар Сиздаги интеллектни янада ўстириш, унинг чегарасини кенгайтириш ва шу орқали мустақил фикрлаш малакаларини янада ривожлантиришга ёрдам беради.

Машқларни бажаришда ва унинг натижалари билан ўртоқлашганда юқорида таъкидлаганимиз — муомала ва мунозара маданияти тамойилларини сира ёддан чиқарманг. Ҳар кимнинг ўз фикри бор ва бу жуда яхши сифат. Ўзаро фикр алмашинуви жараёнининг тўғри йўлга қўйилиши эса фикр захирангизни бойитади, ноёб, кутилмаган янги фикрнинг туғилишига сабаб бўлади. Ақлимиз — бойлигимиз, уни янада бойитиш ва тарбиялаш учун куч ва ирода, тинимсиз меҳнат керак!

Юқорида тавсия этилган ҳар бир машққа ўхшаш машқларни ўзингиз мустақил тарзда тузиб, уни ўқитувчингиз билан бирга ўртоқларингиз гуруҳида муҳокама қилинг, бир-бирингиз тузган машқларни биргаликда ечиб, натижаларни таҳлил қилсангиз, қанчалик ана шу ақлий ишингиздан ўзингиз қониқиш олаётганингизни сезасиз. Сизга омад ёр бўлсин!

*Пулни ишлатсанг озаяди, ақлни
ишлатсанг, сайқал топиб, кўпаяди.*

Оталар сўзи.

Учинчи қисм

ИЖОДИЙ ТАФАККУР ВА МУСТАҚИЛ ФИКРЛАШ

ИНТЕЛЛЕКТ ВА МУСТАҚИЛ ФИКР

Масалага ёндашув тарихидан. XX асрга келиб жуда кўп нарсалар инсон ақлу заковатига, унинг интеллектига бевосита боғлиқ бўлиб қолди. Ақл чироғи ёвузлик ва жаҳолатни енгиб, инсоният тараққиётига йўл очиб берди. Ҳозир сиз — бизни ҳайратга солаётган илму фан ютуқлари, замонавий илғор технологиялар айнан инсон ақлу заковати ютуқлари эвазига қўлга киритилганлигини яхши биламиз.

Бу ўринда олимлар кўпроқ «интеллект», «сунъий интеллект» каби тушунчаларни ҳам ишлата бошладилар. Бунга асосий сабаб — инсон ақлини ривожлантириш, ундан имкон даражасида унумли фойдаланиш ва уни самарали фикрлашга ўргатиш эди. Бу масалада икки хил йўналиш ҳам пайдо бўлди. Биринчи йўналиш тарафдорларининг фикрига кўра, интеллект — наслий бўлиб, одам ё ақлли ёки ақлсиз бўлиб туғилади. Иккинчи йўналиш вакиллариининг қарашлари бироз бошқача бўлиб, улар ақл — интеллектнинг бор-йўқлиги, унинг қандайлиги энг аввало унинг ташқи ўзгаришларга қандай муносабат билдириши ёки уларни қандай идрок қилиш қобилияти билан боғлиқ.

Биринчи нуқтаи назар инглиз олими, ўша Сиз яхши билган Ч. Дарвиннинг қариндоши Гальтонга тегишли бўлиб, у юқори табақа вакиллари ҳам биологик нуқтаи назардан, ҳам интеллект бўйича бошқалардан анча юқори бўлади, деган фикрни ёқламоқчи бўлган. Яна бир қизиқ нарса шуки, унинг фикрича, интеллект бўйича эркаклар аёллардан устун эмиш. Лекин унинг 10000 дан зиёд одамлар устида олиб борган текширишлари, тест синовлари энг таниқли, бир қарашда зукко инсонлар ҳам оддий одамлардан фарқ қилмаслигини, аёллар эса баъзи кўрсаткичлар бўйича эркаклардан ҳаттоки устун эканлигини кўрсатди.

Кўриб турганингиздек, одам ақлли бўлиб туғилмас экан, у кейин ҳаёти мобайнида интеллектуал сифатлар-

га эга бўла боради. Яъни, ўқиш-ўрганиш, ўз устида ишлаш ва яхши маълумот олиш шарт-шароитининг борлиги мустақил фикрлаш ва ақлни бойитиш учун жуда зарур омиллардир.

Иккинчи ёндашув ҳам давр синовларига дош бера олмади, зеро берилган топшириқларни бажаришга кетган вақтнинг камлиги ҳам интеллектнинг зўрлигидан дарак бермас экан. Яъни, тез нимадир дейиш ёки мулоҳаза қилиш — яхши ва самарали фикр юритиш эмас экан. Демак, жуда кўп муаммолар узоқ мушоҳада ва мулоҳаза юритишни талаб қилади, баъзан бирдан мияга «ярқ этиб» келган фикр эса узоқ ва машаққатли ўқиш ва изланишлар натижаси бўлиши мумкин экан.

Биринчи интеллектуал тестларини яратган француз олимлари Бине ва Симонлар (Binet, Simon, 1905) ҳам фикрлаш ва интеллект тушунчаларига жуда кенг маънода қараганлар. Уларнинг фикрича, интеллект соҳиби бўлган одам шундайки, у «тўғри ҳукм юрғазади, тушунади ва мушоҳада қилади, ўзининг ақлу заковати ҳамда ташаббускорлиги туфайли у ҳаётнинг барча шарт-шароитларига тўғри мослаша олади».

Шуни таъкидлаш жоизки, Бине ва Симон болалар учун мўлжалланган тестларни Париждаги мактаблар маъмуриятининг буюртмасига мувофиқ яратган эдилар. Векслер деган бошқа бир олим эса катталарга мўлжалланган ақл тестларини яратди. У ва ундан кейинги психологларнинг авлодлари интеллектни айнан одамни ташқи ҳаёт шарт-шароитларига мослашувини таъминловчи омилдир, деб қарай бошладилар.

Интеллектнинг тизими. «Интеллект» ёки фикрлашни белгиловчи ақлу-заковат яхлит бир нарсами ёки унинг таркиби айрим алоҳида қобилиятлар йиғиндисими, деган масала ҳам кўпчиликини ўйлантирган. Масалан эрхотин Тэрстуонлар (Thurstone) умумий интеллект таркибига кирувчи етти хил қобилиятлар ҳақида ёзишган:


- 1) ҳисоб-китоб қилиш ёки арифметик қобилиятлар, яъни турли сонлар воситасида фикрларни баён этиш қобилияти;
- 2) вербал ёки сўзлар воситасида фикрларни баён этиш қобилияти;
- 3) вербал идрок, яъни оғзаки ёки ёзма нутқни идрок қилиш ва тушуниш қобилияти;
- 4) фазовий мослашув (фазодаги турли хил предметлар ва шаклларни тасаввур қила олиш тезлиги);

- 5) хотира (маълумотларни эсда олиб қолиш, эсда сақлаш ва эсга тушириш қобилияти);
- 6) мулоҳаза юритиш қобилияти, яъни илгариги тажрибага таянган ҳолда турли мураккаб муаммоларни ҳал қилиш қобилияти;
- 7) турли предметлар ёки уларнинг тасвирларидаги умумийлик ва фарқни идрок орқали ажрата олиш тезлиги.

Юқоридаги қобилиятларнинг қай бири Сизда яхшироқ, кучлироқ ривожланган?

ТОПШИРИҚЛАР

1. Куйида Тэрстуон томонидан таклиф этилган тест берилган. Диққат билан қараб, ҳар бир расмда қайси қўл — ўнг ёки чап акс эттирилганини аниқлашга ҳаракат қилинг.



Масалан, шундай машқ: куйида 5 та шакл келтирилган.



Улар орасидан шундайини ажратингки, у бошқалардан битта жиҳати ёки белгиси билан фарқ қилсин.

Агар Сиз В фигурасини танлаган бўлсангиз, сизни табриклаймиз, қойил! Сиз тўғри жавобни топгансиз. У фақат тўғри чизиклардан иборат бўлган ягона шаклларига тўғри.

Сиз бу топшириқни курсдош ўртоғингиз билан ҳам бажариб кўринг. Агар у С шаклини танлаб, у ассиметрик учлари билан бошқалардан фарқ қилади, деса, унга ҳам эътироз билдирманг. Агар кимдир А шаклини танлаган бўлса, бу ҳам хато эмас, чунки унда ҳам бирорта ўткир бурчак йўқ. Ва ҳоказо бошқаларда ҳам биттадан ўзига хос қирра мавжуд. Демак, ҳамма жавоб тўғри, бу Сизнинг ёндашувингизга боғлиқ экан.

Мактабда ўргатилмайдиган машқлар. Юқорида ечган машқга ўхшаш топшириқлар жуда кўп. Лекин шу вақтгача дарслар жараёнида Сизни кўпроқ битта, ягона тўғри жавобга эга бўлган машқлар билан банд қилиб келишган. Аввалги дарслардан биридаги арифметик қатордаги етишмаётган сонни топиш ҳам ана шундай ягона тўғри жавобни топишга мўлжалланган машқлардандир. Бу, албатта, ёмон эмас. Алгебра ва математика дарсларидаги барча масалалар айнан шунга қаратилган ва уларнинг Сиздаги ақлий камолотга фақат ижобий таъсири бор.

Лекин реал кундалик ҳаёт шундайки, ана шу ягона жавоб ҳар доим ҳам бизни қониқтирмайди. Тўғри жавоблар доимо бир қанча бўлади ва бу нимани қидираётганлигимиз ва нима ҳақида ўйлаётганимизга боғлиқ, холос. Айнан шу ҳолатлар янгиликлар, кашфиётлар ва буюк ўзгаришларнинг гаровидир.

Ижодий тафаккур нима? Конвергент ва дивергент фикр. Америкалик олим Гильфорд (Chilford, 1919) интеллект ҳақида ўз қарашларини илгари суриб, бу йўналишда яхшигина ишлар қилди. У икки тоифали тафаккурни фарқлади: конвергент ва дивергент. Биринчи тафаккур бизга агар бирор масаланинг фақат битта ечими бўлса, керак бўлади. Иккинчиси эса — ўзига хос, ноёб, оригинал ечим бўлишига сабаб бўлади.

Шундай қилиб, муаммонинг ечимини қидиришнинг икки йўли мавжуд экан. Айрим одамлар ҳар қандай масаланинг битта ечими бор холос, деб ҳисоблаб, ўзларида бор бўлган билимлар ҳамда мантиқий фикрлаш қобилиятларини ишлатадилар, бу — улардаги конвергент тафаккур ҳисобланади. Бошқалар эса аксинча, ҳар қандай муаммони турли томондан шарҳлаш ва

ечимни топишга ҳаракат қилиб, кўпинча ноёб фикрлар устидан чиқадилар. Бу — дивергент тафаккурдир.


Кўпчилик болалар мактаб йилларидан бошлаб, айнан конвергент тафаккур билан иш кўрганларки, бу ҳолат кўпчилик предметларнинг талаби ҳисобланган. Ижодий тафаккурли, оригинал фикрловчилар бундан фақат азият чекканлар, холос. Масалан, машҳур Эйнштейн мактабда ўқишни ёқтирмаган ва жуда ёмон ўқиган. Бунинг сабаби унинг хаёли паришонлиги ёки интизомсизлиги эмас эди, албатта. Ўқитувчиларнинг унга нисбатан эътирозлари шу эдики, у саволларга кўпинча савол билан жавоб қайтарарди, масалан, учбурчакни кўрсатиб, «Бу нима?» деган саволга жавоб бериш ўрнига «Агар у тўнтарилиб қўйилса, нима бўларди?», «Агар вақт бўлмаганида нима бўларди?» каби ноўрин саволлар билан ўқитувчиларни қийнади. Бунинг сабаби оддий эди: Эйнштейн ёшликланок дивергент — ностандарт тафаккурга эга бўлган.

Ижодкорлик хислатлари. Ижод аҳлини оддий одамлардан қандай фарқлаш мумкин? Биринчидан, масала ўртага ташланса, ижодкорлар унинг ечимига алоқадор бир қанча таклифларни илгари сурсалар, оддий одамлар фақат битта ёки иккита таклиф билан чекланадилар.

Иккинчидан, ижодий тафаккурли инсон учун бир масаладан иккинчисига, ёки бир масаланинг бир томонидан иккинчи бир томонига ўтиб фикрлаш унчалик қийинчилик туғдирмайди, қолаверса, бу унга ёқади ҳам.

Ниҳоят, ижодкор одам оригинал, ўзига хос, ноёб тарзда фикр юритади, унинг фикрлари мустақил, тиниқ, бировникига ўхшамаган бўлиб, кўпинча ғайри табиий ечимларни ҳам топа олади. Ижодий шахс осмондаги булутларга қараб, уларда ҳайвонлар ёки бирор бошқа нарсаларнинг аксини, силуэтини кўриши, тоғларга боқиб, уларда тимсоҳнинг калласини кўриши, тиш ювадиган шётка ёрдамида 20 хилдан ортиқ ишларни бажариши ёки газетадан турли-туман нарсалар ясаши мумкин.

МАШҚЛАР



Оригинал жавоб топинг: Бу нима?

Одатдаги жавоб: стол устида қандайдир нарсалар.

Оригинал жавоб: оёқ панжалари.

Мана бу топшириққа қандай жавоб берган бўлардингиз?


Расмни тўлдилинг:



Оддий жавоб:



Оригинал жавоб:



Кўриб турганингиздай, оригинал жавоб доимо ҳам оддийдан кўра мураккаброқ ва ўзига хос бўлади.

Қуйидаги топшириқларга иложи борича кўп жавоблар қидиринг. Таклиф этилаётган предметларни қандай мақсадларда ишлатиш мумкинлиги хусусида кўплаб ўзига хос жавоблар қидиринг. Масалан, жундан тўқилган пайпоқчани нима мақсадларда ишлатиш мумкин:

— тўқилганини бузиб ташлаб, янгидан шарф қилиб тўқиш мумкин;

— илон чақиб олганда жгут қилиб тасма ўрнига ишлатиш;

— қўлқоп ёки бош кийим ўрнида кийиш;

— пул солиб юриш учун қопча;

— стол устини артиш учун латта;

— тешик-туйнукларни беркитиш учун, совуқ кирмаслиги учун;

— тўқиш игналари (спицаларни) солиб қўйиш учун қопча;

— узумларни қушлар еб кетмаслиги учун қопча;

— кир ювиш порошогини реклама қилиш учун ва ҳакозо.

Худди шунга ўхшатиб, қуйида бериладиган предметлар учун ҳам ишлатиш йўллари топинг.

«Қоғоз пуллар», «эски газ плитаси», «мева шарба-ти», «тиш ювиш чўткаси», «қалам».

Топшириқни бажариш пайтида қўлингизга соатни олинг-да, 1 минут давомида нечта ғоя келганини қайд қилинг. Шунинг ёддан чиқармангки, 1 минут мобайнида 6 та ғоянинг мияга келиши — ўта иқтидорли ва ижодкор шахсларга тегишли.

Ўзгаришлар дунёси. Дунёни кимлар ва қандай қилиб ўзгартирадилар, деган саволни ўз олдингизга қўйиб кўрганмисиз? Албатта, кашфиётчи, ижодкор одамлар, уларнинг фикрлаш тарзлари бошқаларникидан фарқ қилади. Ижодкорнинг ижоди нима асосида қурилади? Илгари таъкидлаганимиздек, бу ерда ҳам қизиқувчан-ликнинг роли катта. Ижодкор ва кашфиётчи ҳамма нарсани билгиси келади. Уни ҳамма нарса қизиқтиради: қадимги тарих, техника, мўйқалам, ўймакорлик, замонавий технологиялар, гуллар ва б. қ. Унинг ўзида бу қизиқишлар қачон, қаерда ва нима сабабдан уйғунлашади-ю, миясида янги ғоя пайдо бўлади? Балки у ҳозир, мана шу дақиқада туғилар, балки бунга йиллар кетар, лекин у албатта қачондир туғилиши муқаррар. Менделеевнинг машҳур жадвалининг туғилиш тарихини биласизми? Б. Кедровнинг ёзишича, олим бўлажак кашфиётини интуитив тарзда сезган. «Ҳаммаси калламда-ю, жадвалга туширолмаёпман» — дея ташвишланиб юрган кунларининг бирида унда бирдан «интуитив ойдинлашув» рўй берган, рўй берганда ҳам ўнгида эмас, балки тушида рўй берган экан. Чарчаб иш столи устида ухлаб қолган кунларининг бирида у тушида ўша машҳур даврий жадвалини кўрган. Уйғониб ўша заҳоти уни оққа туширган. Туш билан ўнгини фарқи шу бўлганки, тушида енгил моддалар оғирларнинг тагида жойлашган бўлган, олим ўнгида уларни тўғрилаб, ўз ўрнига ёзиб чиққан.

Кашфиёт ва билим. Лекин ҳар қандай кашфиёт ёки ихтиро учун фақатгина қизиқувчанликдан ташқари яна билим зарур. Мустақил фикрлаш ва ижод

қилиш учун жуда кўпгина билимлар керак. Бу ўринда яна бир нарсани унутмангки, билимларнинг бисёрлиги ва ниҳоятда кўплиги ҳам мустақил фикрлаш учун етарли эмас. Чунки, ҳаётда жуда кўп нарсани биладиган, китобларни тинмай ўқийдиганлар кўп, лекин уларни янгидан-янги фикрлар туғилиши учун етарли деб бўлмайди.

Мустақил фикрли ижодкор шахс ҳар қандай маълумотга онгли, бошқача бир янги ёндашув билан қарашга мойил бўлади. Демак, бир информацияга турли томондан ёндашиш, миядагиларни доимо «ковлаб» туришдан қўрқмаслик керак экан-да. Ҳар қандай маълумотга, муаммо ёки вазифага ҳар ёқлама қараб, тажрибангизни қўллашдан сира тортинманг.

Тўғри, бу йўлда айрим қийинчиликлар, хатоликлар бўлиши табиий. Ҳамма ҳам бу йўлни босиб ўтади. Лекин хатоликлар ва адашишлар ҳам — тажрибадан, ўзингиз учун тўғри хулосалар чиқаришга ўрганинг.

Шундай қилиб, ўзгарувчан ташқи оламга ихтирочи, ижодкор кўзи билан қарашга ўргансангиз, Сиз ўзингиз учун янги имкониятлар ва ўзгаришлар оламини кашф этасиз.

Ижодий ёндашиш йўллари ва унга мисоллар.

Ҳар қандай кашфиёт оддийгина, кундалик ҳаётда одатий бўлиб қолган нарса ва ҳодисаларга бошқачароқ қараш орқали содир бўлади. Янгилик шундан иборатки, ҳамма назарида табиий, оддий бўлиб кўринган нарсага биров бошқачароқ назар билан қарашдир. Қуйида берилаётган машқларда ҳам Сиз ҳар хил қараш билан турли нарсаларни «кашф» қилишга ҳаракат қилинг.

1-М А Ш Қ.

Кексайиб қолган подшоҳ тахтни икки ўғлидан бирига беришга қарор қилди. У иккала ўғлига мурожаат қилиб, отда пойга қилишга ва кимнинг оти охирида келса, унга тахтни бериш қарорини билдирди. Ҳар бир ўғил пойга пайтида шу нарсадан қўрқибдики, мабодо ҳийла ишлатса, отлардан бири секинроқ юрадиган бўлиб қолишидан. Шу қўрқув уларни саройдаги бир масхарабозга ўз дардларини айтишга мажбур қилибди. Масхарабоз атиги икки сўзни айтди, уни эшитган шахзодалар ўша заҳоти отларига миниб, пойгага отланибдилар. Масхарабоз нима деди экан?

2-М А Ш Қ.

Бу қандай шакл? Унда неча хил шаклни кўряпсиз?



3-М А Ш Қ.

6 та гугурт чўпидан олиб, улардан 4 та томонлари тенг бўлган учбурчаклар ясанг, уларнинг ҳар бири ҳар бир учбурчакнинг бирор томони бўлиб хизмат қилсин.

Демак, юқоридаги масалаларни ечиш учун сизга тафаккурдаги стереотиплардан озод бўлиб, эркин фикрлаш керак бўлди.

Қуйидаги машқлар ҳам Сизни тафаккурдаги ўрнашиб қолган одатлар-стереотиплардан халос бўлишга ёрдам беради. Масалан, қуйида римчасига ёзилган етти сони берилган. Унга биргина чизиқча тортиш йўли билан саккиз сонига айлантиринг.

Жавоб жўнгина, тўғрими? VII олдига биргина вертикал 1 чизигини тортсангиз, VIII сони ҳосил бўлади. Эндиги пастдаги мисолда римча тўққиз сони ёзилган — IX. Биргина чизиқ тортиш йўли билан уни VI сонига айлантириш керак.

Баъзилар бу масалани ечиш учун ўртадан битта горизонтал чизиқ тортиб, сўнгра расмни тескарисига ағдариб, VI сонини ҳосил қилади. Бу мисолни бошқачароқ ўйлаб ҳам ечиш мумкин: узмасдан битта чизиқ билан лотинча S ҳарфини ёзсангиз, «SIX», яъни инглизча олти сўзи пайдо бўлади. Чунки битта чизиқ дегани албатта битта тўғри чизиқ дегани чизиқ дегани эмас-ку, чизиқ эгрироқ ҳам бўлиши мумкин.

Кўриб турганингиздек, битта мисолнинг ўзида бирданига иккита стереотипнинг гувоҳи бўлдик: биринчиси — чизиқ албатта тўғри бўлади, деган фикрнинг ва иккинчи — бу сон албатта римча бўлиши керак, деган фикр. Бундай фикр ва онгга ўрнашиб қолган стереотипдан қутулиш унчалик осон ҳам эмас.

Келинг, айнан шу мисолда яна бошқа вариантларни ҳам ўйлаб кўрайлик. Агар 6 сонини IX нинг орқасига ёзсак, «1 X 6» ҳосил бўлади. Демак, ҳар бир белгига биров бошқача қараш масалани ўзига хос тарзда ечишга

олиб келиши мумкин экан. Шундай қилиб, билимлар турлича шаклда ҳаммамизда бор, фақат ҳар бир алоҳида вазият ва ҳолатларда улардан омилкорона фойдалана олиш, фикрни эгилувчан қилишни билсак бас.

Ижодий фикрлаш ва хаёл. Юқоридаги машқларни тўғри ечишда Сизга катта ёрдам берган билиш жараёнларидан бири хаёлдир. **Х а ё л** — ниманидир ёки кимнидир ўй-фикрда тиклаш жараёнидир. Хаёл бевосита фикрлаш билан боғлиқ бўлгани учун ҳам жуда катта аҳамиятга эга бўлган жараён ҳисобланади. Хаёл бизга қачон керак бўлади? Қачонки, бизнинг кўз ўнгимизда ноаниқлик, мавҳумлик кўпайиб кетганда. Шунинг учун ҳам сизга аниқ фан предметлари доирасидан чиқиш ва янги, оригинал фикрлаш керак бўлганда хаёл — фантазия кучаяди. Фантазия қанчалик бой бўлса, шунча яхши. Биласизки, ёш болаларда хаёлпарастлик кучли, чунки уларда аниқ, конкрет билимлар етишмайди. Катталарга эса хаёлпарастлик ижод қилиш арафасида қўл келади. Лекин муҳим илмий ихтироларда хаёл жараёнлари аниқ билимлар ва илмий аргументлар билан қоришган бўлади. Шунинг учун ҳам қуйида берилган машқлар орқали сиз ўз хаёл — фантазиянгиз қандайлигини бир текшириб кўринг.

МАШҚЛАР

1. Ўзингиздаги ижодий тафаккурнинг ривожланганлик даражасини аниқланг ва бунинг учун қуйидаги машқларни бажаринг:

а) Тасаввур қилингки, Сизда диаметри 30 мм бўлган ёғоч шар бор. Шу предмет воситасида имкон борича кўп предметларни қоғозга чизинг ва уларнинг номларини ҳам ёзиб чиқинг. 5 минут мобайнида нечта предметни тасаввур қила олдингиз? Ўз расмларингизни ўртоқларингизники билан солиштиринг. Ҳар бир оригинал предмет учун ўзингизга 2 балл, ўртоқларингизники билан бир хилларига 1 балл қўйинг. Агар сиздаги предмет ниҳоятда оригинал ва ноёб деб топилса, 4 балл оласиз.

б) 5 минут ичида оддий қаламдан қандай мақсадларда фойдаланиш мумкинлигини топиб, ёзинг. Жавобларингиз кулгили ҳам бўлиши мумкин, масалан, хамир ёйиш учун ўқлоғ, лекин «қоғозга чизиш қуроли» ёки «деворга расм чизиш қуроли» десангиз, иккала жавоб бир хил ҳисобланади. Худди шу усулда сутдан бўшаган пакетни нима қилиш мумкинлигини топинг.

Жавобларни бошқаларники билан солиштиринг: ҳар бир янги топилма — 1 балл, оригинал, ноёб топилма — 2 балл.

в) 20 минут давомида қуйида берилган учта сўзлардан имкон борича кўпроқ жумлалар тузишга ҳаракат қилинг:

- ◆ шамол, сув, велосипед;
- ◆ машина, кино, гилос;
- ◆ олма, ёнғин, ҳайрат;

Ҳар бир жумла ёки гап 2 баллдан баҳоланади. Агар гап жуда ноёб, ўзига хос бўлса, яна 2 балл қўшинг.

Ҳамма тўплаган балларни жамлаб, гуруҳдаги ўз рейтингингизни аниқланг.

Демак, қандай хулосалар чиқариш мумкин?

1. Ўз фикрларини тўғри йўналтира оладиган одамни биз зиёли, интеллигент деб аташимиз мумкин. Интеллигентлилик — замонавий инсоннинг муҳим сифатидир.
2. Интеллект соҳиби албатта ижодкор ҳам бўлиши керак. Ижодий тафаккур ўз эгасини шаблонларсиз, стереотиплардан холи фикрлашга имкон беради. Йўқ сифатларни бор нарсда кўра олиш, ҳар бир предметда бир нечта хосса ва сифатларни кўра олиш — ижодий фикрлашнинг асоси бўлиб, бу сифат ҳаммага керак ва у ихтиролар ва кашфиётларга олиб боровчи йўлдир.
3. Конвергент тафаккур яхши, лекин диверген тафаккур ноёб, оригинал фикрлашнинг асосидир. Фикрингизнинг ва ўз имкониятларингизнинг чегарасиз эканлигини унутманг.
4. Ижодий ёндашув йўллари аниқланг ва Сизгагина хос бўлган ижодий тасаввур ва тафаккур хислатларини билишга интилинг.
5. Мустақил фикрлаш учун фантазиянинг ролини камситманг. Сиз қанчалик хаёлингиз имкониятларини тўғри фикрлашга йўналтира олсангиз, тафаккурингиз шунчалик ўткир ва ноёб бўлади.
6. Биз таклиф этган машқлар ижодий фикрлаш учун етарли эмас, Сиз ўртоқларингиз билан мустақил равишда машқ қилишга ўрганинг.
7. Мустақил, ижодий фикр ва тафаккур маҳсулотлари ўзгаларга билдирилганда, жамиятга манфаат келтиргандагина аҳамиятли ва қадрли эканлигини унутманг. Бунинг учун ижодий тафаккур маҳсули бўлмиш фикрларингизни ўзгаларга изҳор этиш ва мустақил фикрни намоён этишга ҳам ўрганишингиз керак.

Тўртинчи қисм

МУСТАҚИЛ ФИКРНИ ИФОДАЛАШ

МУСТАҚИЛ СЎЗЛАШ МАҲОРАТИ

Тилимиз ва сўзларнинг тарбияловчи кучи. Тилимиз — дилимиздаги ўй-фикрларимизни ифодалаш воситасидир. Биз унинг ёрдамида ҳар куни, ҳар бир дақиқада амалга оширадиган ишларимиз, муаммоларимиз ҳамда қувонч-ташвишларимизнинг моҳиятини англаймиз. Жон Локкнинг тилни икки хил маънода ишлатиш мумкинлиги тўғрисидаги ушбу фикри диққатга сазовордир: «фуқаровий (civil)» ҳамда фалсафий маънода. «Фуқаровий маънода тил ва у орқали ифодаланадиган фикр ва ғоялар изҳорини мен шундай тушунаманки, у одатий, кундалик ташвишлар ва таниш маълумотларни, ҳар куни бўлиб ўтаётган ҳодисалар тўғрисидаги фикрлашни назарда тутди... Сўзларнинг фалсафий маънодаги ишлатилишини эса умумий жумлаларда аниқ текширилган ва ҳақиқатга айланган маълумотларни етказиш воситасидаги шаклини тушунаман».

Демак, тил ва унда ифодаланадиган сўзларнинг амалий ва ижтимоий моҳиятини ажратиш мумкин экан. Амалий нутқ малакалари одамларнинг кундалик муомала ва мулоқот жараёнида шаклланиб, сайқал топади. Ижтимоий йўналтирилган нутқ малакаларига эса одамлар ўргатилади. Бунда Сиз мактабда, таълим масканларида ўзлаштирган турли-туман фанлар ва улар орқали онга етиб бораётган маълумотларнинг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. Ўқимишли, зиёли ва фикрли инсон учун табиий фикрлашнинг аниқ сўзлар ва исбот талаб қилмайдиган, асосланган билимларни ўз ичига олган шакли зарур. Бунинг учун бола ўзидаги сўзлар заҳирасини оддийгина механик тарзда ошириб бориши эмас, балки анланган, мақсадга йўналтирилган заҳирасининг бойиб, кўпайиб бориши кўпроқ аҳамиятли ҳисобланади.

Буни чет тилларидан бири, масалан, инглиз тилини ўзлаштириш мисолида ҳам билиш мумкин. Сизга шу нарса маълумки, кундалик дарс жараёнида ҳар куни

инглиз тилидаги сўзлар захираси ортиб бораверади. Алоҳида-алоҳида сўраганда, кўпгина сўзларни ҳозир ҳам биласиз. Лекин кўпчиликдаги муаммо шуки, у шу сўзлар ёрдамида ўзидаги фикрларни эркин тарзда баён этиб кетавермайди. Чунки ўша сўзлар илмий, тажрибавий, ҳақиқатга айланган билимларга айланмаган. Улар сиздаги фикрлар «активига» кирмаган, бунинг учун эса тажриба, илм, тинимсиз турлича адабиётларни ўқиш, уларни мулоқотда ишлатиш зарурлигини билсангиз керак. Оддий она тилимиз ҳам шундай.

Илк ёшликданоқ минглаб сўзларни эшитиб, улар орқали ўз ҳис-кечинмаларимизни ифода этиб юрган бўлсак ҳам, ҳаммамиз нотиклик маҳорати ва санъатига эга эмасмиз. Бунинг учун ҳаммамизда бирдай сўзлар бойлиги етишмайди, чунки китоблар орқали ўзлаштирадиган ва оғзаки нутқимиз захирасида мустаҳкамланган сўзларимиз бойлиги унчалик катта эмас. Демак, сўзлар фикрий дунёмиз активида бўлиши керак.

Актив ва пасив лугатлар захираси. Шундай қилиб, ҳар куни бизга одатий бўлиб қолган сўзлар захирасига ишониб фикрларни баён этиш ўз қарашларини ишончли ва асосли тарзда баён этиш учун етарли эмас. Аниқ ва таъсирчан гапира олиш учун биринчидан, сиздаги сўз бойлигининг ўзи хилма-хил, кўп ва ранг-баранг бўлиши, иккинчидан, уларнинг аниқлик ва конкретлилик даражаси мукамал бўлиши ва учинчидан, фикрларни мукамал, мантиқли ва мухтасар баён этиш малакаси бўлмоғи керак.

Сўзлар захирасининг бойиши нималарга боғлиқ? Энг аввало ўша биз ҳаётда тўқнашадиган нарса ва ҳодисаларнинг ўзи кўп бўлиши, улар бизнинг онгимиз ва шууримизга ижобий таъсир кўрсата олиши керак. Бу ўринда шуни ҳам қайд этиш лозимки, биз ҳаётда ўзимизга ниҳоятда ёққан, таъсир кўрсатган ёки ниҳоятда нохуш таассурот қолдирган нарсаларни эслаб қолишга мойилмиз. Шундай бўлса ҳам бизнинг нарсалар дунёси билан бўладиган мулоқотимиз ва одамлар билан муоамламиз жараёнида ўзлаштирадиган сўзларимиз мажмуи сўз бойлигимизнинг асосидир. Шунга кўра, инсон сўзларининг актив ва пасив захираси фарқланади. Масалан, америкалик олим Ж. Дьюи актив захира деганда, биз ҳар куни кўрадиган ва эшитадиган нарсаларимиздан ҳосил бўладиган сўзлар мажмуини эмас, балки бевосита англаб, тушуниб, мулоҳаза қилиб эслаб қолиш натижасида ҳосил бўлган сўзлар захирасини

тушунишни таклиф этади. Кўриб, эшитиб туриб жойида мушоҳада қилганда ишлатадиган сўзлар пассив захирани ташкил этади.

Одатда, одамда пассив захира сўзлари кўпроқ ва салмоқлироқ бўлади. Шу йўл билан ҳосил бўлган билимларимиз онгимиз томонидан унчалик қаттиқ назорат қилинмайди. Шунинг учун катта ёшли, онгли ва зиёли инсон учун, ўз мустақил фикри ва қарашларига эга бўлишни хоҳлаган мутахассис учун актив захиранинг бой бўлиши муҳим аҳамиятга эга.

Демак, гапирадиган гапимиз доимо аниқ ва равшан бўлиши, у тасодифий маълумотларга асосланган бўлмаслиги лозим экан. Агар одамнинг сўз бойлиги чекланган бўлса, у билан кунда мулоқотда бўлаётган одамларнинг фикрлаш тарзига ҳам бу салбий таъсир кўрсатиши мумкин экан.

Актив захирани бойитиш йўли. Айтайлик, сиз ўзингиз учун янги бўлган бирор илмий манбага эга бўлдингиз. Масалан, қўлингизда «Психология» дарслиги бор. Сизда табиий фанлар бўйича билимлар захираси анча кам бўлгани сабабли, Сиз унинг мазмунини бир ўқишда ўзлаштириб ололмайсиз. Нима қиласиз? Аввал унинг умумий тузилишини бир ўрганиб чиқасиз — мундарижаси, кириш сўзи, асосий мавзулар ва умуман ҳажми тўғрисида тасаввурга эга бўласиз. Бу ориентировка — мослашув босқичидир. Кейин унинг мавзуларини алоҳида ўргана бошлайсиз. Ичингизда бир ўқишда уни тўла моҳиятини тушунишингиз қийин. Сиз кичкина болалар қўллайдиган усулни қўланг — яъни, ташқи қаттиқ овоз билан алоҳида муҳим жойлари ва таърифларни ўқинг. Керак бўлса, қайта-қайта ўқинг. Миянгизда бир тизимга тушгач, материални ичингизда ўқисангиз ҳам бўлади. Лекин ҳар бир қонуниятни тўла англаб ўқиш шарт. Масалан, «Шахс» мавзуси бўлса, ўқиб тугатгач, иложи бўлса, ўша ерларни қаттиқ баланд овозда яна бир маротаба такрорланг. Уялманг, энг катта нотиклар ҳам ўз нотиклик маҳоратларини ана шундай бошлаганлар. Керак бўлса, ойна олдида туриб, ўзингизга жуда ёқиб қолган жойларни ифодали айтинг. Бунда нафақат сўзларнинг маъноси ва қандай ифода этаётганингизга, балки товушингиз, қилиқларингиз, юз ифодаларингиз, кўз боқишига ҳам эътибор беринг. Чунки улар ҳам сиздаги фикрнинг қанчалик муҳимлиги ва яхшилигини аудиторияга уқтирувчи омиллардир. Ана шундан кейингина мавзуни синфдошларингиз ёки дўстларингиз ол-

дида ўз сўзларингиз билан моҳиятини ва мазмунини бузмаган ҳолда айтиб берсангиз, шу мазмун Сиздаги актив захирага ўтади.

Пассив захира ҳам керак, лекин мустақил тарзда ўз фикрларни баён этиш учун албатта актив захира бой бўлиши керак.

Босиқлик — ўзига ишончининг белгиси. Фикрни баён этаётганингизда албатта, ўзингизни тўла босиб олишингиз, имкони борича ўзингиздаги ҳаяжонни бировларга сездирмаслигингиз керак. Шунинг учун иложи борича босиқлик билан бир текисда гапиришга ўрганиш керак. Масалан, космонавтларнинг эмоционал ҳолатларини, тренировкалар жараёнида бўлғуси учидан қўрқаётганлигини асосан уларнинг овози бўйича аниқлашади. Демак, товушимиз устида ишлаш ҳам ишончнинг ва дадилликнинг муҳим бўғини экан. Шунинг учун ҳам биз қуйида Сиздаги ишонч ва босиқликни тарбияловчи бир нечта машқларни ҳавола этмоқдамиз. Бу машқларни мустақил равишда алоҳида уйда ҳам бажариш мумкин ёки уни синфда ўртоқлар билан биргаликда ҳам бажариш мумкин.

1-М А Ш Қ.

Бу машқ маълум эмоционал ҳолатга «ҳозирланиш» деб аталади. Хаёлан ҳаяжонли ва ташвишли бирор ҳолатни бирор мусиқа, гул, пейзаж ёки яхши бир қилиқ билан боғлаш керак; босиқ, тинч ҳолатни эса яна бошқача бир нарсалар билан, ишончли, тетик ҳолатни яна бирор нарса билан боғлаб, ҳаяжонланган пайтингизда аввал биринчи нарсаларни кейин иккинчисини, сўнгра учинчисини бир неча марта қайтариб кўз олдингизга келтира олинг. Бу машқни бир неча марта қайтарсангиз, албатта натижа бўлади.

2-М А Ш Қ.

«Ёқимли таассурот» деб номланган машқда, шундай ҳолатни ёки вазиятни тасаввур қилингки, унда сиз ўзингизни жуда яхши ҳис қилган, тинчланган, бўшаган бўлинг. Бу ҳолатни иложи борича ёрқин бир тусда кўз ўнгингиздан ўтказолсангиз, янада яхши бўлади.

3-М А Ш Қ.

«Роль ижро этиш». Сиз учун оғир ва ҳаяжонли вазиятда шундай образга тақлид қилингки, у сизга жуда ёққан инсонлар сиймосида гавдалансин, масалан, яқин кишингиз, яхши кўрган фильм қаҳрамонингиз ва ҳ-зо. Ўша қаҳрамон

ўрнида ўзингизни тасаввур қилиб, унинг ҳаракатлари, қилиқлари ва ҳаттоки, товушларини ҳам ўхшатиб ижро этишга уриниб кўринг.

ТОПШИРИҚ.

Нотиқлик маҳоратини оширишга оид тавсия этилган адабиётлардан бирини олиб, ундаги бир бобни тўла ўзлаштириб, актив захирага айлантирганингизни курсдошларингизга исбот қилиб, аудиторияда намойиш этинг.

Луғатнинг аниқлиги ва конкретлиги. Ҳар биримизда ҳаётимиз мобайнида сўз бойлигимиз ортиб, луғатимиз кенгайиб боради. Ўз фикрларимизни мустақил тарзда баён этиш учун эса ана шу луғатни ташкил этувчи сўзлар аниқ, равшан, англаб олинган ва конкрет бўлиши муҳим. Масалан, кўпчилик болалар мультфильмларни жуда севиб томоша қилишади. Улардаги қаҳрамонларнинг кўпи ҳайвонлар бўлиб, улар ижобий персонажлар сифатида ҳам кўрсатилади. Масалан, Гена исмли тимсоҳ ҳақидаги филмни ҳамма кўрган. Уни томоша қилган бола тасаввурда тимсоҳ ҳақиқатан ҳам меҳрибон, яхши бўлиб гавдаланади. Агар шу болани ҳайвонот боғига олиб бориб, тимсоҳни кўрсатсангиз, у бола силаб-суйишга ҳам тайёр бўлади. Нега? Чунки, нарсалар тўғрисидаги бизнинг таассуротларимиз одатда дастлаб юзакироқ бўлади, улар атрофида қўлланиладиган сўзлар ва тушунчалар ҳам шунга яраша юзаки, ноаниқроқ бўлади. Улар билан бир неча марта тўқнаш келгач, одам унинг маъноси ва мазмунини аниқроқ била бошлайди ва ўзича талқин қила бошлайди. Ана шунинг учун ҳам бир марта кўрган наrsa ҳақида дадил гапиравериш ёки юзаки бир марта ўқиб чиққан китобдаги қонуниятлар ҳақида таваккал сўзлаш одамни ноқулай аҳволга солиб қўйиши мумкин. Шунинг учун ҳар бир нарсанинг туб маъносига етиш зарур. Баъзан, ўқитувчилар ҳадеб мураккаб илмий терминлар ва жумлаларни айтиб дарс тушунтирсалар, ҳеч наrsa хотирада қолмайди, нега? Чунки биринчидан, улар актив захирага ўтиш босқичини четлаб ўтди, иккинчидан, мавҳум илмий тушунчаларни конкрет ҳаётий мисоллар билан тасдиқлаш рўй бермади. Натижада, кўпчилик дарснинг асл моҳиятини тушунмади.

Шундай қилиб, бирор наrsa ёки муаммо хусусида ўз фикрингизни баён этмоқчи бўлсангиз, барча тушунган ёки ўзлаштирган билимларингизнинг қай даражада аниқ ва конкретлигини синаб кўринг. Бунинг энг маъқул

йўли — маъруза тайёрлаш ва унинг режасини мустақил тарзда тузишдир. Масалан, машҳур америкалик нотиқ ва психолог Дейл Карнеги минглаб тингловчилари ва муҳлислари олдига чиқиш олдидан шундай тайёргарлик кўрар эканки, у барча айтмоқчи бўлган гапларининг қисқа мухтасар режасини кичик қаттиқ қоғозга, баъзан оддий гугурт қутичани устига ёзиб олиб, шуни асос қилиб олган ҳолда 2—3 соат мобайнида ниҳоятда таъсирли ва қизиқарли маърузалар қиларкан.

Сиз ҳам кейинги дарсга маъруза тайёрланг. Унинг мухтасар режасини тузинг ва 10 дақиқа мобайнида конкрет жумлаларда ўз фикр-қарашларингизни баён этинг.

Мантиқий узвийлик ва мухтасарлик. Илгари таъкидлаганимиздек, бизнинг ҳар бир фикримиз тушунчалардан иборат. Тушунчалар бошқа бир тушунчалар билан уйғунлашса, конкрет жумлаларга бирлашади, улар ўз навбатида бошқа бир жумла ёки ҳукмларни келтириб чиқаради ва шу тариқа янги-янги фикрлар туғилаверади. Ўз фикрларини жумлаларда баён этиш бўйича ҳам одамлар ҳар хил бўлишади. Ўтибор беринг-а, ўқитувчиларингиз узун ва бир қанча алоҳида тушунчалардан иборат бўлган жумлалар билан гапиришади, сиз бунга ўрганиб қолгансиз. Ўқувчилар эса ўқитувчи томонидан қўйилган ҳар қандай саволга жуда қисқа тарзда жавоб беришга ўрганиб қолишган. Ҳаттоки, баъзан қўйилган саволга «Ҳа», «Йўқ», «Шундай бўлса керак» деб жавоб бериш билан чекланамиз. Энг қизиғи шуки, шу қисқа жавоблардан ўқитувчи рози бўлади ҳам. Лекин аслида фикрлаш қандай бўлиши керак? Узоқ кириш сўзи билан бирор масаланинг моҳиятини мураккаб жумлаларда тушунтириш орқали ўқувчини ўйлантириш албатта, ўқитувчига керак. Қолаверса, бунинг учун унда етарли тажриба ва илмий салоҳият ҳам бор.

Лекин мунозара пайтида, айниқса, кўпчиликнинг фикри тингланаётган шароитда ҳар бир мунозара иштирокчиси қисқа, лўнда, жўнгина гапиришга ўрганиши керак. Лекин ўша қисқа жумлаларда ҳам мантиқ ва асос бўлиши шарт. Бу — мухтасар фикр деб аталади. Ёзма ишларда ҳам, оғзаки гапирганда ҳам одам доимо энг керакли, асосли фикрни мухтасар баён этишга эришиш унинг бошқалар олдигаги обрўини ҳам оширади, гапириляётган ёки ёзиляётган фикр моҳиятини тезроқ тушунишга ҳам имкон беради. Айниқса, бундай фикр бирор мавзу юзасидан чиқиш қилиш олдидан, биринчи гапни бошлашда жуда муҳим ҳисобланади. «Душанбага-

ча омон бўлсак» фильмини эсланг. Унда «Бахт нима?» деган мавзуда иншо ёзиш топшириғини ҳар ким ҳар хил бажаради. Бир ўқувчи унга учта сўз ва иккита тушунча орқали жавоб беради: «Бахт бу сени тушунишларидир». Лекин аслида бу ўқувчининг фикри ҳақиқатан ҳам тўғри ва унда бу тушунчани фалсафий тушуниш ётади. Агар сиз фикрингизни тушунмай қолишларидан қўрқиб, уни жуда майда бўлакчаларга бўлиб, батафсил тушунтиришга одатланиб қолсангиз, зерикарли суҳбатдошга ва «майдалашиб» қолишга, «бачкана суҳбатдошга» айланиб қолишингиз мумкин.

ТОПШИРИҚ:

«Ҳаётнинг маъноси нимада?» мавзусида аввал очиқ мунозара ўтказиб, унда ҳар бирингиз навбат билан қисқа, лўнда ва ҳамма учун тушунарли, жўн жумлаларда унга жавоб беринг. Бир киши бир неча марта фикр изҳор қилиши мумкин. Кейин уйда шу мавзуда иншо ёзиб келинг ва аудиторияда уни таҳлил қилиб, мухтасар, лекин кучли фикрларни доскага ёзинг.

*Нотиқликда нима ҳақида эмас,
балки қандай гапиришнинг аҳамияти
каттароқ.*

И н г л и з м а қ о л и

РИТОРИКА ЁКИ НОТИҚЛИК САНЪАТИ

Инсоният пайдо бўлибдики, одамлар кўпинча тўпланиб, бир-бирларига нималарнидир уқтириш, ўргатишга эҳтиёж сезганлар. Кўпинча ана шундай пайтларда кимдир ўртага чиқиб, қолганларга мурожаат қилган. Ана шу ўртадаги одамни «гапга уста» деб ажратишиб, доимо унинг оғзига қарашга ҳам ўрганиб қолишган. Қадимги юнон халқлари ана шундай ўртага чиқиб ўз фикрларини мухтасар баён этишга одамларни атайлаб ўргатганлар ва бу санъат **риторика** деб аталган. Демак, **риторика** — нотиқлик маданияти ва санъати бўлиб, у одамда гапириш ва ўзгаларга мурожаат қила олиш маҳоратини шакллантиради.

Аслини олиб қараганда, ҳар бир инсонда яхши, чиройли, таъсирчан гапириш эҳтиёжи, истаги бўлса керак ва бу эҳтиёж фикрлаш каби табиий ва зарурдир. Чунки ҳаётда жуда кўп шундай ҳолатлар бўладики, айнан «айтилган гап — отилган ўқдай» инсон тақдирини, одамларнинг унга муносабатини белгилайди.

Инсоний муносабатлар соҳасида буюк мутахассис ва психолог Дэйл Карнегининг кучи ва машҳурлиги аввало унинг гапириш ва ўзгаларни тинглаш қобилияти туфайли қўлга киритилган. У бир вақтнинг ўзида минглаб одамларга мурожаат қила олар ва унинг тингловчилари вақт қандай ўтганлигини ҳам сезмай қолишар экан. Хўш, шундай ютуққа қандай эришиш мумкин?

Фикрларингиз жуда бой ва ноёб бўлиши мумкин, лекин уларни мухтасар ва ўзгалар қалбидан жой оладиган қилиб етказиш муҳимроқ экан-да. Шу ўринда инглизларнинг юқорида келтирган мақоли ўринлидир: «Нима ҳақида гапириш эмас, балки у ҳақда қандай гапириш муҳимроқ». Қандай гапириш эса ўзгалар устидан устунликнинг асосидир.

Нотиқлик қобилияти: туғма ёки орттирилган? Айрим одамлар нотиқлик — Оллоҳнинг инояти, одам шу қобилият билан туғилади, деб эътироф этишади. Бошқалар эса — бу одамнинг ҳаёти давомида, ўз устида ишлаши, билимларини бойитиб бориши ва тажрибасини орттириб бориши оқибатидир, деб таъкидлайдилар. Хўш, қайси бир фикр ҳақиқатга яқин. Мухтасар қилиб агар жавоб берадиган бўлсак, иккала ёндашувда ҳам жон бор. Чунки нотиқлик маҳорати энг аввало қуйидаги сифатларга боғлиқ:

- ♦ **Оллоҳ берган табиий қобилият**, яъни руҳан ўзгаларга ўз фикрларини баён этиш, уни чиройли ўринли қилиб етказишга мойиллик аслида бўлиши керак;
- ♦ **топқирлик**, бу сифат кейинчалик ривожланади ва унинг ривожини учун билим, билим яна билим ҳамда тажриба зарур;
- ♦ **чидам, бардош**, бу иродага алоқадор сифат бўлиб, ўз устида муттасил ишлаш, ўз қобилиятларини мукаммал ўстириб бориш ва меҳнат қилишдан чўчимаслик учун керак сифат;
- ♦ **жасорат**, бу ҳам ҳиссий-иродавий сифат, унда ҳам туғмалик, ҳам орттирилганлик белгилари бор. Кичкинагина, оддий бир фикр ҳам ўзингники бўлса, уни бировлар ўртасида айта олиш ва таъсир кўрсатиш учун одамда мардлик, таваккалчилик ва жасорат керак.

Ўз нутқи воситасида ўзгаларга фикрлари ва ўйларини етказиш жараёни қуйидагича тасаввур қилинади:

- I. Ким гапиряпти? (фикр эгаси)
- II. Нима ҳақида гапиряпти? (фикрнинг предмети)

III. Қандай гапиряпти? (фикрлаш маҳорати)

Охиргиси риторикадаги энг муҳим томон ҳисобланади ва у мукамаллиги, тилнинг равонлиги, сўзлар бойлиги ва уларнинг ўринли ишлатилишидан ташқари, гапириш жараёнида нотиқнинг ўзини тутиши, маданияти ва қилиқларини ҳам ўз ичига олади.

Демак, ана шу учинчи таркибий қисм тўғрисида батафсилроқ гаплашамиз, чунки яхши фикр изҳор қилиш сирлари шахснинг камолотида катта аҳамиятга эгадир.

ТОПШИРИҚ

Шахс тестлари ёрдамида ўзингизда юқоридаги ҳиссий-иродавий сифатларнинг қай даражада ривожланганлигини ўрганинг ва курсдошларингиздан яна икки кишини синаб кўринг.

Нотиқлик сирлари. Сизда бир фикр пайдо бўлди, дейлик. Уни бугун ўртоқларингизга айтиб, ўз қарашларингизни асослашингиз керак. Демак, Сиз кўпчиликка мурожаат қилишдек масъулиятли ишга бел боғладингиз. Сиздан нималар талаб қилинади?

Энг аввало табиийлик, эркинлик ва ақл керак. Бир қарашда жўнгина туюлган ана шу учала сифатларга эга бўлиш учун тайёргарлик кўрмасангиз бўлмайди. Шу ўринда савол пайдо бўлиши мумкин: нега «ақл» учинчи ўринда берилди, деган. Гап шундаки, одам ўртага чиққанда ўзини биринчи навбатда эркин ва табиий тута олмаса, у билган билимлар ҳам гўёки қаергадир яширингандай, юзага чиқмайди, яъни ҳаяжон ва тортиниш хавотирликни келтириб чиқарадики, бу ҳолатлар мияни худди «тормозлаб», ақлли сўзларнинг мантиқий узвийликда баён этилишига ҳалақит беради. Демак, энг аввало ўзингизни эркин ва табиий тутишга тайёрланг!

Доска ёки минбар олдида чиққанда, ўзингизда яхши эмоционал ҳолатни ҳосил қилиш учун:

а) дадил ўртага чиқинг, гўёки бу иш Сизга ниҳоятда таниш ва табиийдай;

б) ўтирганлар орасида ўзингизга таниш (агар бу нотанишроқ аудитория бўлса) одамни ёки ўзингиз ёқтирган чеҳрани, самимий боқиб турган кўзларни қидириб топинг ва гўёки, шу кўзлар Сизга савол берган-у, Сиз унга бажонидил жавоб беришга тайёр эканлигингизни билдиринг;

в) чуқур нафас олиб, қисқа, лўнда жумлалар билан сўзингизни бошланг. Баъзан, ўзингиз савол бериб, ўзингиз унга жавоб беришдан ишни бошласангиз ҳам бўлади;

г) гапираётган пайтингизда муҳим сўзларни таъкидлаб, керак бўлса, қайтариб айтсангиз ҳам бўлаверади. Муҳими — тингловчилар айнан шу жумланинг муҳимлигини англасинлар, муҳим сўзларни доскага ёзиб қўйиш ёки слайдлар бўлса, уни графопроектор ёрдамида кўрсатишингиз ҳам мумкин;

д) овозингизга, товушлар оҳангига эътибор беринг, сўз ва жумлалар орасида қисқа тўхташлар қилишни унутманг, овоз оҳангини ўзгартириш тингловчилар диққатини бошқаришнинг муҳим омили эканлиги маълум. Айниқса, муҳим ва аҳамиятли фикрларингиз олди-дан ҳам, кейин ҳам кичик паузалар қилишни унутманг.

Ўртача чиққанда, ўзингизнинг бетакрор шахс эканлигингизни таъкидлашни унутманг. Сизда ўз мустақил қарашингиз ва ўз такрорланмас гапириш маҳоратингиз борлиги факти — сизнинг инсон ва шахс сифатида ҳам бетакрор эканлигингизни исботлайди. Шундай бўлса ҳам ўзингиздаги ноёб, ижобий хислатларни намоён этиш ва шу орқали мустақил фикрларингизни ифода этиш учун қуйидагиларга эътибор беринг:

- ♦ Аудитория олдида чиқиб гапираётганлигингиздан сира оғринманг, акс ҳолда сиз тингловчилар назарида чарчаган одамдай туюласиз, ҳаттоки, чарчаган бўлсангиз ҳам, буни бировларга кўрсатманг ва сездирманг, акс ҳолда тингловчиларда ҳам сизни тинглаш истаги йўқолади ёки бўлмаса улар ҳам сизни оғриниб тинглай бошлайдилар;
- ♦ чиқиш олди-дан кўп овқат еманг, чунки органик жараёнлар ҳам ақлий жараёнлар ҳам бошмия орқали бошқарилишини биласиз. Тўқ ошқозон фаолиятини бошқараётган миянинг ақлли сўзларни чиқаришга кучи етмай қолиши мумкин;
- ♦ ўртага чиқиб гапирадиган кунингиз ҳар доимгидан ҳам дид билан, ўзингизга ёққан, сиз учун қулай ва одатий бўлган кийимларингизни кийинг. Шунда сизда ортиқча тортиниш ҳисси бўлмайди;
- ♦ Оверстрит: «Ўхшаш нарсa ўхшаш нарсани тугдиради» деганда одамлар муносабатларини ҳам

назарда тутган эди. Агар Сиз тингловчиларга ишонч, ҳурмат ва қизиқиш билан қарасангиз, улар ҳам Сизга айнан шундай муносабат билдирадилар. Гапираётиб атрофга аланглаб ёки хонанинг шифтига қараб гапирсангиз, тингловчиларнинг ҳам хаёли шифтда бўлиб қолиши мумкинлигини унутманг. Очиқ чеҳра ва самимий меҳр билан худди суҳбатлашаётгандай тенгдошларингиз юзига қарай олишдан сира кўрқманг;

- ♦ гапираётган сўзларингиз, фикрингиз қандайдир мавҳум фикрлар тўдасига айланиб қолмасин, у ҳаётий мисоллар ва шахсий кузатишларингизни ҳам қамраб олишига ҳаракат қилинг.

ТОПШИРИҚ

1. Қадимги грек файласуфи Цицероннинг «Шоир бўлиб туғилади, нотиқ бўлиб етишади» деган сўзларининг маъноси-ни таҳлил қилинг ва ўртоқларингиз билан шу хусусда фикр алмашинг.

2. Ўқитувчингиз бошчилигида куйидаги тренинг — ўйинни ўйнанг. Ўйин номи «Нотиқлик» бўлиб, унда барча гуруҳ аъзолари қатнашадилар. Гуруҳнинг ҳар бир аъзоси ўзи танлаган мавзу бўйича 2 минутлик чиқиш тайёрлайди. Бунда нимага эътибор бериш керак? 1) чиқиш ишончли бўлсин; 2) мавзу мазмунан қизиқарли бўлсин. Демак, тингловчилар ҳам сизнинг чиқишингизга қизиқсин, ҳам ҳар бир сўзингизга ишонсин. Шундай қилиб, ҳар бир ўйин иштирокчиси навбат билан нотиқ ролини ўйнайди. Бу вақтда бошқалар ҳар бир чиқишни юқоридаги икки мезон асосида 10 балли тизимда баҳолайдилар. Ўқитувчи ҳар бир иштирокчининг қанчалик вақт мезонига бўйсунганини ўзи ҳам баҳолайди, ҳам ҳар бир «нотиқдан» неча дақиқа кетганини сўраб солиштиради. Дарс охирида барча баҳолар тўплаб олинади, умумлаштирилади, «Энг маҳоратли нотиқлар» аниқланиб, ҳолис фикр алмашинуви шароитида ҳар ким ўзидаги камчилик ва қийинчиликлар ва ёққан томонлари хусусида мунозара қилинади.

Таъсирчан фикр баён этиш қоидалари. Ўз фикрингизни ўзгалар олдида баён этиш ва шу орқали ўз қарашларингизга нисбатан бошқаларда яхши, ижобий таассурот қолдиришни хоҳласангиз, аввало бу чиқишга тайёргарлик кўришингиз лозим.

Тайёргарлик босқичи. Энг аввало тингловчиларнинг ким эканлигини аниқлаб олинг. Агар тингловчилар

сизнинг курсдошларингиз бўлса, ишингиз анча енгил бўлади, тўғрими? Ахир сиз уларга қандай гап, қай тарзда баён этилган гап, қай ҳажмдаги ва ҳоказо барча талабларини биласиз-ку? Чунки, сиз ўзингиз уларнинг бирисиз. Демак, тенгқурларингизнинг кайфияти ва тинглаш қобилияти нима қилсангиз яхши бўлишини тасаввур қилишингиз керак.

Агар, тингловчилар курсдош-тенгдошлар эмас, балки сиз таълим олаётган маскандаги бошқа ёшлар бўлсачи? Унда иш бироз қийинроқ бўлади, зеро, сиз уларнинг манфаатларини, қизиқишларини аниқлаб олишингиз керак. Агар сиз ўқув юртидаги ёшлар ташкилотининг лидери сифатида кўпчилик олдида ўз нуқтаи назарингизни ҳимоя қилишингиз керак бўлса, масъулият яна ҳам ортиқроқ бўлади.

Шундай қилиб, ўз фикрлари ва нуқтаи назарини ўзгаларга етказиш учун тингловчилар аудиториясини таҳлил қилиш ва уларни айнан н и м а кўпроқ қизиқтиришини аниқлаб олиш зарур.

Асосий ғоя. Аудиториянинг қизиқишларини аниқлаб олгандан сўнг, тингловчилар олдида олиб чиқиладиган асосий, муҳим ғояни ажратиб олишингиз лозим. Бу ғоя тайёргарликни бошлаган онлардан бошлаб, токи нутқ сўзлашни бошлаган дақиқангизгача миянгизда доминанта шаклида доимо хотира майдонингизда бўлмоғи, қолган барча асослар, фикрлар ва мисоллар ўша ғояга бўйсундирилган бўлиши керак. Аудитория олдида сўзлашни бошлаган дақиқадаёқ ўша ғояни тингловчилар онгига ҳам етказиш керакки, токи улар бутун мулоқот жараёнида Сиз билан ҳамнафас бўлишсин. Ана шундай асосий ғоя нечта бўлиши мумкин, деган саволга шундай жавоб бериш мумкин: агар вақтингиз чекланган, оз бўлса, у биттадан ошмайди, агар вақт мўлроқ бўлса, учтадан ошмасин. Чунки ундан ортиғига тингловчилар диққатини бирдан тортолмайсиз.

Гапириш тони ва оҳангни танлаш. Қаерда, қачон ва кимлар олдида ўз фикрингизни баён этишни аниқлаб олганингиздан сўнг, уларга боғлиқ ҳолда гапириш оҳанги ёки тонни ҳам тахминан белгилаб олишингиз керак. Сизда ўртага чиқиб гапириш эҳтиёжи турли сабабларга кўра пайдо бўлган бўлиши мумкин. Масалан, кеча бир ўртоғингизнинг сўзларида сиз ўзингизга тўғри келмайдиган, балки келган тақдирда ҳам тўлиғича сизни қаноатлантирмайдиган фикрни эшитдингиз, дейлик. Демак, эртага Сиз маълум манбааларни кўриб,

танишиб чиқиб, уни тўлдирмоқчисиз. Демак, чиқишингиз жиддий ва маъсулиятли: сиз жиддий тонда гапиришга тайёргарлик кўрасиз, шу билан биргаликда ўша шахс сизнинг тенгдошингиз ва аълочи курсдошингиз бўлгани учун сиз самимий оҳангларни ҳам олдиндан танлай билишингиз керак. Ёки сизнинг кўпчиликка мурожаатингиз курсдошингизнинг туғилган куни муносабати билан бўлса, олдиндан ҳазил-мutoйибани ўз ичига олган, юморга бой тонни танласангиз айти муддао. Демак, гапиришнинг тони юмористик, самимий, жиддий, зардали, қайғули, тантанавор, ҳушёрликка даъват этувчи, илтижоли ва шунга ўхшаш бўлиши мумкин, ва ҳар бир алоҳида вазиятда у ёки бу тоннинг аниқ белгиланиши чиқишнинг самарали ва таъсирчанлигини таъминлайди.

Давомийлик ёки матн ҳажми. Бу омиллар ҳам муҳим бўлиб, Сиз олдиндан тахминан қанча вақт гапиришингиз ва бунинг учун нималар хусусида материал тўплашингизни аниқ белгилаб олишингиз зарур. Ҳеч қачон «Бирор нима дерман», деб ўртага чиқманг. Шекспир ўз вақтида шундай ёзган экан: «Қаерда сўзлар кам бўлса, ўша ерда улар қийматга эга». У бу билан том маънода энг керакли, фойдали фикрни лўнда, жўн ва равон тарзда баён этишни назарда тутган эди. Демак, Сиз ҳам фикрингиздаги энг муҳим ва аҳамиятлиларини таъкидлаб, қолган фикрларни қисқа тарзда айта олишга ўрганишингиз керак. Баъзилар қанча кўп гапирсам, шунча ақли, гапга устадай туюламан, деб гапираверишади, ваҳоланки, тингловчилар аллақачон зерикашган ва фикри тушунарли бўлмаганлигини сезмайди. Шунинг учун баҳс ёки мунозара пайтларида ҳам «Озгина-ю созгина» қабилида иш тутсангиз, ҳамма сиздан кейин ҳам яхши, лўнда фикр кутадиغان бўлади.

Ҳажм масаласида шуни айтиш мумкинки, агар Сиз реферат ёки маъруза шаклида чиқишга тайёргарлик кўрган бўлсангиз, унутмангки, компьютерда ёки ёзув машинкасида 2 интервалда терилган текстни ўқиб беришингиз учун 2 минут кетади (агар орада яна ўзингиздан мисоллар, қўшимча шарҳлар қўшмасангиз). Демак, агар сизга 10 минут гапиришга рухсат берилган бўлса, 5 бетли материал тайёрлашингиз мумкин.

Эркин импровизация орқали гапиришни эса соатга қараб машқ қилишга тўғри келади. Бунинг учун аввал

ўз фикрларингизни қоғозга туширасиз, сўнгра уни қайта-қайта ўқийсиз. Материални тўлиқ ўзлаштириб бўлгач, ўзингизча уни оғзаки импровизация қиласиз. Соатда вақтни аниқ хронометраж қилиш ёдингиздан чиқмасин. Бунда ҳар ким гапириш қобилияти, нутқининг темпига боғлиқ тарзда ҳар хил вақтни сарфлаши мумкин.

Таянч сўзлар. Вақтни тежаш, тингловчиларни зериктириб қўймаслик, нутқнинг равон, ишончли ва таъсирчан бўлиши учун сиз яна бир нарсага эътибор беринг. Сўзламоқчи бўлган нутқингиздаги асосий, муҳим ғояга алоқадор таянч сўзларни ажратиб олинг, уларни ўзингиз учун қулай тарзда ёзиб олинг ва сўнгра нутқни машқ қилинг. Масалан, «Мантикийлик» мавзусидаги дарсга тайёргарлик кўриш учун «Мантиқ формалари» мавзуси сизга берилган бўлса, «мантиқ», «тушунча», «хукм», «умумлаштириш», «хулоса чиқариш», «силлогизм» каби тушунчаларнинг моҳиятини очиб беролсангиз, демак, мантиқ формаларини ёритган бўласиз, айнан шу тушунчалар таянч сўзлар ролини ўйнайди.

Мавзуни номлаш. Сиз чиқиб гапирмоқчи бўлган нутқингиз, табиий маълум мавзуга бағишланган бўлади. Лекин айнан Сизнинг мустақил фикрингизни ифодаловчи қисми-чи? Ана шу қисмни аниқ номлаб олсангиз, биринчидан, хотирангизда яхши сақланади, иккинчидан, сизнинг лўнда фикрлай олишингизни билдиради, учинчидан, айнан бир нарса атрофида билимларингизнинг тўпланишига туртки бўлади. Шунинг учун доимо ўз чиқишингизнинг мавзусини топинг, уни номланг. Номи қисқа, ифодали, жозибадор ва қизиқарли бўлсин. Агар яхлит фикрни ифодаловчи номга қўшимча яна номлар топиш эҳтиёжи бўлса, масалан, агар бир неча фикр ёки ғоялар хусусида гап кетса, ўша бўлакларни яна кичик жумлаларда номланг, токи, улар мантиқан ҳам ўзаро, ҳам катта мавзу билан боғланган бўлсин. Гапингизни бошлашдан аввал, мавзуни билдиринг ва ҳаттоки, унинг таркибига кирувчи бўлаklar номларини ҳам баён этсангиз бўлади.

Машқ қилиш. Бошқача айтганда, репетиция ҳам деб юритиладиган бу тайёргарлик босқичини ҳар ким ҳар хил ўтказади. Чет эллардаги машҳур нотиқлар, ёки ўта жиддий чиқиш арафасида турганлар репетиция босқичига жуда катта аҳамият беришади. Масалан,

мавзу танланган, матн тайёрланган, таянч сўзлар ажратилган, янги фикрлар бир неча марта асослангандан сўнг, машқ қилиш мумкин. Баъзилар юқорида таъкидлаганимиздек, ёлғиз уйга кириб, қаттиқ овоз чиқариб, ўзини ўзи эшитиб машқ қилади, бошқалар ойна олдида туриб ҳам машқ қилишади. Жиддий чиқишларда эса аудиокассеталар ёки видеокассеталарга ёзиб, тайёрланиш ҳам мумкин. Масалан, магнитофонга ўзингиз гапириб туриб, сўзларингизни ёзиб олдингиз дейлик. Уни қайта-қайта қўйиб, эшитиш орқали овозингиз, товуш оҳангингиз, гапириш тезлиги, темпи, ортиқча сўзлар (паразит сўзлар) бор-йўқлигини аниқлаб, янаги сафар уларни имкон борича тартибга келтириш, ортиқча нарсаларни чиқариб юбориш, ҳаяжонланган бўлсангиз, ўша қисмини қайта-қайта қайтариб кўришингиз мумкин бўлди. Ўртоғингиз ёрдамида видео тасмага ёзиб олиб, кўрсангиз, ўзингизга ташқаридан назар ташлаб, барча нуқсонларингизни дарров илғаб оласиз.

Шуни ёдингиздан чиқармангки, ҳеч қачон матнни ўқиб туриб машқ қилманг, чунки унда ҳам вақтдан адашасиз, ҳам аудитория олдида ҳар қандай тўсиқ сизни чалғитиб, ҳаяжон босади ва адашиб кетишингиз мумкин. Қолаверса, агар фикрларингизни қоғозга тушириб айтиб бераётган бўлсангиз, унда билингки, сиз 50 фоизга аудиториянинг ишончини йўқотдингиз.

Фикрни баён этиш босқичи. Демак, тайёргарлик босқичи тугаб, Сиз аудитория олдида сиз. Шу пайтда амал қилишингиз керак бўлган айрим қоидаларга эътибор беринг. Ўз гапингизни бошлашдан аввал бир оз пауза — тўхташ қилинг. Бу пауза ёки тўхташ аудиториянинг бир оз тинчланиб олиши ва диққатини Сизга қаратиши ҳамда сизнинг аудиторияга фикран ҳамда ҳиссан мослашиб олишингиз учун керак. Рўпарангиздагилар ўз курсдошларингиз бўлишса ҳам барибир, қандайдир, ёқимсиз ҳис сизга ҳамроҳ бўладики, ана шу ҳисни тезроқ енгиш учун ҳам сизга бир дақиқа зарур. Агар аудитория нотанишроқ ва улар олдида сизнинг биринчи чиқишингиз бўлса, албатта улар билан саломлашинг ва бирма-бир ҳаммага кўз югуртиринг. Агар тингловчилар тарқоқ ўтиришган бўлса, бир ерга тўп бўлиб ўтиришларини сўранг.

Паузадан сўнг, рўпарага чиқишингиз мақсадини баён этинг. Бунини мавзуни ҳамда унга киритилган масалаларни мухтасар баён этиш орқали ҳам амалга

оширишингиз мумкин, лекин бу қисм жуда қисқа бўлади, чунки сиз тингловчиларга аванс тарзида янги, мустақил равишда каллангизда пайдо бўлган фикрнинг энг аҳамиятли жиҳатларини айтасиз. Шунинг унутмангки, аҳамиятлилик ва зарурат ҳақидаги тасаввур тингловчилар манфаатларига мос келиши керак.

Асосий қисм. Ана энди фикрларни бирин-кетин, мантиқан тузилган занжирлар каби етказа бошлайсиз. Шунинг ёдингиздан чиқармангки, тайёргарлик жараёнида танланган таянч сўзлар ва асосий ғоя сизга к о м п а с каби йўлни кўрсатиб туриши керак, яъни сизнинг асосий муҳим ғоядан чалғиб кетишга ҳаққингиз йўқ. Буни тингловчилар сезиб қолишса, уларнинг сизга ва фикрингизга бўлган ҳурматлари кескин камаяди ва улар сизни тингламай қўйишади.

Якунлаш. Фикрни баён этиб бўлдингиз дейлик. Энди якунлаш керак. Якунлашнинг аҳамияти шундаки, тингловчиларга «Сўзимнинг якунида...» ёки «Ниҳоят...» каби сўзлар билан мурожаат қилган заҳотингиз уларнинг диққатлари яна бир жонланиб «Охирида нима демоқчи?» маъносида тинглай бошлашади. Шунинг учун сўз якунида яна бир марта асосий, муҳим ғояга қайтиш, тингловчиларга ёққан муҳим жойларга яна бир қайтиб, уларга мухтасар шарҳ бериш фойдадан холи бўлмайди. Лекин сиз нутқингизни «Менда бошқа гап йўқ», «Тамом, тугатдим» деб тўмтоқ қилиб, тугатманг. Нутқ якуни маълум ҳаракатларга даъват, фикрлашишга чақириқ, ҳамкорликда ўйлашга даъват тарзида бўлса, янада яхши бўлади. Шунинг учун сўз бошида қандай ўзингизга ишончли, манфаатдор ва қизиқиш билан гап бошлаган бўлсангиз, сўз якунида ҳам тахминан шундай фидоийлик, чақириқ ва яхши кайфият билан ўзингизни тутсангиз, тингловчилар сиздан рози бўлишади. Кўпинча «Келинглари, ... қилайлик!» тарзидаги сўзлар тингловчилар диққатини сақлаб қолишига ёрдам беради.

Жадваллар ва рақамлар. Агар сўзингиз давомида айрим фикрларингизни асослаш ва таҳлил қилиш учун сизга рақамлар зарур бўлган бўлса, уларни иложига борица олдиндан тайёрлаб қўйилган жадваллар воситасида беринг. Лекин, узундан-узоқ рақамларни ўқиб бериш тингловчиларни зериктиради. Агар сиз у ёки бу рақам ўша сиздаги асосий ғояга бевосита алоқадор бўлса, уларнинг бир нечасини доскага ўзин-

гиз ёзиб, уларни бир-бирига солиштиришингиз ҳам мумкин. Лекин рақамларни ва жадвалларни суистеъмол қилманг.

Сиз ишлатадиган сўзлар. Биз кўпинча у ёки бу китобларни ўқиш оқибатида у ерда ишлатилган сўзларни эслаб қоламиз ва ўз нутқимизда ҳам ўрни келганда уларни ўзимизникидай бемалол ишлатамиз.

Лекин таъсирчан нутқ учун ҳамма учун таниш ва сизнинг тилингизга ҳам ўрнашиб қолган таниш сўзлардан фойдаланган маъқулроқ. Чунки агар сиз аудиторияда ўзингиз ҳақингизда ўзига хос таассурот қолдириш мақсадида ёдлаб олган илмий, мураккаб терминлардан ҳадеб фойдаланаверсангиз, тингловчиларда «ҳимоя рефлекси» шаклланиб, улар сизни умуман тингламай қўйишлари мумкин.

Ҳазиллар, мисоллар. Кўпинча, дарс жараёнида ёки ўзгалар нутқида ҳазил ёки ҳаётий мисоллар эшитганимда, бу бизга жуда ёқади. Дарҳақиқат, ҳазиллар, баъзан ҳаётдан олинган латифадай бўлиб қолган мисоллар тингловчиларнинг чарчоғини босади, диққатини сиз томонга йўналтиради. Лекин бундай ҳазиллар нутқнинг бошидаёқ берила бошланса, у мақсадга мувофиқ бўлмайди. Ҳазиллар ва мисоллар иложи бўлса, охирида, ёки нутқ узоқ бўлса, гап ўртасида берилиши, қўйидагиларга амал қилинган ҳолда берилиши керак:

- ♦ гайритабiiй ҳолатларга алоқадор ҳазил бўлмасин;
- ♦ ҳазил ёки латифани қоғозга қараб ўқиб берманг;
- ♦ ҳазилнинг моҳиятини батафсил тушунтирманг;
- ♦ ноўрин, қўпол сўзларни ишлатиб ҳазиллашманг;
- ♦ агар аудиториядагилар кулишмаса, хафа бўлманг.

Демак, ҳазил ўринли ва тарбияловчи характерга эга бўлсин. Агар ҳазил учун мавзу ёки ҳаётдан мисол ўзингизда бўлмаса, ўзгалар тажрибасига ишонманг. Чунки, сиздан олдинги нотик ёки ўқитувчи айтган латифа ёки ҳазил-мутуйиба сизнинг оғзингиздан чиққанда, умуман кулгили бўлмаслиги мумкин. Ҳаётий мисолларни доимо ўринли ишлатинг.

Нутқингизга боғлиқ бўлмаган омиллар. Агар сизнинг фикрингизни тасдиқловчи макет, расмлар, кўргазмали материалга зарурат бўлса, уларни бевосита кўрсатиб, асослаш ҳам ижобий омил ҳисобланади. Чунки, «Юз марта эшитгандан, бир марта кўрган афзал» дейишади-ку? Эшитиш органларимиз орқали

миямизга етиб келган маълумотнинг 10 фоизигина хотирамизда муҳрланса, кўриб идрок қилган нарсаларнинг 50 фоизигача эсда қолади. Лекин уларнинг кўп бўлиши ҳам ҳар доим ижобий қудратга эга бўлавермайди, чунки Сиз учун асосий нарса — бу ўз фикрингизни ўзгалар онгига етказа олиш маҳорати ҳисобланади. Сўз бойлиги ва нутқ сўзлаш санъатига кўпроқ эътибор беринг.

Кийим-бош. Жамоатчилик жойларида, жиддий фикрлар алмашинуви шароитида, қолаверса, ўз қарашларингизни ўзгаларга баён этишда сиз кийган кийим-бошнинг ҳам аҳамияти катта бўлади. Кийим шундай бўлсинки, у ўзининг ранго-ранглиги билан диққатни жалб этмасин, қизлар агар ҳеч қачон киймаган уст-бошларини бугунги маъруза учун кийиб келсалар, биринчидан, ўзлари бироз тортинишлари, янги кийимга бошқалар қандай қарашяпти экан, деган маънода тортинишлари мумкин, иккинчидан, тингловчилар, биринчи навбатда қизларнинг диққатлари ана шу «янги кийимда» бўлиб қолади. Шунинг учун агар сизни масъулиятли учрашув ёки чиқиш кутаётган бўлса, яхшиси ўзингиз ёқтирган, сизга одатий бўлиб қолган бежирим кийим кийилса яхши бўлади. У шундай бўлсинки, сиз нутқ сўзлаётган вақтингизда уни тўғрилаш, у ер-бу ерини текислашга ҳожат бўлмасин. Камтарлик бу ўринда ҳам фақат фойда келтиради.

Қўллар. Биз кўпинча ўз нутқимизни қўл ва тана ҳаракатлари билан уйғунлаштирамыз. Тўғри, қўлларнинг умуман ҳаракатсиз қолиши мумкин эмас, лекин улар кўпроқ эркин икки ёнда бўлиши муҳим, лекин гапларингизнинг энг муҳим, аҳамиятли қисмлари келганда уларни таъкидлашда қўлларингиз ҳаракатидан фойдаланиш керак. Агар қўллар аудиторияга қаратилган ва эркин ҳаракатлари билан фикрни қувватласа, демак, Сиз ўртоқларингизга нисбатан очиқсиз ва ҳаяжонланмаяпсиз. Агар қўлларни қовуштириб, кўкрак қафаси олдида ушлаб турган бўлсангиз ёки орқага яширсангиз, демак, сиз аслида гапирингиз келмаяпти. Ҳадеб, кўрсаткич бармоқ билан аудиторияга ниқтайвериш, сиздаги манманлик белгисига ўхшаб қолади.

Йигитлар шим чўнтакларига, қизлар костюмлари чўнтагига қўлларини солиб олиб гапиришлари ҳам одобдан эмас, қолаверса, қўлга бирор буюмча ёки

қоғозни ушлаб олиб, ҳадеб уни манипуляция қилавериш асабийлашиш белгиси сифатида идрок қилинади. Демак, қўл ҳаракатлари тартибга солинган, маромида бўлиши керак.

Кўз қарашлар. Психологларнинг таъкидлашларича, кўз қарашлари орқали одам ўзидаги барча яширин ниятлари, муносабатлари ва ҳиссиётларини ўзгаларга етказар экан. Суҳбат бошида тингловчи қабул қиладиган маълумотларнинг 58% игача нутққа алоқаси бўлмаган қарашлар, юз ифодаси орқали етказилар экан (Магребян). Шунинг 35—38%и кўз ифодасига тўғри келади.

Демак, қарашларимиз бизнинг асл ниятларимизни етказувчи канал ролини ўйнайди. Шундай экан, ўзимизнинг ўз фикримиз, тингловчиларимизга нисбатан муносабатимиз самимий эканлигини билдириш учун очиқ юзли, самимий қарашли бўлишимиз, керак бўлса, шуни ҳам уйда машқ қилиб олиш керак. Баъзилар гапираётган пайтда қаергадир, ёки кимларгадир қараб гапирадилар. Бу одат яхши фикр баён этиш ва аудитория диққатини ушлаб туришига ёрдам бермайди. Шунинг учун иложи борича ҳар бир тингловчига шахсан қараб чиқилса ва суҳбат мобайнида уларга бевосита мурожаат қилаётганингизни билдирсангиз, мақсадга тезроқ эришасиз.

Савол ва луқмалар. Сизнинг нутқингиздан келиб чиқадиган омиллардан яна бири тингловчиларда ҳосил бўладиган саволлар ва луқмалардир. Уларнинг туғилишига сиз фақат хурсанд бўлишингиз керак. Уларнинг умуман бўлмаслиги, демак, аудиториянинг сизнинг қарашларингизга нисбатан бефарқлигини билдиради. Демак, савол берилди. Сиздан нима талаб қилинади? Аввало, диққат билан тинглашингиз керак. Эшитиш қобилияти ҳам умумий мулоқот жараёнининг муҳим қисми эканлигини унутманг. Саволни самимият ва миннатдорчилик билан тинглаётганлигингизни суҳбатдош сезиб турсин. Бунда сиз яна ўша самимий қарашдан ташқари, бош чайқаш ҳамда бошқа тана ўзгаришлари билан уни бажонидил қабул қилаётганингизни билдира олинг. Саволни жуда диққат билан аввал эшитинг ва жавоб беришга жуда ошиқманг.

Агар берилган савол сизга жуда тушунарли ва унга жавоб аниқ бўлса, миннатдорчилик билдириб, унга жавоб беришга киришинг.

Агар саволнинг айрим қисмлари тушунарли бўлмай қолса ўша ерларини яна бир қайтариш ёки аниқлик

киритишни сўранг. Шу орада ўзингиз қандай жавоб қайтариш мумкинлиги хусусида бирор тўхтамга келиб бўласиз.

Агар савол умуман сизнинг мавзуингизга тўғри келмаса, унда саволнинг муҳимлигини таъкидлаб, унга сизда ҳ о з и р аниқ ва асосли жавоб йўқлигини тан олганингиз маъқул. Агар «олиб қочмоқчи» бўлсангиз, барибир беобрў бўлиб қолишингиз мумкин, чунки ўша савол берганнинг ўзида аниқ жавоб бўлиши мумкин.

Агар саволлар жуда кўпайиб кетса-чи? Бунда сиз ўз қарашларингизни охиригача баён этишдан маҳрум бўлиб қолишингиз мумкин. Шунинг учун аудиторияда саволларга шайланиш ортиб бораётганлигини сезсангиз, кечирим сўраб, одоб билан, аввал ўз қарашларингизни айтиб олиш, кейин эркин фикр алмашинуви шароитида савол-жавобларга ўтиш ниятингиз борлигини уларга билдиринг.

Агар гапираётган пайтингизда пастдан луқма ташлашса, ўзингизни йўқотманг. Ўша луқма эгасига қараб, гўёки, у билан гаплашаётгандек, гапингизни нуқтасига олиб боринг ва сўнг луқманинг моҳиятига қараб, жавоб беринг. Лекин уни безътибор қолдирманг, чунки бу ҳолат бошқаларга ҳам салбий таъсир кўрсатиши ва ўша бола яна сизга халақит бериши мумкин.

ТОПШИРИҚ ВА МАШҚЛАР

А. Сиз қизиқиб гапираётган пайтда кимдир, «Вақтингиз тугади», деб луқма ташлади. Нима қиласиз? Қуйида берилган жавобларнинг қайси бири Сизга маъқул, ҳар бирини алоҳида шарҳланг.

- а) «Тугатяпман», дейсиз.
- б) «Шундай қилиб,...» деб давом эттирасиз.
- в). Яна биров вақт оласиз.
- г) «Ниҳоят, охириги асосий фикрим...» деб давом эттирасиз.
- д) «Сўзим сўнгида... ҳақида гапирмоқчийдим», деб тугатасиз.

В. Ҳамма учун қизиқ ва аҳамиятли савол берилди, лекин Сизда ушбу савол юзасидан аниқ жавоб йўқ. Нима қиласиз?

- а) «Билмайман», деб жавоб бераман.
 - б) «Олиб қочаман».
 - в). «Жавоб беришга интиламан...»
 - г) «Кейинги сафар шу ҳақда гаплашмоқчи эдим»
 - д) Савол берганнинг ўзидан жавобни талаб қиламан.
- Ҳар бир жавоб вариантыдаги ўринли ва ўринсиз жойларини аниқлаб, ўртоқларингиз билан муҳокама қилинг.

Энг яхши суҳбатдош — гапга чечан одам эмас, балки тинглашни биладигандир.

Дейл Карнеги.

МУСТАҚИЛ ФИКРЛАШНИНГ ЯНА БИР ОМИЛИ

Биз юқорида инсоний муносабатлар борасида жуда йирик мутахассис ҳисобланган машҳур америкалик олим Дейл Карнегининг фикрини бежиз келтирмасдик. Зеро, эркин, мустақил фикрлаш муҳитининг бош омилларидан бири суҳбатдошларнинг бир-бирлари учун яратган шароитлари, яъни, ўзаро бир-бирларининг фикрларига нисбатан ҳурматларидир. Тасаввур қилинг, Сиз ўз фикрингизни ўртоқларингизга баён этмоқчисиз, лекин улар негадир, Сизни тинглашмаяпти, бундай муносабат Сизда пайдо бўлган фикрни нафақат ривожлантирмайди, балки кейинчалик ҳам ана шундай шароит бўлганда, умуман гапирмаслик, фикр баён этмаслик хоҳишини уйғотади. Психолог олимлар ва мутахассисларнинг аниқлашича, одам ўз иш вақтининг қарийб 45% ини кимларнидир гапларини эшитиш билан ўтказаркан. Касблар орасида шундайлари ҳам борки, унинг эгалари асосан одамлар билан мулоқот қилганликлари учун маош оладилар, масалан, идоралардаги иш юритувчи котибалар, раҳбарлар, ўқитувчилар, докторлар — шифокорлар ва шунга ўхшаш. Улар ўз маошларининг деярли ярмини — 35—40 фоизини ўзгаларни яхши эшитганликлари учун оларканлар. Демак, маданиятли ва соғлом фикрли инсон учун тинглаш маданияти ҳам жуда зарур.

Тинглаш малакаси нима? Донолардан бири «Агар одамлар Сиз тўғринида яхши тассуротда бўлиб, яхши фикрда бўлишини хоҳласангиз, уларнинг ҳар бир сўзини диққат билан тингланг», деган экан. Дарҳақиқат, биздаги кўплаб малака ва кўникмалар орасида тинглаш малакаси ҳам шахсий тажриба орттиришимиз ва яхши инсон бўлишимизнинг муҳим омилларидан биридир.

Бир қарашда одамларни тинглаш, ўзгалар фикрига нисбатан сабр-тоқатли бўлиш осон ишдай туюлса-да, мутахассисларнинг таъкидлашларича, касб-корлари бевосита одамлар билан мулоқотга қаратилган педагог-

лар, раҳбарлар, менеджерлар ва бошқаларда ҳам баъзан айнан шу малаканинг йўқлиги туфайли муаммолар пайдо бўларкан. Масалан, Сиз синф раҳбарининг олдига кириб, ўз фикр-мулоҳазаларингизни баён этмоқчисиз, лекин у шошиб турган бўлиши ёки диққатини дафтаридан ёки иш қоғозидан олмаган ҳолда Сизни «тинглаши»ни тасаввур қилинг. Бундай мулоқот, табиий, самарасиз бўлади. Аксинча, ўқитувчи жуда қизиқ мавзунини ёритмоқда, синфдагиларнинг кўпчилиги эса уни тингламаяпти, бу ҳам самарасиз, натижасиз мулоқот ҳисобланади. Шунинг учун ҳам эркин ва мустақил фикрлашнинг омили ва мезони сифатида тинглаш маҳорати ва малакаси сирларини ҳам билиб олинг.

Ўзгалар фикрига сабр-бардошли бўлиш маданияти ёки тинглаш малакаси қуйидагиларда ифодаланади:

— сўзловчи фикрини маъқуллашни ифодаловчи, бош ҳаракатлари, кўз қарашларида мужассамлашувчи ҳолат;

— суҳбатдошнинг фикрларини янада ривожланишига сабаб бўлувчи самимий, тасдиқловчи юз ифодаси;

— бошқа томонга ёки ўзгалар фикрига чалғимаслик.

Агар юқоридаги ҳолатларни кўз олдингизга келтириб, уларни тасаввур қилолган бўлсангиз, демак, Сиз суҳбатдошингиз нима демоқчи бўлганини аниқ биладасиз, Бундан ташқари, тинглаш малакаси, бошқалардаги янги ғоялар моҳиятини тезроқ англаш, уларга эргашиш ва ўз фикр-мулоҳазаларингизни мустаҳкамлашга имкон беради. Тинглаш малакасининг зарурати яна шундаки, агар Сиз яхши суҳбатдош-тингловчи бўладолсангиз, баъзан шахслараро келиб чиқадиган зиддиятлар, англашилмовчиликларнинг олди олинади. Тинглаш маданияти одамлар ўртасидаги ўзаро ишонч ва ҳурматга асос бўлади. Демак, биргаликда фикр юритиш, бирор иш — фаолиятни муваффақиятли амалга ошириш учун шароит яратади.

Агар тингловчи маданиятли ва «малакали» бўлса, гапираётган суҳбатдошнинг кайфияти яхшиланади, фикрлари янада тиниқлашади, суҳбатдошдан розилигини ўзининг самимий юзи ва кўтаринки кайфияти билан тасдиқлайди, кейинги сафар яна ана шундай шароит туғилганда, у бажонидил Сиз билан суҳбатлашади ва у ҳам сизнинг ҳар бир сўзингиз ва фикрингизни охиригача тинглайдиган бўлади.

Тинглаш маҳорати: эҳтиёж ва иқтидор. Психологларнинг қайд этишларича, тинглаш — инсонга илк ёшлик-

дан ато этилган қобилият эканки, унинг асосида табиий эҳтиёж ётаркан. Яъни, ўзгаларни (онани, отани, катталарни, яқинларни, ўртоқларни) тинглаш — инсон **диққати** жараёнининг муҳим қисми бўлиб, «Бу нима?» ёки ориентировка рефлекси бу жараённинг табиий асосидир. «Бу нима?» рефлекси кейинчалик қизиқувчанлик, кузатувчанлик, интилувчанлик каби муҳим шахс сифатларига айланиб, улар бизни бошқа одамлар фикрларига муносиб муносабат билдиришимизни таъминлайди.

Тинглаш усуллари ва воситалари. Амалий мулоқот сирлари билан шуғулланадиган олимлар тинглашнинг оддий (норефлексив) ҳамда мураккаб (рефлексив) усулларини фарқлашади.

Оддий тинглашни кўз олдингизга келтиришни хоҳласангиз, ўқитувчингиз янги дарсни тушунтираётган пайтда ёнингизда ўтирган ўртоғингизга қаранг, у айтилган сўзларни ёзгани ҳам йўқ, фикрларга эътироз ҳам билдиргани йўқ, у фақат диққат билан тингламоқда, чунки у гап нимада эканлигини англамоқчи, ва ўқитувчига умуман ҳалақит бериш фикридан йироқ. Энди, мураккаб, фаол тинглаш нима эканлиги тўғрисида сўз юритамиз, чунки бундай тинглаш турининг ўзига хос воситалари мавжуд.

1. *Аввало, тинглаш ҳолати ўзига хос бўлиб, у тингловчининг ҳам фаоллигини билдиради.* Тингловчи йиғинчоқ ҳолатда бўлади, Масалан, суҳбат давомида баъзан суҳбатдош «Энди гапни буёғини эшит», деса, тингловчи юзини яна ҳам очиб, кўз қарашлари билан қизиқаётганлигини билдиради, шу пайтда пешоналари ҳам бироз тиришади, бошлари чайқалади, ҳаттоки, суҳбатдошига яна ҳам яқинроқ келиб олиши ҳам мумкин.

2. *Суҳбатдошга самимий муносабат ва эътибор билдириш.* Суҳбатдош фикрларининг мазмунига кўра, **жиддий диққат** (пешоналар тиришган, ияклар бироз кўтарилган, тананинг бош қисми бироз олдинда бўлган ҳолат) ёки **самимий диққат** (юз ва кўзлардан самимий кулгу таралиб турган, маъқулловчи бош ҳаракатлари) турлари намоён бўлиши мумкин.

3. *Жиддий сукут сақлаш.* Баъзилар тинглаш пайтида айрим луқмалар ёки қўллаб-қувватловчи сўзларни ишлатишга одатланган бўлади. Масалан, «Ҳа-я», «қаранга?», «Наҳотки», «Йўғ-э?» каби. Тўғри, бундай луқмалар оддий тинглаш жараёнида мулоқотни кучайтирувчи омил сифатида ўз ўрнига эга. Лекин баъзи шароитларда

жиддий қиёфада сукут сақлаш, индамаслик кўпроқ самара беради, чунки айнан жимлик ва сукут сақлаш суҳбатдошни мустақил, эркин фикрлашига имкон яратиб, мантиқий фикрлашига ёрдам беради.

4. Суҳбатдош фикрини ўз қарашича қайта шарҳлаш ҳам мураккаб — рефлексив тинглашнинг усулларида ҳисобланади. Масалан, суҳбатдошингиз Сизга ўз ҳиссиётларини, фикр-ўйларини изҳор қилмоқда, агар Сиз уни диққат билан тинглаётган бўлсангиз, ўша фикрни ўзингизча қисқача қайтариб, шарҳлашингиз уни янада илҳомлантириши ва Сиздаги ҳурмат ва эътиборни ҳис қилишига имкон яратиши мумкин. Бунда Сиз, «Демак, сен бу гапнинг билан демоқчисан, кейинчи?», «Сизнингча,...» каби ибораларни ишлатасиз.

5. *Яқунлаш* — тинглашнинг яна бир воситаси бўлиб, кўпинча суҳбатдош сизнинг диққат билан тинглаганлигингизни гап охирида ҳам билиши мумкин. Шунда Сиз: «Демак, сизни тўғри тушунган бўлсам...» ёки «Гапингизни умумлаштириб айтиш мумкин эканки,...» деб, айтилган фикрга қисқа яқун ясаш йўли билан ташаббусни ўз қўлингизга олишингиз ва шу тариқа уни ҳам диққат билан тинглашга мажбур қилишингиз мумкин.

Шундай қилиб, агар Сиз ўз фикрларингизни эркин баён этиш учун муҳит зарур эканлигини тушунган бўлсангиз, демак, ўзгалар фикрига ҳам сабр-тоқатли, эътиборли бўлиш маҳоратини ҳам машқ қилиб кўринг. Агар ўзингиздаги тинглаш малакасининг қай даражада эканлигини синаб кўрмоқчи бўлсангиз, қуйидаги берилган саволларни диққат билан ўқиб, ҳар бирига берилган жавоблардан ўз фикрингизга монандини белгиланг. Демак, бошладик!

1. Сизнингча, суҳбат ёки гаплашишнинг мақсади нимада?
 - а) суҳбатдошни яхшироқ билиб олиш;
 - б) айна масала юзасидан ўз қарашини баён этиш;
 - в) фикр алмашиниш ва уни муҳокама қилиш.
2. Сизга ёш болалар турли-туман саволлар беришадими?
 - а) тез-тез;
 - б) ҳеч қачон;
 - в) баъзан.
3. Ўқишга ёки ишга кетаётиб, ўзингизча хиргойи қиласизми?
 - а) ҳа, доимо бир хил мусиқа ёки ашулани;
 - б) ҳа, ҳар кун иш ҳар хил ашулани;
 - в) йўқ, ҳеч қачон бундай бўлмайди.
4. Сизнинг қаршингизда маъруза қилган ёки ўз фикрини баён этган кимсага саволлар бериш одатингиз борми?

- а) ҳа, доимо нимадир сўрагим келади;
- б) баъзан, билдирилган фикрга қўшила олмаганимда;
- в) йўқ, чунки менимча, битта савол билан унинг фикрини ўзгартириб бўлмайди.

5. Ўртоғингиз ёки оддий суҳбатдош билан гаплашгандан сўнг, ўз фикрингиздан қайтган пайтларингиз бўлганми?

- а) ҳа, деярли ҳар сафар;
- б) баъзан;
- в) ҳеч қачон бундай бўлмаган.

6. Бошқа кимса билан гаплашаётганда:

- а) кўпроқ Сиз гапирасиз;
- б) кўпроқ суҳбатдошингиз гапиради;
- в) иккалангиз тенг гапирасиз.

7. Нархи бир хил бўлганида нимани биринчи харид қилган бўлардингиз?

- а) китоб;
- б) аудиокассета;
- в) кинога патта

8. Шерингиз ўз шахсий муаммосини гапириб, вақтингизни олса нима деб ўйлайсиз?

- а) қимматли вақтни бой бердим, деб ўйлайман;
- б) энди у доимо менинг таъсиримда бўлади;
- в) албатта унга ёрдам беришим керак.

9. Қайси жумла Сизнинг нуқтаи назарингизга мос келади?

а) бирор муаммо бўйича фақат мутахассисгина аниқ фикр айта олади;

б) агар одам ўз фикрларини яхши баён этолса, у ҳар нарса тўғрисида гапиришга ҳақли;

в) мутахассислар ҳар доим ҳам ўз соҳалари бўйича маҳорат билан сўзлай олмайдилар.

10. Суҳбат давомида чалғиб кетган бўлсангиз нима қиласиз?

а) гапираётган одамни тўхтатиб, айтилган фикрни тушунтиришини сўрайсиз;

б) тушунмаган жойни эслаб қолиб, суҳбат охирида сўрайсиз;

в) умуман фикр тушунарли эканлиги билан чекланасиз.

11. Эрталаб радио орқали этишган маълумот ёки кўшиқни аниқ қайтариб бера оласизми?

- а) ҳа, ҳар доим;
- б) ҳа, лекин эслаш учун вақт керак бўлади;
- в) йўқ, одатда эслай олмайман.

12. Эстрада кўшиқчисидagi нима кўпроқ сизга ёқади?

- а) овози;
- б) ташқи кўриниши;
- в) сахнада ўзини тутиши.

13. Концертларга бориш сиз учун:

- а) жуда ёқимли ва унутилмас ҳодиса;
- б) барча маданиятли одамлар қаторида бўлиш имконияти;

в) фақат менга ёққан ашулалар бўлгандагина ёқадиган ҳодиса.

14. 5—6 кишилиқ даврада гапира бошладингиз дейлик. Одатда:

а) сизни деярли ҳеч ким эшитмайди;

б) барча тўпланганлар диққат билан фақат сизни тинглашади;

в) Сиз сўзлаш учун ташаббус кўрсатмайсиз.

15. Сиз атрофда бўлаётган барча ҳодисалардан хабардорсиз.

Чунки:

а) сиз телекўрсатувларни мунтазам кўрасиз;

б) радио тинглайсиз;

в) газеталар ўқиб юрасиз.

Энди тўплаган балларингизни қуйидаги жадвал ёрдамида ҳисобланг.

Савол	Жавоб			Савол	Жавоб		
	а	б	в		а	б	в
1	2	1	3	9	1	2	3
2	3	1	2	10	3	3	1
3	2	3	1	11	3	2	1
4	2	3	1	12	3	1	2
5	2	3	1	13	3	1	2
6	1	2	3	14	2	3	1
7	3	1	2	15	3	3	1
8	1	2	3				

Балларингизни ҳисобланг.

15—20 балл. Сиз анча бетоқат тингловчисиз. Балки Сиз ўзгаларни тинглаш ҳисобига орттирадиган шахсий тажриба ёки билимларнинг аҳамиятини билмасангиз керак.

25—30 балл. Сиздаги тинглаш маданиятини анча шаклланган дейиш мумкин, лекин сиз учун суҳбат маълумотлар тўплашнинг ягона манбаи эмас. Сиздан кўп нарса ўрганиш мумкин, лекин сиз бунга берилиб кетманг, баъзан сизга қаратилган танқид ёки фойдали кўрсатмаларга ҳам амал қилинг. Ҳозиргига нисбатан кўпроқ ўзгаларни тинглашга ўзингизни ўргатинг.

35—45 балл. Сизда ўта ноёб фазилат бор экан: Сиз тинглаш малакасига эгасиз, ва гапиришингиз меъёри яхши. Сиз билан гаплашганлар доимо сиздан мамнун бўлишади, чунки улар сиздан доимо фойдали маълумотлар олишади. Сиз ўзгаларни тушуниш ва уларга ҳамдардлик билдира олиш каби ноёб сифат соҳибисиз.

ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И. А. Баркамол авлод орзуси. — Т.: Ўзбекистон, 1998
2. Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. — Т.: Ўзбекистон, 1997.
3. Ахлоқ-одобга оид Ҳадис намуналари. — Т.: Фан, 1990.
4. Вуджек Т. Тренировка ума. — Изд-во «Питер», С-Петербург, 1997.
5. Грановская Р. М. Элементы практической психологии. — Л.: ЛГУ, 1988.
6. Годфруа Ж. Что такое психология? — М., «Мир», 1991 г.
7. Дьюи Д. Психология и педагогика мышления. Пер. с англ. — М.: Совершенство, 1997.
8. Иброҳимов А. ва бошқ. Ватан туйғуси. — Т.: Ўзбекистон, 1996.
9. Ивин А. А. Искусство правильно мыслить: Кн. для уч-ся. — М.: Просвещение, 1986.
10. Карнеги Д. Как завоевывать друзей и оказывать влияние на людей: Пер. с англ. М.: Прогресс, 1989.
11. Комилов Н. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи. 1-к.-Т.: Ёзувчи, 1996.
12. Маҳаммов У. Ўқувчиларнинг ахлоқий маданиятини шакллантириш муаммолари. — Т.: Фан, 1995.
13. Машриқзамин — ҳикмат бўстони. — Т.: Шарқ, 1997.
14. Муомала сирлари. — Тузувчилар: Сафоев Н., Гаффоров Б. — Т.: Наврўз, 1992.
15. Маънавият ва комиллик. — Тўпловчи З. Гаффорова, — Т., 1997.
16. Немов Р. С. Психология. В 2-х кн. Кн. 1. Общие основы психологии. — М.: Просвещение, 1994.
17. Одаренные дети. — М., «Прогресс», 1991.
18. Развитие творческой активности школьников. — М., «Педагогика», 1991.
19. Рогов Е. И. Настольная книга практического психолога в образовании. Учебное пос. — М.: ВЛАДОС, 1996.
20. Пономарев Я. Психология творчества. — М.: Наука, 1976.
21. Прощицкая Е. Н. Выбирайте профессию. Учебное пособие. — М.: Просвещение, 1991.
22. Рахимов И. Мантиқ. — Т.: Университет, 1994.
23. Сафо Очил. Мустақиллик маънавияти ва тарбия асослари. — Т.: Ўқитувчи, 1995. — 208 б.
24. Чистякова М. И. Психогимнастика. — М., 1990.
25. Юсупов Э., Исмоилов Ф. Инсон баркамоллиги. — Ўзбекистон, 1989.

И Л О В А Л А Р

1-тестнинг калити

- 1) 12 9; 2) 25 36; 3) 13 20; 4) 36 38;
5) 13 ; 6) 44 46; 7) 10 4;

2-тестнинг калити

- | | |
|-------------------------|--------------------------|
| 1. ўсимликлар, тупроқ; | 7. диаметр, айлана; |
| 2. қирғоқ, сув; | 8. қўзлар, муҳр; |
| 3. бино, кўча; | 9. қоғоз, муҳаррир; |
| 4. том, деворлар; | 10. ўйинчилар, қоидалар; |
| 5. бурчаклар, томонлар; | 11. жанг, солдатлар. |
| 6. бўлувчи, бўлинма; | |

3-тестнинг калити


- | | |
|-------|-------|
| 1) 5 | 11) 5 |
| 2) 2 | 12) 2 |
| 3) 6 | 13) 6 |
| 4) 1 | 14) 1 |
| 5) 6 | 15) 4 |
| 6) 1 | 16) 6 |
| 7) 4 | 17) 3 |
| 8) 6 | 18) 5 |
| 9) 3 | 19) 2 |
| 10) 4 | 20) 3 |

1—3-машқларнинг жавоблари

1-м а ш қ. «Отларни алмашинглар».

2-м а ш қ. Расмга бир томондан қарасангиз у қушга ўхшайди. Бошқачасига — сўроқ белгиси; тескари томондан, оёғини осмондан келтириб қарасангиз — тўп ўйнаётган тюленни кўрасиз.

3-м а ш қ. Масалани ечиш учун фазони бир текисликда ётадиган фигуралар сифатида тасаввур қилиш ярамайди. Уни пирамида сифатида тасаввур қилсангиз қуйидаги тасвир чиқади:



Каримова В. М.,
Суннатов Р. И.,
Тожибоева Р. Н.

МУСТАҚИЛ ФИКРЛАШ

*(Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари
ўқувчилари учун ўқув қўлланмаси)*

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни
Бош таҳририяти
Тошкент — 2000

Муҳаррир З. Мирзоҳакимова
Бадий муҳаррир Ф. Башарова
Техник муҳаррир Л. Хижова
Мусахҳиҳ Н. Муҳамедиева

Теришга берилди 16.12.1999 й. Босишга рухсат этилди 09.03.2000 й.
Бичими 84×108 $\frac{1}{32}$. Таймс гарнитураси. Офсет босма. Шартли босма
табоғи 5,88. Нашриёт ҳисоб табағи 5,96. Адади 5000 нусха. Буюртма
№ 4988. Баҳоси шартнома асосида.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси, 700083,
Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.

1000

Tun.

